

U20.2

344

C-92



Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат вазирлиги



Uzbekistan



СУҒУРТА АГЕНТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2010

СУҒУРТА АГЕНТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2010

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

Тақризи:

У. Аҳмедов – БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти” лойиҳаси Миллий маслаҳатчиси

Сугурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н. Х.М. Шенниев. – Тошкент, 2010. – 208 б.

Мазкур қўлланмада сугурта агентлари фаолиятини ташкил этиш, улар томонидан юридик ва jisмоний шахсларга сугурта махсулотларини сотишнинг замонавий технологиялари билан боғлиқ муҳим жиҳатлар ёритилган. Шунингдек, китобда сугурта агенти томонидан сугурта шартномалари ва полисларини расмийлаштиришга оид маълумотлар қонунчилик ҳужжатлари ва амалиётта асосланган ҳолда келтирилган.

Ушбу нашр сугурта агентлари учун юридик ва jisмоний шахсларга сугурта махсулотларини сотишда услубий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қўлланма нафақат сугурта агентлари, балки сугурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари учун ҳам мўлжалланган.

Мазкур қўлланма БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти” лойиҳаси доирасида тайёрланди.



Барча ҳуқуқлар БМТ Тараққиёт Дастурига тегишли. Қўлланмани ҳар қандай шаклда кўчириш ёки унда кўчирма сифатида фойдаланиш фақат ёзма розилик асосида амалга оширилади. Қўлланмадан бирор-бир мақсадда фойдаланилганда унга мурожаат қилиш мажбурийдир. Кўчириб босиш, таржима қилиш ва чоп этилган нусхаларни олишга оид барча саволлар бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, 2009

Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй

Тел.: (+998 71) 120-34-50

Факс: (+998 71) 120-34-85

Интернет: www.undp.uz

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури “Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти” лойиҳаси, 2009

Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55

Тел.: (+998 71) 259-21-52

Факс: (+998 71) 259-20-51

Интернет: www.publicfinance.uz

infoCOM.UZ МҶДЖ нашриёти

ISBN 9789943-320-08-6

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
1 Боб. СУГУРТАНИНГ МОҲИАТИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ	6
1.1. Сугурта тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	6
1.2. Сугурта фаолиятида қўлланиладиган энг муҳим тушунчалар.....	15
1.3. Сугурта фаолиятини тартибга солувчи асосий қонунчилик хужжатлари.....	21
2 Боб. СУГУРТА АГЕНТИ ВА УНИНГ СУГУРТА БОЗОРИДАГИ ҶУРНИ	31
2.1. Сугурта бозори профессионал иштирокчилари.....	31
2.2. Сугурта агенти ва сугурталовчи ўртасидаги ўзаро муносабат.....	39
2.3. Сугурта агенти ва миқоз ўртасидаги муносабат.....	45
3 Боб. СУГУРТА АГЕНТИ ТОМОНИДАН ПОЛИСЛАРНИ СОТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	59
3.1. Сугурта полисларини сотиш технологияси нима?.....	59
3.2. Юридик шахслар билан шартномалар тузиш ва сугурта полисларини расмийлаштириш тартиби.....	82
3.3. Жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва сугурта полисларини расмийлаштириш тартиби.....	96
ГЛОССАРИЙ	108
Илова:	
1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (52-боб. Сугурта) ...	129
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).....	154
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ -872- сонли Қарори.....	180
4. “Сугурта агентлари тўғрисида” Низом.....	183
5. Мулкларни оловдан ва табиий офатлардан сугурта қилиш шартномаси .	191
6. Жисмоний шахслар мол-мулкни сугурта қилиш полиси.....	203

Сўз боши

Ўзбекистон Республикасида сугурта бозори ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга сугурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз берапти. Сугурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди ва мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Сўнги икки йил мобайнида давлат томонидан сугурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган катор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. 2008 йилда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида” қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид кўнимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ -872- сонли Қарори қабул қилинди. 2009 йилда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди.

Мажкур қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши юридик ва жисмоний шахсларнинг сугурта маҳсулотларига бўлган манфаатдорлигини оширишга хизмат қилиши билан бир қаторда, сугурта ташкилотларининг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг қатламини сугурта маҳсулотлари билан таъминлашда сугурта агентлари муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда сугурта ташкилотларининг ҳам уларнинг маҳсулотлари истеъмолчилари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳам сугурта агентлари хизматига эҳтиёжи кескин ортмоқда.

Сугурта агентларининг фаолият юритиш асослари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг қатламига сугурта маҳсулотларини сотиш, кўп жиҳатдан, агентларнинг мижозлар билан ўрнатган муносабатларига чамбарчас боғлиқ. Агент сугуртанинг асосларини билибгина қолмасдан, сугурта шартномаларини тузиш ва полисларни расмийлаштиришнинг амалдаги тартибларини пухта ўзлаштирган бўлиши

дозим. Ҳар ким ҳам суғурта агентидек шарафли касб эгаси бўлавермайди. Суғурта агенти миждозларнинг руҳиятини яхши билиши керак.

Мазкур қўлланмада суғурта агентлари билиши зарур бўлган энг муҳим жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилинган. Айниқса, суғурта агенти ва миждоз ўртасидаги муносабатларни яхши йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалаларга муаллиф катта эътибор қаратган. Қўлланмада суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта полисларини расмийлаштириш тартиби амалиёт нуқтаи назаридан тегишли изоҳлар берилган ҳолда қараб чиқилган.

Қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси бошлиғи О.Г.Икромов, Суғурта назорати давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари И.З.Халимов ҳамда мустақил экспертлар – “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Н.Муродуллаев ва “UzAIG” суғурта компанияси Бош директори ўринбосари Х.Мамаджоновлар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мазкур қўлланманинг мақсади суғурта агентларига улар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатишда амалий ва услубий жиҳатдан кўмак беришдан иборат.

1. Суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари

1.1. Суғурта тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурта инсоният ҳаёти ҳамда унинг мулккий манфаатларини ишончли химоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида кишилиқ жамиятининг турли босқичларида мавжуд бўлган ва узок тарихга эга. Тарихий манбаларга кўра, нотижорат суғуртанинг дастлабки шакллари эрамиздан 2000 йил олдин Бобил подшоҳи Хаммурапи қонунларида, шунингдек, Форс кўрфази, Қадимги Греция ва Миср, Қадимги Римдаги савдогарларнинг ўзаро тузган битимларида ўз аксини топган¹.

Мазкур битим шартларига мувофиқ, умумий қарвон сафида савдо қилувчи савдогарлардан бирортаси табиий ҳодисалар ёки қароқчилар ҳужуми оқибатида зарар кўрса, етказилган зарарлар бошқа савдогарлар томонидан қопланиши белгиланган. Бу даврларда махсус суғурта ташкилотлари бўлмаган ва суғурта бадаллари тўланмаган.

Денгиз суғуртаси бўйича дастлабки жамият (суғурта ташкилоти) 1668 йилда Францияда ташкил этилган. XVI аср охириларида Лондонда хусусий суғурталовчиларнинг уюшмаси ташкил этилган. 1871 йилгача ушбу уюшма “Лондон Ллойди” номи билан фаолият кўрсатиб келган. Германиядаги дастлабки суғурта жамиятлари 1765 йилда Гамбург ва Берлинда тузилган².

Денгиз суғуртасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига табиий офатлар таъсир кўрсатган бўлса, Европа мамлакатларидаги урбанизация жараёни мулк суғуртасининг бошқа турларининг вужудга келишига олиб келган. 1666 йилда Лондонда катта ёнгин бўлган ва унинг натижасида 70,0 минг киши ҳалок бўлган. Бу Европада ёнгиндан суғурталанишнинг пайдо бўлишига шароит яратган. Англияда ёнгиндан суғурталаш билан шуғулланувчи кўплаб жамиятлар барпо этилган.

Германияда ёнгиндан суғурталаш бўйича дастлабки акциядорлик суғурта жамияти 1812 йилда тузилган.

Ҳаёт суғуртаси бўйича биринчи суғурта жамияти “Эквитебл” номи билан 1762 йилда ташкил этилган. 1830 йилга келиб, Англияда ҳаёт суғуртаси бўйича 35 та йирик жамиятлар фаолият кўрсатган. Ҳаётни суғурталаш бўйича дастлабки акциядорлик суғурта жамиятлари 1787 йилда

¹ Гвозденко А.А. Основы страхования: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 7 с.

² Сахирова Н.П. Страхование: учебное пособие. – М.: Проспект, 2006. – 6 с.

Францияда ташкил этилган. Германияда эса 1806 йилга келиб, хаёт суғуртаси бўйича акциядорлик жамияти тузилган.

— XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши мулкий ва шахсий суғуртанинг тараккий этишини анча тезлаштирди.

— Собик иттифок даврида мавжуд бўлган суғурта тизими хақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, 1917 йилдан то 1990 йилга қадар, бутун собик иттифок худудида, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам суғурта хизматларини кўрсатиш, фақат давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган. Суғурта соҳасида давлат монополияси ўрнатилганлиги сабабли давлат суғурта органи (Госстрах)га ракобат қилиши мумкин бўлган хусусий суғурта ташкилотларининг фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмаган.

— 1991 йил Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва бозор муносабатларини қуришга қаратилган давлат сиёсатининг юритилиши суғурта соҳасида узок йиллар ҳукм сурган давлат монополиясининг барҳам топишига, пировардида, давлат суғурта ташкилотлари билан бир қаторда бошқа мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотларининг вужудга келишига шарт-шароит яратди.

— Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг суғурта соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Иктисодий ислохотлар туфайли тармоқда ракобат асосида фаолият кўрсатадиган турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади. Мулкларни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, янги шаклдаги тадбиркорлик тузилмаларининг пайдо бўлиши, ташки иктисодий фаолиятнинг жадал суръатлар билан ривожланиши суғурта хизматларига бўлган талабнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Иктисодий ислохотлар бошланган 1991 йилнинг ўзида амалда қарийб 70 йил давомида яқка ҳоким сифатида фаолият кўрсатиб келган “Госстрах”га ракобатлаша оладиган нодавлат суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлаганлигини таъкидлаш жоиз.

— Шунинг алоҳида эътироф этиш лозимки, мустақиллик йиллари суғурта соҳасини ислох қилиш юзасидан жиддий қаламлар қўйилди. Тармоқда туб ислохотларни амалга ошириш жараёни бозор иктисодиётига ўтишнинг дунёда тан олинган ўзига хос модели “Ўзбек модели” тамойилларига мос равишда кечди ва бугунги кунда бу жараён давом этмоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби суғурта соҳасида ҳам давлат бош ислохотчи сифатида фаол иштирок этаётди. Бунинг тасдиғи ўларок, суғуртанинг ҳуқуқий базаси

яратилиб, бирин-кетин турли мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотлари ташкил этила бошланди. Дастлаб, 1993 йилда “Суғурта тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 1994 йилда Ҳукумат қарорига мувофиқ “Ўзбекивест” миллий суғурта компанияси ва “ЎзАИГ” Ўзбекистон-Америка суғурта компанияси ташкил этилди. 1994 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ҳамда 1995 йил 1 январдан мажбурий суғуртанинг ушбу тури амалиётга жорий этилди. 1995 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғуртавий химоя қилиш бўйича “Мадал” суғурта агентлиги ташкил этилди.

1997 йили давлат иштирокида бир қатор йирик суғурта ташкилотлари ташкил этилди. Хусусан, 1994 йилда ташкил этилган “Ўзбекивест” миллий суғурта компанияси “Ўзбекивест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги собиқ Давлат суғурта бош бошқармаси негизда “Ўзагросуғурта” ва “Қафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари ташкил этилди.

1998 йил суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта ташкилотлари янги ташкил этилган Суғурта назорати давлат инспекциясида қайта рўйхатдан ўтказилди.

2002 йил Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари бозори ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2002 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг эълон қилиниши суғурта тизимини барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда суғурта хизматлари бозорини тараккий этиши борасида янги имкониятлар яратди. Мазкур Фармонга мувофиқ, суғурта ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, даромад (фойда) солиғини тўлашдан уч йил муддатга озод этилди. Солиқ тўлашдан бўшаб қолган пул маблағлари суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, республика

минтақаларида агентлик тармоқларини кенгайтириш ва кадрларни тайёрлашга сарфланиши катъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, 2002 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Суғурта тўғрисида”ги Қонунни бекор қилиб, “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” Қонунни қабул қилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний жиҳатдан ҳимоялашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Суғурта соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати нормалари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Жумладан, ривожланган хорижий мамлакатлардаги каби бизда ҳам суғурта хизматлари бозори икки соҳа: ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ хизматлар бозори ва умумий суғурта хизматлари бозорига ажратилди. Ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган ташкилотлар умумий суғурта турларини ўтказиш ва аксинча умумий суғурта турларини амалга оширувчи ташкилотлар ҳаётни суғурталаш ҳуқуқига эга эмаслиги қонунда белгилаб қўйилди.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сон Фармониға мувофиқ ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техника базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрда 413-сонли қарор қабул қилди.

Ушбу қарорға кўра, суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун устав фондининг энг кам миқдорларига бўлган талаб белгиланди. Шунингдек, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳам амалиётта жорий этилди. Энг муҳими, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта билан боғлиқ харажатлари улар товар айланмасининг 2,0 фоизи миқдоридан солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-325-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда банк-молия, ахборот-коммуникация хизматлари каторида суғурта хизматларини изчил

ривожлантириш бўйича имтиёзлар жорий этилди ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури маъқулланди. 2006 йил 1 апрелдан суғурта ташкилотлари уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, дастурда 2010 йилга келиб суғурта хизматлари кўрсатиш турлари ва ҳажмини кенгайтириш ҳисобига суғурта мукофотлари умумий ҳажмини 68,0 млрд. сўмга ошириш вазифаси белгиланди. Суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан қаратилган бундай чора-тадбирлар, солиқ бўйича берилган имтиёзлар, табиийки, ўз самарасини берди. 2009 йил якунларига кўра, мамлакатимиз суғурта ташкилотлари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 142,0 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур Қарорга асосан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Бу Дастурда суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолияти, экспорт-импорт операциялари, ҳаётни узок муддатли суғурталаш ҳажмини кенгайтириш, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялашувини таъминлаш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

Шунингдек, юқорида қайд этилган Президент Қарорига асосан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда суғурта бозори профессионал иштирокчилари бўлган суғурталовчилар, суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокери, суғурта сюрвейери, ассистанс ва актуарий хизмати ҳамда аджастерларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар мавжуд. Сир эмас, суғурта бозорининг ушбу профессионал иштирокчилари фаолиятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамламасдан туриб, уларни ривожлантириб бўлмайди. Суғурта бозорини ривожлантиришда мазкур субъектларнинг нечоғлик катта аҳамият касб этишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис


соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳам 2009 йилгача фойда солиғи тўлашдан озод этилди.

Суғурта соҳасини ривожлантириш бўйича давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида суғурта ташкилотлари ўз фаолиятларини бозор талабларига мос равишда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида суғуртага қуйидагича таъриф берилган: “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фонллари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳолисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”. Бундан кўриниб турибдики, суғурта хизматларини кўрсатиш бепул амалга оширилмайди. Ўзларининг манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилмоқчи бўлган корхоналар, ташкилотлар ёки фуқаролар суғурта шартномаси асосида суғурта ташкилотига хизмат хақи, яъни суғурта мукофотини тўлайдилар. Суғурта ташкилотининг ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотининг қатта қисми махсус мақсадга мўлжалланган пул фонди – суғурта фондида йиғилади. Суғурта фондидаги пул маблағлари суғурта ҳолисаси содир бўлиши натижасида корхона, ташкилот ёки фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун ишлатилади.

1-чизма

Суғурта қилиш жараёни



Чизмадан кўриниб турибдики, бир томондан, юридик ва жисмоний шахслар (суғурта қилдирувчилар), иккинчи томондан суғурта ташкилоти, яъни суғурталовчи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида юзага келади.

Шартномада юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта хизмати ҳақи – суғурта мукофоти миқдори ва уни тўлаш шартлари аке эътирилади. Юқорида кайд этганимиздек, суғурта ташкилоти ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотларидан суғурта захиралари шакллантирилади. Бу захирадаги пул маблағлари шартномада кўрсатилган таваккалчилик рўй бериши натижасида суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчиларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга зарарни қоплаш учун ишлатилади. Бу ерда иккита жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак. Биринчидан, шартномада келтирилган таваккалчиликлар, масалан, сув тошқини, зилзила каби табиий офатлар юз берганда суғурта қилдирувчига етказилган зарар қопланади. Аммо, шартномада айрим таваккалчиликлар, масалан, ёнғин кўрсатилмаган бўлса, миқоз, яъни юридик ёки жисмоний шахснинг манфаатларига ёнғин содир бўлиши натижасида зиён етказилган бўлса, у ҳолда бу зарар суғурталовчи томонидан қопланмайди. Бунинг сабаби шундаки, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида ёнғин содир бўлиши оқибатида юзага келадиган зарарларнинг ўрнини қоплаш кўзда тутилмаган. Бу фикрдан, ёнғин рўй бериши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларни суғурта ташкилоти қопламас эканда, деган тушунча пайдо бўлмаслиги зарур. Ҳан шундаки, суғурта шартномасини тузишда томонлар суғурта орқали қопланадиган барча ҳолатлар, таваккалчиликлар, истиснолар тўғрисида оқидан келишиб олишлари зарур. Агар шартнома шартларида суғурта қилдирувчига ёнғин содир бўлиши туфайли етказилган зарарни қоплаш назарда тутилган бўлса, у ҳолда албатта зарар қопланади. Шунинг ёддан чиқармаслик керакки, айрим суғурта ҳодисалари, шу жумладан, ёнғин ҳам суғурта қилдирувчи томонидан суғурта қопламасини (пулини) олиш мақсадида атайин уюштирилган бўлиши мумкин. Мобода шундай ҳолат аниқланса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига етказилган зарарни қопламайди.

Иқтисодий тараққий этган давлатларда суғурта қундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланганлигини алоҳида кайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик фуқаролар фақат ўз ҳаётларининггина эмас, балки бутун мол-мулкни, фарзандларининг ҳаётини тўлиқ суғурталагани айни ҳақиқатдир. Бу бежиз эмас, албатта. Улар суғуртани “тинч ҳаёт кечирish учун тўлов” деб талқин этадилар. Бу ўрида маъкур давлатларда суғурта муносабатлари бир неча ўн ва ҳатто юз йиллардан бери ривожланиб келатганига эътиборни қаратиш лозим.

Суғуртанинг моҳияти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Истиклол йиллари суғуртанинг янада ривожланиши учун шундай қудай шароитлар яратилдики, бунинг натижаси ўлароқ, суғурта бозори кескин суръатларда ривожланмоқда. Агар собиқ иттифок даврида мамлакат ичкарисидаги барча суғурта ишлари фақат “Госстрах” деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 30 дан зиёд суғурта ташкилоти томонидан 200 дан ортиқ суғурта хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Суғуртанинг суғурта қилдирувчилар учун фойдали жиҳати шундаки, тўланган суғурта қопламалари (суғурта пуллари) солиққа тортилмайди. Бу жуда муҳим. Гапнинг очиги, кўпчилик фуқароларимиз суғуртанинг мана шу хусусиятидан тўлиқ хабардор эмаслар. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, фуқаролар ва корхоналар оладиган даромадлар белгиланган тартибда даромад (фойда) солиғига тортилиши лозим, улар учун берилган имтиёзлар бундан мустасно. Аммо, суғурта ходисалари рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун суғурта ташкилотлари томонидан тўланган пул маблағлари фуқаро ёки корхоналарнинг даромади сифатида баҳоланмайди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ўз мол-мулки ёки бошқа манфаатларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлари даромад (фойда) солиғи базасидан чиқарилади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг бошларига қадар, корхона ва ташкилотлар ўз мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича тўлаган суғурта мукофотлари солиққа тортиладиган базага киритилар эди. Бу ҳолат уларни ихтиёрий суғуртага бўлган манфаатдорлигини янада пасайишига сабаб бўлган. Мамлакатимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотларнинг суғурта хизматларидан фойдаланмаганликларининг сабабларидан бири ҳам ана шунда десак, асло муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари, суғурта қилиш йўли билан тўланган суғурта мукофотларидан суғурта захиралари шакллантирилади ва суғурта ташкилотлари ушбу суғурта захираларининг маблағларини иктисодиётнинг турли тармоқларига инвестиция қилувчи йирик инвесторлар ҳисобланадилар. Бир сўз билан таъкидлайдиган бўлсак, суғурта ҳимоя воситаси бўлиш билан бир қаторда, инвестицион ресурслар орқали иктисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи омиллардан биридир.

Сугурта, унинг жамиятга қандай наф келтириши ҳақида фикр юритар эканмиз, беихтиёр: “Фалокат оёк остида” деган халқ нақли ҳаёлимизга келади. Бу нақл бизга жуда ҳам таниш ва унинг замирида чуқур бир маъно борлигини илғаб олиш кийин эмас. Дарҳақиқат, барчамиз кундалик турмуш юмушлари билан банд бўлиб, содир бўлиши мумкин бўлган турли нохушликлардан эҳтиёт бўлиш чораларини кўрмаймиз. Ишончимиз комил бўладики, бизга ҳеч нарса хавф солмайди. Баъзан, тўсатдан бахтсиз ҳодиса ёки бошқа қутилмаган фалокат рўй бериши натижасида соғлигимизга путур етса, уни тиклаш учун кўп харажат ҳам қиламиз. Аввало, ҳар бир инсонни ёмон кўздан асрасин, деймиз. Аммо ҳаёт тажрибаси шунни кўрсатадики, “кўза кунда эмас, кунда синади”. Худди шундай, фалокатнинг ҳам қачон бўлишини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Юқорида қайд этганимиздек, олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун инсонлар ўз ҳаётларини бахтсиз ҳодисалардан, корхона ва ташкилотлар эса табиий ҳамда бошқа хавф-хатарларнинг рўй бериш ҳолатларидан сугурта қиладилар.

Умуман, сугуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодиётни узлуксиз ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти бекиёс. Буни эътиборга олиб, мамлакатимизда бозор инфратузилмасининг ушбу бўғинини ривожлантиришга катта эътибор берилаётти. Бугунги кунда сугурта хизматлари бозори ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди, деб айтиш учун бизда барча асослар мавжуд. Фақат бугина эмас. Тўғри, бизда ҳаётни сугурта қилиш, айниқса узок муддатли сугурта турларини ривожлантиришда баъзи муаммолар мавжуд. Бу сугурта турини амалга ошириш учун фуқароларда сугурта ташкилотларига ишонч бўлиши билан бир қаторда етарли миқдорда маблағ ҳам бўлиши зарур. Фақат ҳаёт сугуртаси билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда эмас, балки корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда бошқа ихтиёрий сугурта турларини ўтказишда ҳам талай муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш сугурта ташкилотлари ва уларнинг салоҳиятли миқдори бўлмиш кўп минг сонли аҳоли, юридик шахслар раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Жамиятда аҳоли ва корхона ҳамда ташкилот раҳбарларининг сугуртага бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Бу ўз навбатида сугурта ташкилотлари, аввало сугурта агентлари томонидан фаол тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Ҳаётини тажрибадан маълумки, ҳар қандай корхона, ташкилот ёки фуқаро ўз мол-мулкини авайлаб-асрашга ҳаракат қилади. Аммо, олдиндан

кўриб бўлмайдиган кўнгилсиз воқеаларнинг тасодифан содир бўлиши оқибатида бу мол-мулклар зарарланади ёки бутунлай нобуд бўлади. Режали иктисодиёт тизимида барча корхоналар давлат тасарруфида бўлганлиги боис, бундай воқеаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарлар, аксарият ҳолатларда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган.

Аммо, иктисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш билан боғлиқ ислохотлар мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди. Мулклар давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар барпо этилди. Табиийки, янги шароитда хусусий сектордаги корхона ва ташкилотларнинг мулкий манфаатларига турли хил таваккалчиликлар оқибатида етказилган зарарлар давлат бюджети ҳисобидан қопланмайди.

Худди мана шу сабабли ҳам, суғурта корхона ва ташкилотларнинг мулкий манфаатларини ишончли химоя этувчи самарали восита сифатида бозор иктисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Суғурта фаолиятида қўлланиладиган энг муҳим тушунчалар

Бошқа фаолият турларида бўлгани сингари суғурта фаолиятида ҳам ўзига хос бўлган тушунчалар, атамалар қўлланилади. Уларнинг қай даражада кенг оммага тушунарли бўлиши, аҳолининг улардан хабардорлиги билан суғурта хизматлари истеъмолчиларининг суғурта маданияти даражаси белгиланади, десак хато бўлмайди. Таъкидлаш керакки, суғуртага оид тушунчалар моҳиятини, авваламбор, суғурта фаолиятининг барча профессионал иштирокчилари, шу соҳанинг мутахассислари билишлари шартдир.

Жумладан, суғурта агенти суғурта фаолиятида қўлланиладиган тушунчаларни нафақат билиши, балки уларни амалиётда қўллай олиши, уларнинг моҳиятини суғурта хизматлари истеъмолчиларига тушунтира олиши лозим. Суғуртада юзлаб, минглаб ўзига хос тушунчалар мавжуд. Ушбу қўлланма доирасида барча тушунчаларнинг мазмунини ёритиб ўтишга имкониятимиз чекланган. Шунини эътиборга олган ҳолда, суғурта агенти фаолиятида тез-тез учрайдиган тушунчалар хусусида тўхталиб ўтамиз.

Албатта, суғурта агенти суғурталовчи ва суғурта килдирувчилар ўртасида воситачилик фаолиятини амалга оширади. Суғурталовчи тушунчасига бундан олдинги ва кейинги бўлимларда бир неча марта муурожаат қилиниши туфайли бу ерда мазкур тушунчани изохлашга ҳожат йўқ деб ҳисоблаймиз. Суғурта килдирувчилар – суғурталовчилар билан аниқ суғурта муносабатларига киришган ҳамда шунга мос равишда суғурта шартномаларини тузган ва суғурта мукофотларини тўлаган тўлик муомала лаёқатига эга жисмоний шахслар ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслардир. Кўриниб турибдики, айрим сабаблар ва касалликлар туфайли муомала лаёқатига эга бўлмаган, шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахслар ва шу қабилар суғурталовчилар билан суғурта муносабатларига кириша олмайдилар.

Суғурталовчи ва суғурта килдирувчи ўртасидаги муносабат ёзма равишда тузилган шартномага асосланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 927-моддасида қуйидагича кўрсатиб ўтилган: “Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади”. Хўш суғурта шартномаси деганда нима тушунилади?

Суғурта шартномаси икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузилган ёзма битим бўлиб, унга кўра бир томон суғурта мукофотини тўлаш, иккинчи томон унинг мулкий манфаатларига зарар етганда, зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади. Аммо шунга ёддан чиқармаслик керакки, суғурталовчи суғурта килдирувчига етказилган ҳар қандай зарарни қоплаб бермайди. Шартномада келишилган шартлар асосида суғурта ходисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарни қоплаб беради, холос. Албатта, суғурта ходисасининг содир бўлиши тасодифийлик, ҳеч кимнинг иродасига боғлиқ бўлмаганлик хусусиятларига эга бўлиши шарт.

Суғурталовчи ва суғурта килдирувчи ўртасида тузилган шартнома бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта килдирувчи томонидан ўзаро келишилган суғурта мукофотини тўлик тўлагандан сўнг бошланади. Суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб ҳам тўланиши мумкин. Бундай ҳолда суғурталовчи тўланган суғурта мукофоти миқдорига мутаносиб равишда жавобгарликни олиб боради. Суғурта мукофоти тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шундай таъриф берилган: “Суғурта мукофоти деганда суғурта килдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади. Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича

тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта таваккалчилиги хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундирилаётган мукофотни аниқлайдиган суғурта тарифларини қўллашга ҳақли.

Суғурта мукофотлари суғурта тарифларига асосан ҳисобланади. Суғурта тарифи деганда суғурта суммаси пул бирлигига нисбатан фоизларда белгиланган ставка тушунилади. Айрим адабиётларда ва амалиётда суғурта тарифи суғурта мукофоти ставкаси ёки брутто-тариф ҳам деб юритилади. Суғурта тарифи ставкасига бозорда мавжуд бўлган рақобат, у ёки бу объекта таъсир қилиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаси, шу билан бирга, суғурталовчининг олиши режалаштирилган фойда миқдори, унинг иш юритиши билан боғлиқ харажатлар қабилар таъсир кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ихтиёрий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилади. Мажбурий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланади ва уни суғурталовчи ўзгартиришга ҳақли эмас.

Юқорида кайд этганимиздек, суғурталовчининг суғурта қилинган объект бўйича жавобгарлиги суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ёки қисман тўлангандан сўнг (шартномада бу ҳақда келишилган тақдирда) бошланади. Суғурталовчининг суғурта қилдирувчи олдида жавобгарлиги бошланганлигини тасдиқловчи ҳужжат суғурта полиси дейилади. Суғурта полиси қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат бўлиб, тегишли химоя белгиларига эга бўлиши зарур. Суғурта полисида қандай реквизитлар бўлишини қуйида келтирилган жисмоний шахслар мол-мулкни суғурта қилиш мисолида қараб чиқамиз:

- суғурта тури;
- суғурта қилдирувчининг фамилияси, исми ва шарифи;
- суғурта қилдирувчининг манзили, телефони;
- наф олувчининг фамилияси, исми ва шарифи;
- суғурта объекти;
- суғурта суммаси;
- суғурта мукофоти суммаси;
- имтиёзлар;
- суғурта мукофотининг нақд пулда ёки пул ўтказиш йўли билан тўланиши;
- франшиза;
- суғурта муддати;

- суғурталовчининг номи, манзили, телефони.
- Суғурталовчи раҳбари ёки у томонидан вакил қилинган шахснинг фамилияси, исми ва шарифи ҳамда имзоси.
- Суғурталовчининг муҳри.
- Суғурта полиси берилган сана.

Суғурта полисининг асли суғурта қилдирувчида, унинг нуسخаси эса суғурталовчида сақланади. Одатда, суғурта полиси суғурта мукофоти тўлангандан сўнг 1-3 кун муддат ичида суғурта қилдирувчига берилади. Суғурта полиси ва суғурта қондаларининг олинганлиги суғурта қилдирувчининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Суғурта агентининг фаолият кўрсатишида наф олувчи тушунчаси ҳам тез-тез учрайдиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Наф олувчи – суғурта шартномасида кўрсатилган, шартнома унинг фойдасига тузилган ва суғурта товонини (пулини) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс. Масалан, фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича мижозга тақдим этиладиган суғурта полисида суғурта қилинган шахс билан бир қаторда, наф олувчи сифатида бошқа шахс ҳам кўрсатилиши мумкин. Мулкий суғурта шартномалари бўйича наф олувчи одатда гаровга қўйилаётган мулк суғуртаси шартномаларида кўп учрайди. Бунда наф олувчи сифатида кредит маблағларини берувчи тижорат банклари қатнашади. Наф олувчи тушунчаси амалиётда бенефициар, нафдор, фойда олувчи каби шаклларда талқин қилинади.

Агент суғурта объекти тушунчасининг мазмунини аъло даражада билиши зарур. Зеро, суғурта объекти мавжуд экан, суғуртага эҳтиёж бўлади. Суғурта объекти – юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунчиликка зид бўлмаган мулкий манфаати. Шахсий суғуртада жисмоний шахсларнинг соғлиги, ҳаёти ва меҳнат қобилиятини сақлашга бўлган манфаати суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Мулкий суғуртада эса, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ мулкий манфаатлари суғурта объекти бўлиб хизмат қилади. Жавобгарликни суғурта қилишда суғурта қилдирувчи юридик ёки жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етказиш бўйича юзага келадиган фуқаролик жавобгарлиги билан боғлиқ мулкий манфаатлари суғурта объектидир.

Суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади. Ихтиёрий суғурта бўйича суғурта шартномалари суғурта қилдирувчининг хоҳишига кўра тузилади ҳамда суғурта қилиш шартлари ўзаро келишилади. Мажбурий

суғурта конун асосида жорий этилади. Масалан, 2008 йил 21 апрелда “Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги” Қонун қабул қилинди. Мазкур конунга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча транспорт воситалари эгалари ўзларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий тарзда суғурта қилдиришлари шарт. Аслида, мажбурий суғурта давлат ва жамиятнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жорий этилади.

Суғуртанинг асосида таваккалчилик, яъни хавф-хатар, калтислик, бир сўз билан айтганда, риск ётади. Таваккалчилик, хавф-хатар, калтислик бўлмас экан, суғурта хизматларига эҳтиёж бўлмайди. Суғуртада таваккалчилик деганда зарар келтириши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиш эҳтимоли тушунилади. Мазкур воқеа содир бўлиши ҳам, содир бўлмалиги ҳам мумкин. Мобода, содир бўладиган бўлса, у зарар келтириши мумкин. Табиий офатлар, ёнгин ёки бошқа таваккалчиликларнинг содир бўлишини олдиндан айтиб бериш қийин. Аммо уларнинг, яъни бундай воқеа – ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларни суғурта йўли билан қоплаш мумкин.

Ҳар бир жараёнда ишни тартиб билан амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлгани каби объектларни суғуртага олишда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фаолияти бевосита суғурталовчининг миқозлари билан боғлиқ суғурта агенти эса, бунга жиддий ёндашиши зарурдир.

Суғурта объектини суғуртага қабул қилишда, даставвал, унинг қийматини аниқлаш ўта муҳимдир. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, суғурта қонунчилигига мувофиқ, шахсий суғурта ва фукаровий жавобгарликни суғурта қилиш шартномаларида суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно. Суғурта қиймати тушунчаси фақат мол-мулкни суғурта қилишда қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 935-моддасига кўра, суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Суғурта агенти суғурталанаётган мол-мулкнинг қийматини аниқ белгилашга жуда катта эътибор қаратиши шарт, чунки мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи бу қиймат борасида била туриб

чалғитилган ҳол бундан мустасно. Суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасидаги суғурта товони юзасидан муносабатлар айнан мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларни суғурта қилишда объектлар уларнинг ҳақиқий, яъни бозор қиймати бўйича баҳоланади. Юридик шахсларнинг мол-мулки эса, одатда бухгалтерия баланси маълумотлари асосида қайта баҳоланган қийматидан амортизация суммаси чегириб ташланган ҳолда ҳисобланади. Бироқ суғурта шартномасини тузишда мол-мулкнинг қиймати суғурта шартномаси тузилаётган пайтдаги унинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда, бу суғурта қийматидан ортиқ миқдорда суғурта қилиш ҳисобланиб, қонунчиликка биноан, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди (Фуқаролик кодексининг 938-моддаси). Суғурта амалиётида суғуртага қабул қилинаётган объект бўйича суғурталовчининг жавобгарлик ҳажмини аниқлаш ҳам муҳимдир. Суғурталовчининг жавобгарлик ҳажми суғурта пули дейилади. Суғурта пули суғурта қилдирувчи мулкий манфаатининг пулдаги ифодаси бўлиб, қонунчиликка мувофиқ суғурта шартномасининг муҳим шартларидан бири бўлгани сабабли унда кўрсатилиши шартдир.

Суғурта қиймати ва суғурта пули тушунчаларининг моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун уларга икки хил мисол келтирамиз, яъни биринчи ҳолатда суғурта пули суғурта қийматидан кичик, иккинчи ҳолатда эса, у суғурта қийматидан ортиқ.

Тасаввур қилайлик, суғурталовчи суғурта қилдирувчи билан мол-мулк суғуртаси шартномасини бир йил муддатга тузди. Суғурта қилинаётган мол-мулкнинг (бинонинг) қиймати 100,0 млн. сўм, бироқ суғурта қилдирувчи ўз мулкни 80 фоизга суғурта қилдирди, яъни суғурта пули 80,0 млн. сўм миқдориди белгиланди. Бу ҳолат қонунчилик тилида “тўлиқ бўлмаган суғурта”, деб аталади ва бунга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг алоҳида 936-моддаси бағишланган. Тегишли ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, суғурта қилдирувчи 0,5 фоиз тариф ставкаси бўйича 400,0 минг сўм суғурта мукофотини тўлади.

Айтайлик, суғурта объекти билан суғурта шартномаси амалда бўлган даврда шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси (ёнгин) содир бўлди. Вақолатли баҳоловчи ташкилотнинг тегишли хулосасига кўра, ёнгин натижасида бинога умумий ҳисобда 25,0 млн. сўм зарар етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларига мувофиқ, агар мол-мулкни сугурта қилиш шартномасида сугурта пули сугурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сугурталовчи сугурта ходисаси юз берганида сугурта қилдирувчига (наф олувчига) у қўрган зарарни сугурта пулининг сугурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт. Демак, сугурталовчи етказилган зарарнинг 80 фоизи миқдоридида сугурта товонини аниқлаб, 20,0 млн. сўм сугурта қилдирувчига тўлаб беради.

Иккинчи ҳолатда, яъни сугурта пули сугурта қийматидан юқори бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 938-моддасидан келиб чиққан ҳолда, шартнома сугурта пулининг сугурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди ва етказилган зарар 100 фоиз миқдоридида қопланади, бироқ ҳар қандай ҳолатда сугурта товони сугурта қийматидан ошмаслиги лозим.

Биз юқорида сугурта агенти билиши зарур бўлган ва сугурта соҳасида кўп қўлланиладиган сугурта тушунчаларини изоҳлашга ҳаракат қилдик. Айрим тушунчаларга мазкур қўлланманинг бошқа бўлимларида атрофлича тўхталиб ўтилганлиги сабабли уларни такроран ёритишни мақсадга мувофиқ эмас деб топдик. Сугуртага оид тушунчалар қўлланманинг глоссарий қисмида мукамалроқ тарзда келтирилган.

1.3. Сугурта фаолиятини тартибга солиувчи асосий қонунчилик ҳужжатлари

Мустақиллик йиллари сугурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Сугурта фаолиятини тартибга солиувчи дастлабки “Сугурта тўғрисида”ги Қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинган. Кейинчалик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, сугурта тизимида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, мазкур қонун бекор қилинди ва янги “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 1993-2009 йиллар давомида миллий сугурта тизими фаолиятини қонуний тартибга солиш билан боғлиқ ўнлаб қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва улар мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сугурта фаолияти қонунчилик базасини шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

1) Сугурталовчилар ва бошқа сугурта бозори профессионал иштирокчиларини тузиш, уларнинг фаолиятини лицензиялаш, юритиш ва тугатиш ҳамда сугурта шартномаларини имзолаш ва ижро этилишини таъминлаш билан боғлиқ конунчилик хужжатлари. Мазкур конунчилик хужжатлари таркибига, биринчи гада, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексини киритиш мумкин. Ушбу кодекснинг 52-боби сугуртага бағишланган бўлиб, унда жами 48 та модда мавжуд. Кодексада мулкий, шахсий сугурта ва зарар етказганлик учун жавобгарликни ҳамда тадбиркорлик хавфини сугурта қилиш бўйича шартномаларини тузиш шартлари баён этилган. Шунингдек, сугурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар ҳам кодексада кўрсатиб ўтилган. Сугурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатларга қуйидагилар киради:

- Ғайриконуний манфаатларни сугурталашга йўл қўйилмайди.
- Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда қўриладиган зарарни сугурталашга йўл қўйилмайди.
- Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни сугурталашга йўл қўйилмайди.

Сугурта ташкилотлари юқорида келтирилган манфаатларни сугуртага кабул қилиши мумкин эмас.

Фукаролик кодексида мажбурий сугурта ва мажбурий давлат сугуртасини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Хусусан, мажбурий сугурта сугурта қилдирувчиларининг ўз маблағлари, мажбурий давлат сугуртаси эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши таъкидланган.

Кодекснинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда сугурта шартномасининг мазмунига оид нормалар мавжуд. Масалан, кодекснинг 929-моддасида сугурта шартномасининг муҳим шартлари келтирилган. Бу шартларни сугурта агенти сўзеиз билиши талаб этилади (Фукаролик кодексининг 52-боби 1-иловада келтирилган).

Сугурта фаолиятини тартибга солувчи конунчилик хужжатлари ичида 2002 йил 5 апрелда кабул қилинган “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни муҳим ўрин тутати. Мазкур қонунига 2009 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қадар қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган (қонунининг тўлиқ матни қўшимча ва ўзгартиришлар билан бирга 2-иловада келтирилган). Қонунда сугурта бозори профессионал иштирокчиларига таъриф берилган ҳолда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Жумладан, сугурталовчи, сугурта брокери, қайта сугурта брокери, сугурта агенти, аджастер, актуарий,

суғурта сюрвейери ва ассистансларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолият йўналишлари қонунида ўз ифодасини топган. Кейинги бўлимларда суғурта бозори профессионал иштирокчилари хусусида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг муҳим томони шундаки, унда махсус ваколатли давлат органининг ваколатига кирувчи вазифалари баён этилган. Жумладан, махсус ваколатли давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги) суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялаши, суғурталовчиларнинг ижро этувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерига қўйиладиган ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилаши каби ҳуқуқий нормалар мавжуд.

Бундан ташқари, қонунида суғурта бозори профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, суғурталовчиларнинг устав фондига ўрнатилган талаблар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори асосида “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом” тасдиқланган. Низомда лицензия талаблари ва шартлари, лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш каби масалалар ёритилган. Шунингдек, лицензияни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тартиби ҳам Низомда кўрсатиб ўтилган.

Суғурталовчининг суғурта фаолиятини лицензиялашдаги асосий масалалардан бири амалга оширилиши режалаштирилган суғурта фаолиятининг иктисодий асослангани ҳисобланади. Асосномада лицензия талабгорининг суғурталаш операцияларини ривожлантириш прогнози, эҳтимол тутилган қайта суғурталаш битишувлари ва суғурта захираларининг ҳисоб-китоб режасини ўз ичига олувчи лицензияланаётган суғурта классификацияси бўйича бизнес-режа илова қилинган бўлиши лозим. Махсус ваколатли давлат органига даъвогар суғурталашнинг лицензия талаб қилинадиган турлари бўйича қоидаларни ҳам тақдим этиши талаб этилади. Қоидада суғурталаш объектлари доираси ва суғурта шартномасидаги умумий истиснолар, суғурта ҳодисалари рўйхати белгиланиши зарур. Шунингдек, суғурта қилиш қоидаларида суғурта муқофотлари тарифлари (ставкалари), суғурталашнинг

энг кўп (энг кам) муддати, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта мукофотларини тўлаш тартиби, томонларнинг суғурта шартномаси бўйича ўзаро мажбуриятлари ва суғурта шартномалари бўйича тўловни рад этишининг мумкин бўлган ҳолатлари, суғурта шартномаси бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби ҳам атрофдича ўз аксини тошган бўлиши керак. Қондаларга суғурта шартномалари намуналари илова қилинади. Лицензия талабгори раҳбари томонидан тасдиқланган суғурталаш қондалари (шартлари) икки нусхада тақдим этилади, уларнинг бетлари тикилган ва ракамланган бўлиши зарур.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан махсус ваколатли давлат органи суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарлари ва бош бухгалтерига ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилайди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 11 июндаги 61-сон буйруғи билан “Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига кўйилмайдиган малака талаблари тўғрисидаги Низом” тасдиқланган. Ушбу Низом 2008 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1827-сон билан давлат рўйхатига олинган. Низомга мувофиқ суғурталовчи ёки суғурта брокери раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига улар лавозимга тайинланишидан олдин малака талабларига жавоб беришини ўрганиш нуқтаи назаридан тақдим этилади. Низомга асосан суғурталовчининг ёки суғурта брокерининг раҳбари қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажи ҳисобга олинмайди).

Бундан ташқари, юқорида номи кайд этилган Низом бўйича суғурталовчи ва суғурта брокерининг бош бухгалтери қуйидаги малака талабларига мос келиши шарт:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий

маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иктисодий) маълумотга эга бўлиши;

б) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши керак.

2) Суғурталовчилар учун пруденциал талабларни белгиловчи норматив-ҳукукий ҳужжатлар

Суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ пруденциал талаблар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғига мувофиқ тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатига олинган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғига биноан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатига олинган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом” ва бошқа шу каби норматив-ҳукукий ҳужжатларда ўз ифодасини тошган. Хусусан, “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом”да суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори суғурта захиралари ва ўз маблағлари манбалари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, суғурталовчининг суғурта захиралари ва ўз маблағлари миқдори 5,0 млрд. сўмни ташкил этади. Демак, низомга асосан суғурталовчининг алоҳида таваккалчиликлар, яъни битта суғурта шартномаси доирасида зиммасига олмоқчи бўлган мажбурияти 1,0 млрд. сўмдан ошиб кетмаслиги зарур. Агар суғурта мажбурияти миқдори 1,0 млрд. сўмдан ошиб кетса, у ҳолда суғурталовчи ошган суммани қайта суғурта қилиши шарт.

Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун мажбуриятлар жамининг миқдори ўз маблағлари манбалари суммасининг 200 фоизидан ошиб кетмаслиги зарур. Бу ҳақда “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом”да аниқ кўрсатиб қўйилган. Суғурталовчининг ўз маблағлари деганда, устав фонди, қўшимча капитал, захира капитали, таксимланмаган фойда ва мақсадли тушумлар суммаларининг йиғиндиси тушунилади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бўйича суғурталовчилар юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш шартномалари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда суғурта захирасига маблағлар ажратиши шарт. Суғурта захираларини шакллантириш бўйича талаблар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом”да қайд этилган. Суғурта захиралари ҳар бир суғурта тури бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўлавиши зарур бўлган валютала шакллантирилади. Суғурталовчи суғурта захирасини бухгалтерия ҳисоботини тузиш пайтида ҳисобот даври ҳолатига суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича олинган молиявий натижани аниқлашда ҳисоблайди.

Низомга асосан суғурталовчи ўз балансида мажбурият ёки актив сифатида ҳисобга олинган қуйидаги техник захираларни шакллантиради:

а) ишлаб топилмаган мукофот бўйича захира (умумий суғурта (қайта суғурта) фаолияти бўйича);

б) мукофотлар захираси (ҳаётни суғурта қилиш фаолияти бўйича);

в) транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси. Бу захира кейинги йилларда мазкур суғурта тури бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида ташкил этилади (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фаолияти бўйича);

г) зарарлар бўйича захира. Бу захира суғурта ҳодисаси содир бўлиши муносабати билан вужудга келган зарарларни суғурта шартномасига асосан қоплаш миқдорига мувофиқ аниқланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

- арз қилинган, аммо тартибга солилмаган захира;

- суғурта ҳодисаси содир бўлган, аммо арз қилинмаган зарарлар бўйича захира.

Юқоридагилардан ташқари, суғурталовчилар Давлат суғурта назорати органи билан келишган ҳолда қўшимча тарзда қуйидаги захираларни шакллантиришлари мумкин:

- оғохлантириш тadbирлари захираси;

- ҳалокатлар бўйича захира;

- зарарларни ўзгариши бўйича захира;

- активларни мувофиқ келмаслиги бўйича захира ва бошқа суғурта фаолияти билан боғлиқ захираларни шакллантиришлари мумкин.

Мазкур Низомнинг суғурта агентлари билиши зарур бўлган жихатларидан бири суғурта захираларини жойлаштиришга ўрнатилган талабдир. Унга кўра суғурта захираси миқдорига тенг равишда ажратилган активларнинг 70 фоизи қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат кимматли қоғозлари;
- банк депозитлари;
- касса ёки ҳисоб рақамидаги ёхуд уларга тенглаштирилган пул маблағлари;

- хорижий давлатларнинг давлат кимматли қоғозлари (Давлат суғурта назорати органи билан келишган ҳолда);

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ муомалага чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасида муомалала бўлган кимматли қоғозлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 11 июлдаги 77-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2008-3-сонли ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сон қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом”да суғурталовчиларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жарима санкциялари қўллаш тартиби белгиланган. Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПК-872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Мазкур Низомга мувофиқ суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар суғурта фаолияти тартибга солинувчи ва назорат қилувчи маҳсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун уларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдори гача жарима солинади.

3) Суғурта муносабатлари широкчиларига имтиёзлар бериш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари. Бундай тоифадаги ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2010 йилларда Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон, “2010 йилгача бўлган даврда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон қарорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш ва янада ислох қилиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 апрелдаги 618-сон Фармони ҳамда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон Қарори қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарорига асосан суғурта фаолиятдан олинган даромад (фойда) 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон Қарорига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчилари даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон Қарори мамлакатимизда суғурта бозорини янги боғонага кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аввало мазкур фармонга асосан суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш мақсадида мол-мулкни ва ҳаётни узок муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон Қарори асосида суғурталовчиларга солиқ имтиёзлари берилди (3-илова). Яъни, 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек,

суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фойзалар кўринишида олинган даромадлари ҳам юридик шахсларнинг фойда солигини тўлашдан озод қилинди ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, кишлоқ жойларида ҳудудий бўлимларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилиши қарорда катъий белгилаб қўйилди.

4) Суғуртанинг айрим турларини амалга ошириш тартибини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари, Суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг мазкур ғуруҳига “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида” 1993 йил 7 майда, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” 2008 йил 21 апрелда ва “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларни киритиш мумкин.

2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун 41 моддидан иборат бўлиб, унда мажбурий суғуртани амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, хусусан, транспорт воситалари эгаларининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти, мажбурий суғурта шартномаси, мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифларини давлат томонидан тартибга солиш каби ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Шунингдек, суғурта мукофоти, суғурта мукофоти бўйича сийловлар, мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчиларга қўйилган талаблар, суғурта ходисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш тартиби ҳам мазкур қонунда ёритиб берилган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига асосан тасдиқланган. Ушбу қарорда мажбурий суғуртани амалга оширишнинг барча қирралари кўрсатиб ўтилган.

2009 йил 16 апрелда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу қонунни қабул қилишдан асосий мақсад ходим ўз меҳнат

вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиги бошқача тарзда шикастланиши натижасида унинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳисобланади. Қонунда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш шартлари ва тартиби, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товонини тўлаш каби ҳуқуқий нормалар ёритилган. Шунингдек, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳам қонунда аниқ баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 24 июнда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида” 177-сонли қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари тасдиқланди. Мазкур қоидаларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартиби, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва уни тўлаш шартлари, шартномада иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солувчи жиҳатлар кўрсатиб ўтилган.


2. Суғурта агенти ва унинг суғурта бозоридаги ўрни

2.1. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасида “Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Суғурталовчилар, суғурта воситачилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланадилар”, деб қайд этилган.

Суғурта бозорининг асосий профессионал иштирокчиси – суғурталовчи. Суғурталовчига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

2-чизма



Суғурталовчи суғурта ходисалари юзага келишини бартараф этиш ва олдини олишга оид чора-тадбирларни махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва шартларда молиялаштиришга ҳақли.

Суғурталовчилар суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Қуйидагилар бундан мустаснодир:

- махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартиб ва шартлардаги инвестиция фаолияти;
- суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолият;
- суғурта агенти сифатидаги суғурта воситачилиги;
- биноларни ижарага бериш.

Сўзенг суғурта бозорида суғурта ташкилотларининг мавқеи ниҳоятда каттадир. Ўз навбатида, суғурталовчилар мулккий шаклига қараб, бир нечта турда бўлади (давлат, акциядорлик, давлат-акциядорлик ва ҳоказолар). Суғурта бозорида қайд этилган катнашчилардан танқари, ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. Бу жамиятларнинг бошқа

суғурталовчилардан фарқи шундаки, улар фойда олиш учун интилмастан, кўрилган зарарни ўзаро ҳамкорликда қоплашни назарда тутди. Статистик маълумотлар бўйича, ўзаро суғурталаш жамиятлари халқаро суғурта бозорида, тўплаган суғурта мукофоти ҳамда активлари жиҳатидан салмоқли ўринга эга. АҚШ ва Япония миллий суғурта бозорларида ўзаро суғурталаш жамиятларининг сони жами суғурта ташкилотларининг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 925-моддасида ҳам суғурталовчи тушунчасига қўйидагича таъриф бериб ўтилган: “Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суғурталовчилар сифатида суғурта шартномаларини тузиши мумкин”¹. Кўриниб турибдики, суғурталовчи, яъни суғурта ташкилоти мақомига эга бўлиш учун, албатта, фаолият тижорат асосида ташкил этилиши лозим. Яъни, суғурталовчининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган. Суғурталовчи юридик шахс сифатида фаолиятни амалга ошириши мумкин. Ҳозирги кунда суғурталовчилар юридик шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтишлари шарт. Бу ҳақда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида шундай дейилган: “Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади”². Шунинг билан чиқармаслик керакки, суғурталовчи Адлия вазирлигида суғурталовчи сифатида эмас, балки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтади. Аммо, бу суғурталовчи суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олди деган маънони англатмайди. Суғурталовчи суғурта фаолиятини амалга ошириш учун қонунда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиши шарт.

Суғурта ташкилотларига қўйиладиган талаблар, уларга лицензия бериш ва уларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

Ҳозирги пайтда республикада фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари қайси суғурта соҳасига ихтисослашганлигига қараб иккига бўлинади. Буни қизмада қўйидагича тасвирлаш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.: Адолат, 1996. – 413 б.


² Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 28 май.



Суғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидан тубдан фарк қилишига карамай, амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин. Чунончи, 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида “Суғурталовчилар қонуниларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади” деб қайд этилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон Қарори билан 2010 йил 1 январдан суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдорига янги талаблар ўрнатилди. Унга кўра суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори қуйидагиларга тенг бўлиши зарур:

4-чизма



¹ Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – “Халқ сўзи”, 2002 йил 28 май.

Сугурталовчилар Молия вазирлигидан сугурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олаётган пайтда уларнинг устав фонди юқорида кўрсатилган миқдорда шакллантирилган бўлиши шарт. Устав фондининг камида 90 фоизи нақд пул кўринишида бўлиши зарур. Мажбурий сугурта турларини амалга ошириш учун сугурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори 1500,0 минг еврога тенг эквивалентдаги суммада, фаолияти факат қайта сугурталашдан иборат бўлган қайта сугурталаш ташкилотлари учун энг кам устав фонди 4000,0 минг еврога тенг эквивалентдаги суммада шакллантирилган бўлиши шарт.

Давлат рўйхатига олинган ва сугурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга сугурта ташкилотларининг аксарияти акциядорлик сугурта ташкилоти мақомига эга. Уларнинг айримлари очик, айримлари эса ёшиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган.

Ҳозирги кунда факат ягона сугурта ташкилоти, яъни “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий сугурта компанияси тўлиқ давлат мулкига асосланган. Экспорт ўсишини рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспортчиларни сугурта химоясига олиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро технологиялар, товарлар ва хизматлар бозорига комплекс маркетинг услублари воситасида кириб боришини таъминлаш мақсадида, компания Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги Қарори билан “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий сугурта компанияси этиб қайта ташкил этилган.


Акциядорлик шаклидаги сугурта ташкилотларининг фаолияти “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан бир каторда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солинади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорига бошқа мулк шаклидаги сугурта ташкилотлари билан бир каторда акциядорлик сугурта ташкилотлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Улар жумласига очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган “Ўзагросугурта” ва “Кафолат” давлат акциядорлик сугурта компаниялари, “Мадад” сугурта агентлиги, “Капитал сугурта” очик акциядорлик жамиятлари кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Ўзбекистонда очик шаклдаги акциядорлик сугурта ташкилотлари билан бир каторда, ёшиқ акциядорлик сугурта ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади. Бунга мисол тариқасида “UZ AIG” Ўзбекистон-Америка сугурта

компаниясини келтириш мумкин. Бу компания 1994 йили ташкил этилган бўлиб, унинг асосий таъсисчилари АКШнинг йирик сугурта компанияси "AIG" ва Ўзбекистон Республикаси Ташкилоти иқтисодий фаолият миллий банки ҳисобланади. Шунингдек, "ALFA INVEST" ва «UNIVERSAL SUG'URTA» каби сугурта ташкилотлари ҳам ёрик акционерлик жамияти шаклида ташкил этилган.

Сугурта бозори профессионал иштирокчилари таркибига сугурта брокери ҳам қиради.


5-чизма



Ўзбекистонда сугурта брокерлари тизими шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Аммо ҳозирги пайтда сугурта хизматларининг аксарияти уларнинг иштирокисиз амалга оширилмоқда. Чет мамлакатлар сугурта бозорининг муҳим таркибий қисмларидан бири бу - сугурта брокерларидир. АКШ ва Буюк Британияда сугурта брокерлари институти ниҳоятда тараккий этган.

Сугурта ташкилотлари ўртасида ўзаро ёки ихтисослашган қайта сугурта ташкилотлари ўртасида қайта сугурталаш хизматларини кўрсатишда воситачилик ролини бажарувчи қайта сугурта брокерлари фаолият юритиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунида қайта сугурта брокерига алоҳида модда бағишланган.

6-чизма



Ўзбекистонда сугурта бозорининг барқарор ривожланиши унинг иштирокчилари таркибини янада кенгайтишига асос яратмоқда. Бунга мисол тарикасида сугурта бозорига аджастер, сюрвейер, актурий ва ассистанс каби

тушунчаларнинг кириб келганлигини келтириш мумкин. 2007 йил 15 сентябрда матбуотда эълон қилинган “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши юқорида номлари зикр этилган сугурта бозори янги иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб берди. Мазкур қонуннинг 9-2-моддасида аджастерга қуйидагича таъриф берилган: “Аджастер сугурталовчининг (сугурта қилдирувчининг) тоширини бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

- сугурта ҳодисаси юз берганидан кейин сугурта объектини қўздан кечириш ва текшириш;

- сугурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

- сугурта объектининг шикастланиш сабабларини ва сугурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

- сугурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда - сугурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;

- тўланиши керак бўлган сугурта товони суммасини аниқлаш;

- сугурталовчи учун сугурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш”.

Аджастер ўз фаолиятини сугурталовчи (сугурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади. Аджастер: сугурталовчи сифатида сугурта ва қайта сугурта қилиш операциялари ўтказишга; сугурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга; сугурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас. Аджастер хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилиб, ундан сугурталовчи зарарларнинг ўрнини қоплаш ва низоларни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин. Аджастернинг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил сугурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Сугурта бозорининг профессионал иштирокчилар сафига актуарийлар ҳам қиради. “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-4 - моддасига асосан “Актуарий қуйидагиларни

¹ “Сугурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонун. - Ҳақ сўзи, 2007 йил 15 сентябрь.

ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

- суғурта воқеаси юз беришининг математик жihatдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;

- суғурталовчининг (кайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жihatдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;

- суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга қўмақлашадиган тарзда аниқлаш;

- суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш;

- суғуртанинг (кайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узок муддатли ва қиска муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

- суғурталовчининг (кайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

- суғурталовчининг (кайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (кайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш¹¹.

Суғурта сюрвейери ҳам суғурта бозорида муҳим мавқега эга. Аммо, Ўзбекистонда сюрвейер хизмати ҳали етарли даражада ривожланмаган. Аммо, шундай бўлишига қарамай, сюрвейерларнинг фаолияти қонуний жihatдан тартибга солинди. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-6 - моддасида суғурта сюрвейери ҳақида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган¹²: Суғурта сюрвейери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

- суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

¹¹ “Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Халқ сўзи, 2007 йил 15 сентябрь.

¹² Уша қонунда.

- суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

- текшириладиган суғурта объекти бўйича ҳулоса тузиш.

Суғурта сюрвейери суғуртага қабул қилинадиган объектларни кўриқдан ўтказиш билан шугулланса, суғурта асистианси суғурталовчиларга, суғурта қилдирувчиларга кўмак беришга ихтисослашган. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан (9-8-модда) “Асистианс суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида асистианс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. Асистианс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади. Асистианс хизматларига суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар) иштироксиз фақат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади. Асистианс: суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга; суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга; суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Қайта суғурта ташкилотлари суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Қайта суғурталовчи – суғурталанган таваккалчиликни қайта суғурталаш учун қабул қилиб оладиган юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида таваккалчиликни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари қиради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ягона қайта суғурталаш компанияси мавжуд.

Суғурта бозори профессионал иштирокчиларига хизмат қилувчи бошқа кўплаб ташкилот ва муассасалар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу нодавлат ва ношароит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган 618-сон Қарорига мувофиқ ташкил этилган. Унинг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очик-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари хажмларини кўпайтириш, кўламни кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашиш;

- республика аҳолиси ўртасида суғурта масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

- суғурта соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш.

Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциациясининг мақсади унга аъзо бўлган ташкилотларнинг манфаатларини конун чикарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари олдида ҳимоя қилишдан иборатдир.

2.3. Суғурта агенти ва суғурталовчи ўртасидаги ўзаро муносабат

Суғурта агентларининг фаолияти “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 28 январдаги 19-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда 2003 йилнинг 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1213-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта агентлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ тартибга солинади (4-илова). Суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғига мувофиқ суғурта шартномаларини тузиш ҳамда унинг ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсларга суғурта агенти дейилади.

Суғурта агенти ва суғурта ташкилоти ўртасидаги муносабатлар топшириқ шартномасига (агент битимига) асосланади. Топшириқ шартномаси (агент битими) - томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгиловчи юридик ҳужжат. Битим иккита асл нусхада тузилади ва мос равишда улар суғурталовчи ҳамда суғурта агентда сақланади.

Суғурталовчи “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” Қонунга мувофиқ, ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши лозим.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар. Куйидагиларга:

суғурта агентининг тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномалари тузишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача коидалар назарда тутилмаган бўлса, суғурта агентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган чет эл суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятига йўл кўйилмайди.

Суғурта агенти - жисмоний шахс ўз номига, тўловлар нақд пуллар билан амалга оширилганида эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, кизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига суғурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзишга, шунингдек, ўз фойдасига суғурта шартномалари тузишга ва бунда мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти сифатида иш кўришга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва ўз фаолиятини амалга оширувчи ҳар қандай юридик шахс ва фуқаролик салоҳиятига эга бўлган жисмоний шахслар суғурта агенти сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Суғурта агенти этиб ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган жисмоний шахслар қабул қилинади. Суғурта агенти фуқаролар билан муомала қилиш кўникмасига эга бўлиши ва суғурта ишнинг асосларини чуқур билиши зарур.

Суғурта агенти куйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан, мажбурий суғурта турлари бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғуртага қабул қилинаётган суғурта таваккалчилитини баҳолашда, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини тўлашда ва суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлик ҳажмда ҳамда суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлашида зарур кўмак кўрсатиш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек, суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар олиш;

суғурта шартномаси (суғурта полиси) тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

суғурта килдирувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суғурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида барча учун очик бўлган манбалардан таваккалчилик ва суғурта килдирувчи тўғрисида суғурта килдирувчининг шахсий ҳаётига аралашмаган ҳолда маълумотлар тўплаш.

Суғурта агенти қонуи ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта агенти:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонуи ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта шартномаси тузишда ва суғурта товони тўлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашиши;

суғурта тарифлари, суғурталовчилар томонидан таклиф этилаётган суғурта шартлари ҳақида, лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек, суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида ахборотга эга бўлиши;

суғурта шартномасини расмийлаштиришда суғурта килдирувчи тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши, унга суғурта таваккалчилигини пасайтириш ва суғурта ходисаси юз бериши эҳтимолини камаййтиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишни таклиф этиши;

суғурта килдирувчиларнинг сўровига кўра уларга суғуртанинг амалдаги шартлари тўғрисида ахборот бериши;

суғурта шартномаларини белгиланган тартибда тузиши ва янги муддатга ўз вақтида қайта расмийлаштириши;

тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта муқофотлари суммалари ҳисобини белгиланган шаклда юритиши;

суғурта ҳужжатларининг сақлавишини таъминлаши;

миқдорнинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида таваккалчилик шарт-шароитларининг жиддий равишда ўзгаришига тааллуқли ахборотни суғурталовчи ўз вақтида олишини, шунингдек, суғурта эътирозлари юзага келганда ҳамда уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи ва суғурта килдирувчи ўртасида ахборотнинг ўз вақтида алмашилишини таъминлаши;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда, суғурталовчининг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан суғурта тўловлари тўланишини ташкил этиши шарт.

Суғурта агентининг зиммасида конун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Табиийки, топширик шартномасини (агент битимини) тузишдан олдин суғурта ташкилоти агент билан суҳбат уюштиради, зарурият бўлганда касбий фаолиятга лаёқатлилик нуқтаи назаридан савол-жавоб ташкил этади. Суҳбатдан муваффақиятли ўтган шахслар билан топширик шартномаси (агент битими) имзоланади. Амалдаги ҳолатдан келиб чиққанда, айрим суғурталовчилар агентни ишга қабул қилганларидан сўнг уларни суғурта ташкилотида ташкил этилган агентларни тайёрлаш курсларида бепул ўқитадилар. Шуниси диққатга сазоворки, суғурта агентининг иш вақти суғурта ташкилоти томонидан белгиланмайди. Демак, жисмоний шахслар асосий ишларидан бўш пайтларида суғурталовчи билан тузилган топширик шартномасига (агент битимига) биноан унинг номидан суғурта полисларини мижозларга сотишлари мумкин.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, топширик шартномаси (агент битими) тузилган кундан 5 (беш) кун ичида суғурта агенти - жисмоний шахсга "Суғурта агенти тўғрисидаги Низом" билан белгиланган шаклдаги хизмат гувоҳномаси берилади. Шундан сўнг суғурталовчи агентни унинг номидан суғурта шартномаларини тузиш учун керакли бўлган иш қоғозлари, суғурта қилиш қондалари, шартномалари, суғурта тарифлари, суғурта полислари, реклама ва бошқа керакли ҳужжатлар билан таъминлайди. Ўз навбатида, суғурта агенти суғурталовчи томонидан ажратилган ҳужжатларни, шу жумладан, қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатларни тўлиқ ва бутун сақланиши учун жавобгар ҳисобланади. Суғурта агенти тузилган суғурта шартномалари ва сотилган полисларини ҳисобга олиш дафтарини юритади. Агент вазиятга қараб ва суғурталовчининг талабидан келиб чиққан ҳолда ҳафтада ёки ойда бир марта воситачилик фаолияти юзасидан суғурталовчига ҳисобот бериб боради - бу шартлар топширик шартномасида (агент битимида) ўз аксини топган бўлиши керак. Ҳисоботда агент томонидан тузилган ва сотилган суғурта полислари, шунга мувофиқ равишда, суғурта ташкилоти ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотлари миқдори ҳақида маълумотлар батафсил баён этилади.

Суғурта агентларига тўланадиган воситачилик ҳақи суғурталовчининг ёки унинг филиалининг ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотиغا

нисбатан фоизларда ҳисобланади. Суғурта агенти жисмоний шахс бўлган тақдирда, унга воситачилик ҳақи суғурталовчи ёки унинг филиали кассасига нақд пул шаклида топширилган ёки уларнинг банкдаги ҳисоб рақамига туширилган суғурта мукофотига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоблашишларнинг аниқ тартиби суғурта агенти ва суғурталовчи ўртасида тузилган топширик шартномасида (агент битимида) кўрсатилади. Шунингдек, топширик шартномасида (агент битимида) қуйидагилар назарда тутилади:

- суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш муддати;
- воситачилик ҳақларининг ҳажми, тўлаш шarti ва тартиби.

Суғурта агентлари меҳнатига ҳақ тўлаш, суғурта агенти тузган шартномалари бўйича суғурта мукофотларидан воситачилик пули шаклида амалга оширилади.

Воситачилик пули миқдори суғурта агенти тузган суғурта шартномалари бўйича суғурталовчи ҳисоб рақамига тушган суғурта мукофотларининг 25 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Суғурта мукофотлари юридик шахс шаклида фаолият кўрсатаётган суғурта агентининг ҳисобига келиб тушганда, суғурта агенти уларни топширик шартномасида (агент битимида) кўрсатилган муддатларда суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиши, жисмоний шахс – суғурта агенти суғурта мукофотларини нақд пулда қабул қилиб олганда эса уларни ўша куннинг ўзида ваколатли банкнинг қирим кассасига топшириши керак. Агар суғурта агенти суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш мудлатига амал қилмаса ёки уларни асоссиз ушлаб турса, ўша даврда суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта қилдирувчининг олдидаги суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятларга суғурта агенти жавобгар бўлади.

Полис бланклари агентнинг сейфида ёки ёнгинага чидамли шкафида ёки махсус жиҳозланган хоналарида сақланиши шарт. Кўп миқдорда катъий ҳисобот бланкларини оладиган агентларда уларни махсус жиҳозланган, бланкларнинг бузилиши ва ўғирланишининг олдини оладиган омборларда сақланиши мумкин.

Белгиланган муддат давомида полислар бланкларнинг сақланиши учун масъулият суғурта агенти зиммасига юклатилади. Суғурта ташкилоти зарурият бўлганда агентнинг ихтиёридаги суғурта полислари бланкларининг инвентаризациясини “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”

тўғрисидаги Миллий бухгалтерлик ҳисоби стандартларида белгиланган тартибда амалга оширилиши шарт. Инвентаризация натижаларига кўра Инвентаризация далолатномаси тузилади.

Нуксонли, тўлдириш пайтида бузилган, эскириб ишдан чиққан, зарарланган ҳамда алмаштирилган полис бланклари агент томонидан сугурта ташкилотининг бухгалтериясига топширилиши ва бу ҳақида нуксонли, бузилган ва зарарланган полисларнинг тегишли равишда Топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси тузилиши лозим. Нуксонли, тўлдириш пайтида бузилган, эскириб ишдан чиққан, зарарланган ҳамда алмаштирилган полис бланклари Нуксонли, бузилган ва зарарланган полисларни йўқ қилиш далолатномасини тузиш билан заруриятдан келиб чиққан ҳолда йўқ қилинади.

Сугурта агенти сугурта шартномаси тугаётганлиги ҳақида сугурта қилдирувчини олдиндан хабардор қилиши шарт. Жисмоний шахс бўлган сугурта қилдирувчиларга – оғзаки, юридик шахслар бўлган сугурта қилдирувчиларга – ёзма равишда хабар берилиши мумкин. Сугурта шартномасини узайтириш мақсадида, яъни кейинги давр учун сугурта шартномасини тузиш учун сугурта қилдирувчига хабарнома жўнатилади. Сугурта қилдирувчи таклиф этилаётган сугурта тури бўйича маълумотга эга эканлиги туфайли қайта тижорат таклифи берилишидан асосий мақсад сугурта қилдирувчини яна сугурталашга ундашдир. Шу сабабли тижорат таклифи сугурта қилдирувчи ижобий қарор қабул қилиши учун жозибадорлик элементларига эга бўлиши шарт. Булар қуйидагилардан иборат:

- зарар қўрилмаганлиги учун чегирмалар тақдим этилиши;
- ушбу сугурта тури бўйича янги қўшимча хизматлар ҳақида маълумот (агар улар мавжуд бўлса);
- Сугурта ташкилотининг янги ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳақида.

Шундай қилиб, агент сугурта қилдирувчи билан янги шартнома тузиш учун барча кучини сафарбар этиши шарт.

Агент билан тузилган топширик шартномаси (агент битими) қуйидагиларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- агентнинг ташаббуси билан;
- сугурта ташкилоти ташаббуси билан.

Топширик шартномасини томонлардан бирининг ташаббуси билан шартнома амал қилиш муддати тугагунга қадар бекор қилиниши бошқа томонни ёзма хабарнома бериш орқали амалга оширилади.

Суғурта ташкилоти бир томонлама тартибда агент билан тузилган тошпирик шартномасини қуйидаги ҳолларда бекор қилиши мумкин:

- суғурта агенти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва суғурта ташкилотининг меъёрий ҳужжатларига риоя этмаганда;

- суғурта агенти томонидан агентлик фаолияти амалга оширилмаганда, яъни тошпирик шартномаси (агент битими) имзоланган кундан бошлаб олти ой мобайнида шартномалар тузилмаслиги ва полислар берилмаслиги ҳолларида;

- қабул қилинган мажбуриятларни сурункали бажарилмаслиги ҳолларида;

- суд томонидан суғурта агенти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда (жисмоний шахс) лаёқатсиз деб топила;

- суғурта агентига жазо чоралари тайинлаш бўйича суд қарорининг қонуний қучга кириб, ишни давом эттириш имкони бўлмаганда.

Шу ўринда таъкиллаш лозимки, суғуртанинг такомиллашган аъёналарига эга мамлакатларда суғурта агенти касби анчайин обрўли ва нуфузли касб ҳисобланади. Кейинчалик бошқа соҳаларда машҳурлик даражасига эришган баъзи шахслар ўз фаолиятларини айнан суғурта агенти сифатида бошлаганлар. Масалан, футбол бўйича Германия терма командасининг собиқ бош мураббийи Франц Беккенбауэр ўз вақтида суғурта агенти сифатида фаолият кўрсатган.

Халқаро амалиётда суғурта агентлари мустақил ҳисобланадилар ва бир пайтнинг ўзида қатор суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар. Суғурта агентлари кўпроқ ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ишлайдилар. АҚШда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган суғурта агентларининг йиллик даромади 1,0 млн. АҚШ долларидан кўндир.

2.4. Суғурта агенти ва миқоз ўртасидаги муносабат

Суғурта агенти миқозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга суғурта маҳсулотларини сотиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши керак. Дастлаб, агент суғурта қилдирувчи юридик ёки жисмоний шахсга тўлдириш учун тегишли суғурта турига оид ариза-сўровномани тайёрлаб қўйиши лозим. Сўровномага жавоб беришда миқоз маълумотларни тўғри ва ҳаққоний кўрсатилишига алоҳида эътибор бериши

талаб этилади. Бу ҳақда агент мижозни огоҳлантириши ҳамда у томонидан ариза-сўровнома имзоланишини назорат остига олиши лозим. Ариза-сўровномада келтирилган саволларга ногўғри жавоб ёзиш, пировардида суғурталовчи томонидан суғурта коплмасини тўламаслик учун асос бўлиши мумкин.

Мижоз тўлдирган ариза-сўровномада келтирилган маълумотларга таянган ҳолда суғурта агенти суғуртага қабул қилиниши кутилаётган объектни жойида кўриқдан ўтказиши, яъни замонавий тилда айтганда, мониторинг ўтказиш зарур. Объектни кўриқдан ўтказиш унга таъсир этиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлашга қаратилган. Мониторинг ўтказишдан мақсад объектнинг мавжудлиги ҳамда объектнинг ҳолатини баҳолаш ва суғурта килдирувчи томонидан объект билан боғлиқ фирибгарликнинг олдини олишдан иборат.

Агент объектни суғуртага қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида қарор қабул қилишдан олдин суғурта объектнинг мониторингини ўтказиши зарур. Шунинг эътиборига сазоворки, мониторинг ўтказилмайдиган қатор суғурта маҳсулотлари мавжуд ва улар бўйича суғурта мукофоти миқдорини аниқлаш ариза-сўровнома асосида амалга оширилади. Ариза-сўровномада маълумотларни ҳаққоний асосда элтириш шунинг учун ҳам муҳимки, унга таянган ҳолда суғурта мукофоти миқдorigа таъсир этиши мумкин бўлган омиллар аниқланади. Жавобгарликни суғурта қилиш, тиббий суғурта, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, юкумли касалликлардан суғурта қилишда суғурта объектини мониторинг қилиш шарт эмас.

Шартнома суғурта мукофоти миқдори ҳисоблангандан кейин тузилади. Агент ҳар бир тузилган шартномани махсус “Суғурта шартномаларини рўйхатга олиш” журналида қайд этиб бориши керак. Ушбу журналда қуйидаги маълумотлар ёзилади:

- ариза келиб тушган сана;
- суғурта килдирувчининг номи;
- суғурта тури;
- шартнома рақами;
- суғурта суммаси миқдори;
- суғурта мукофоти миқдори;
- агентлик мукофоти;
- суғурта мукофоти тўланган сана;
- суғурта шартномаси кучга кирган сана;
- суғурта шартномаси тугаган санаси;

- сугуртанинг амал қилиш даври;

- сугурта шартномаси бекор қилиниши ҳақида маълумотлар.

Сугурта мукофоти сугурта ташкилоти ҳисоб рақамига нақд бўлмаган пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пул маблағлари агент орқали тўланади. Бундай ҳолатда тўлов топшириқномаси ёки тўлов ҳақида қвитанция тақдим этилганда сугурта мукофоти тўланган ҳисобланади. Юридик шахслар билан тузилган сугурта шартномалари бўйича сугурта мукофоти тўлови уларнинг ҳисоб рақамидан сугурта ташкилоти ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Сугурта мукофоти сугурта қилдирувчи томонидан келишилган муддатларда сугурталовчига тўланиши шарт. Сугурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган тақдирда шартнома бўйича сугурта ташкилоти жавобгарликни олиб бормайди. Сугурта ташкилотининг сугурта қилинган объект бўйича жавобгарлиги сугурта мукофоти ташкилот ҳисоб рақамига келиб тушган пайтдан бошлаб кучга киради. Сугурта полиси тузилган сугурта шартномасига мувофиқ сугурта мукофоти тўланганидан кейин миқдорга берилади.

Сугурта объектини кўриқдан ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад нафақат шу объектга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таваккалчиликлар даражасини аниқлаш, балки уларни камайтириш, бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишдан иборат. Бу ҳақда “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 9-1 моддасида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Сугурта объектига зарар келтириши мумкин бўлган таваккалчиликларни содир бўлишидан олдин унинг олдини олиш ва шу хусусда сугурта қилдирувчига зарур тавсиялар бериш муҳим аҳамиятга эга. Таваккалчиликлар тарқибини ва уларнинг ҳар бир сугурта объекти элементига алоҳида ва ундан сўнг объектга тўла таъсир этиш даражасини аниқлаш сугурта агентининг доимо диққат марказида бўлмоғи керак. Бу таваккалчиликларни бошқариш жараёни босқичида таваккалчилик даражасини баҳолаш имконини беради. Сугуртага қабул қилинаётган объект ва унинг қисмлари бўйича сугурта тарифларини белгилашда жами таваккалчиликлар бўйича қутилиши мумкин бўлган зарар миқдорини аниқлаш сугурта агентининг асосий вазифаларидан биридир. Объектни мукамал кўриқдан ўтказиш сугурта шартномасининг самарадорлигига ижобий таъсирини кўрсатади.

Сугурта агенти объектни кўриқдан ўтказиш, яъни мониторинг қилишда қуйидаги тартибга риоя этилиши тавсия қиламиз:

1) Аризани қабул қилиб олиш. Суғурта килдирувчидан ариза-сўровномани қабул қилиб олиш суғуртага қабул қилиб олинаётган объектни кўздан кечиришнинг дастлабки босиқичи бўлиб ҳисобланади. Ариза-сўровнома агент томонидан диккат билан ўрганилади ва объектга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таваккалчиликлар даражаси аниқланади. Шунга асосланилган ҳолда объектни кўриқдан ўтказиш, яъни мониторинг режаси ишлаб чиқилади. Ариза-сўровномани ўрганиш жараёнида агент суғурта килдирувчи ва унга тегишли мол-мулклар тўғрисида муайян ўз фикрини шакллантиради.

Одатда объектни суғуртага қабул қилиш ишларида суғурта агентига ёрдам берувчи масъул шахс корхона томонидан тайинланади ва агентнинг миждоз билан бўлган муносабатида мазкур шахслар қатта аҳамиятга эга. Аввало, суғурта агенти юридик шахс томонидан тайинланган масъул ходим билан боғланади ва объект жойлашган манзилни аниқлайди. Агент корхонага келганда, биринчи навбатда, корхона раҳбарияти билан учрашиб, биргаликда мониторинг ўтказишда ва суғурта иштини олиб боришда унга ҳамроҳлик қилувчи корхона фаолиятини яхши биладиган ходим билан яхши танишиб олиши керак. Шундан сўнг агент корхонанинг мулккий манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги таваккалчиликларнинг мавжудлиги билан кизикиши лозим, яъни корхона жойлашган жойда дарё, сув омбори, кўчки бўлиш эҳтимоли, АЁҚШ, ГЭС, кимё комбинатлари, баланд бинолар ва қурилмалар мавжудлигига ўз эътиборини қаратади.

Суғуртага қабул қилинаётган объектни мониторинг қилиш тадбири куйидаги босиқичлардан иборат:

- корхонанинг лойиха техник ҳужжатлари билан танишиш;
- суғурта объектини бирма-бир кўздан кечириш;
- объектни бут саклаш, унга таъсир этиши мумкин бўлган таваккалчиликлар даражасини пасайтириш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва уларни миждоз эътиборига етказиш.

Бундан ташқари, суғурта агенти шубҳасиз, корхона вакили билан бўлган оғзаки суҳбатда ушбу корхона суғурталанмоқчи бўлган таваккалчиликлар борасида муаммолари бор ёки йўқлиги ҳамда илгари қандайдир зарар қузатилганлиги ёки қузатилмаганлигини аниқлаши талаб этилади. Агентнинг объектга тааллуқли лойиха техник ҳужжатлар билан атрофлича танишиб чиқишидан мақсад куйидагиларни аниқлашга қаратилгандир:

- бино ва қурилмаларнинг фойдаланишга топширилган йили;
- бино ва қурилмалар жойлашган ҳудуднинг сейсмик ҳолати;
- объектнинг ўзига ҳос конструктив томонлари. Бу суғурта ходисаси содир бўлганда муайян аҳамиятга эга бўлиши мумкин;
- бино ва қурилмаларнинг фойдаланишга топширилган пайтдаги смета бўйича баҳоси.

Агент лойиҳа техник ҳужжатлар билан танишиш баробарида корхонада мониторинг ўтказишнинг дастлабки режасини тузади. Бунда синчиклаб текшириш ва вақтни беҳуда кетказмаслик мақсадида кўпроқ эътибор берилиши керак бўлган томонларини белгилаб олади. Суғуртага қабул қилинаётган объектларни режа асосида бевосита кўриқдан ўтказаятган агент унга ҳамроҳлик қилаётган ходимдан имконият даражасида ўзини қизиқтирган тўлақонли ва малакали жавоб олиши зарур. Мижоз суғурта агентига мониторинг ўтказиш жараёнида унга шундай кузатувчи масъул шахсни бириктириши керакки, у корхона фаолиятининг барча қирраларини мукамал билиши керак.

Суғурта агенти олдиндан тузилган режа асосида суғуртага қабул қилинаётган объектни кўздан кечирар экан, асосий эътиборини мижоз суғурталанмоқчи бўлган таваккалчиликларнинг даражасини аниқлашга қаратиши мақсадга мувофиқ.

Агент шунинг эслан чикармаслиги керакки, асосан қуйидаги таваккалчиликларнинг рўй бериш эҳтимоли юқори бўлади:

- ёнғин;
- бузиб ўтирилик қилиш;
- зилзила;
- сув тошқини.

Диққат! Объектни ёнғиндан суғурта қилишда ёнғинга қарши барча усқуналари бор тахтанинг мавжудлиги; ёнғинга қарши гидрантларнинг (сув пуркагичлар) мавжудлиги; электр тўсқичи, электр усқуналари ва симларининг ҳолатига жиддий эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, корхонада иш фаолиятининг ташкил этилиши, яъни иш жадвалини ҳам агент билиши керак.

Диққат! Объектга бузиб кириб ўтирилик қилишдан суғурталашда агент корхона иши жадвали; қоровулларнинг борлиги ва уларнинг иш жадвали; кўриқлаш бўйича конструктив элементларнинг мавжудлиги (панжара, метал

дарвоза, зипиклар, деворларнинг мустаҳкамлиги; корхонада кўриқлаш сигнализациясининг мавжудлиги ва ишлашини кўздан кечириши шарт.

Диққат! Объектни зилзиладан суғурталашда куйидагиларга эътибор бериш керак: бино ва қурилмаларнинг фойдаланишга топширилган йили; бино ва қурилмаларнинг конструктив тавсифи; бино ва қурилмалар жойлашган манзилнинг қайси сейсмик зонада жойлашганлиги; бино ва қурилмаларнинг ташқи кўриниши (ёриқлар, бўлинган, ювилган жойлар ва бошқа конструктив бузилишлар).

Корхонага тегишли мол-мулкларни сув тошқинидан суғурталашда объект жойлашган манзилнинг сув босишга мойил ҳудудларга узок ёки яқинлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта агенти корхонада мониторингни амалга ошириш жараёнида таваккалчиликларнинг содир бўлиш даражасини оширувчи камчиликларни ҳисобга олиши (масалан, йўлакларнинг ёпиб қўйилганлиги, уюмлар/жавонлар билан тўсилаб қолиши туфайли ўт ўчирувчи воситаларгача бўлган йўлларнинг ёпиб қўйилганлиги, чикариш жойларига уланмаган шлангалар, кранларнинг бурагичлари йўқлиги, оғохлантирувчи ускуналарнинг йўқлиги, симларнинг носозлиги ва хоказо) ва бу камчиликларни тавсияларда акс эттириб, уларни бартараф этишни суғурта қилдирувчига таклиф этиши шарт. Тавсиялар суғурта қилдирувчига расмий равишда тақдим этилади.

Йирик объектларни суғурта қилишда уларни кўриқдан ўтказиш режасини пухта ишлаб чиқиш керак. Зеро, нотўғри ишлаб чиқилган режа асосида объектни кўздан кечириш суғурта ташкилоти учун жиддий муаммоларни келтириб чикариши мумкин.

Объектларни кўриқдан ўтказиш режаси уларни катта ёки кичиклиги ёхуд суғуртага қабул қилинаётган жавобгарлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин. Ёнгин, портлаш, бузиб кириб ўғирлик қилиш, зилзила, сув тошқинидан суғурта қилишни ташкил этиш бўйича куйида келтирилган мониторинг режасидан суғурта агентлари ўз амалий фаолиятларида фойдалансалар фойдадан холи бўлмайди.

Объектларни кўриқдан ўтказишнинг намунавий режаси куйидагича бўлиши мумкин:

- суғуртага қабул қилинаётган объектнинг тўлиқ тавсифи.
- объектга келтириши мумкин бўлган зарар миқдорининг энг юқори чегараси ва таваккалчиликнинг умумий даражасини аниқлаш.

Сугуртага қабул қилинаётган объектнинг тўлиқ тавсифи:

- а) сугурталанаётган бино ва қурилмаларнинг тавсифи;
- б) корхона фаолиятининг йўналиши;
- в) корхона ён атрофидаги объектларни ўз ичига олган хавфлар ички манбааларининг тавсифи;
- г) ёнғинга қарши хавфсизлик, ўтирликдан ва бошқа хавфлардан химоя (давлат ва ички хизматлар) тизими;
- д) махсус таваккалчиликларнинг тавсифи;
- е) инсон омилининг тавсифи;
- ж) объект қизмасининг тавсифи.

а) Сугуртага қабул қилинаётган бино ва қурилмаларнинг тавсифи:

Сугурта агенти мониторинг ўтказишда унга ҳамроҳлик қилувчи масъул шахсдан ҳар бир бино ва қурилма бўйича қуйидагиларнинг аниқ тавсифини олиши зарур: бино қурилган йил, ўзгаришлар қилинган йил (кайта қуриш, кенгайтириш, техник кайта қурилантириш). Қурилмаларнинг конструктив тавсифини амалга ошириш (бетон, темир бетон, шипининг енгил плиталари ва бошқалар); бинонинг пойдевори; ички ва ташқи деворлар, бинонинг ёнғинга чидамлилиги (ўтга чидаш даври); ички ва ташқи дарвозалар, эшиклар ва уларнинг ёнғинга чидамлилиги; кўтариб турувчи конструкциялар (масалан, устун, плита ва бошқалар); горизонтал пардеворлар (каватларни ажратиб турувчи), ёнғинга қарши пардевор тўсиқларнинг ўтга чидамлилиги; бино шипининг қопламаси; бинонинг ички қопламаси; изоляция; бинонинг томи.

Бинонинг тавсифи: каватлар сони; подвалнинг мавжудлиги; каватнинг тахминий майдони (кв.м) ва умумий майдон (кв.м); фаолияти тури; муҳандислик коммуникация тизимининг тавсифи: иситиш тизими; энергия таъминоти (кучланиш); трансформаторлар (кучланиши, қурилган йил ва бошқалар); буг қозонлари (тури, ёқилғиси, ҳажми ва бошқалар); кондиционер тизими (тури, ишлаб чиқариш йили ва бошқалар); ҳаво компрессорлари (тури, ишлаб чиқариш йили, босими ва бошқалар); ер усти ва ости резервуарлари; қувурлар ва етказиб бериш қувурлари; ҳаво алмаштирувчи тизимлар.

Шубҳасиз, сугурта агенти корхонада мониторинг ўтказиётганда таваккалчиликнинг ошишига олиб келувчи камчиликларни аниқлашга ҳаракат қилиши лозим. Масалан, электр симларининг эскирганлиги, устунлар ва тўсиқлар орасидаги ёриқлар сугурта ходисалари рўй бериш эҳтимолини келтириб чиқаришга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Агент биони ва қурилмаларни кўриқдан ўтказаетганда бивонинг чизмасига асосан ёнгина қарши ички пардеворларни белгилаб олиши мақсадга мувофиқ.

б) корхона фаолиятининг йўналиши;

в) корхона ён атрофидаги объектларни ўз ичига олган хавфлар ички манбааларининг тавсифи.

Корхона фаолият йўналиши ва рўй бериш эҳтимоли бўлган хавфнинг ички манбааларини (шу жумладан, ён-атрофидаги объектларнинг) таҳлил қилиш мақсадида суғурта агенти қуйидаги ҳар бир бивонинг тўла тавсифини олиши шарт: худудда жойлашган ҳар бир бинодаги ишлаб чиқариш жараёнларининг батафсил ва тўла тавсифи; машина ва технологик ускуналарнинг батафсил ва тўла тавсифи (гидравлик ускуналарга алоҳида эътибор қаратиш лозим); машина ва технологик ускуналар паркига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос томонлари; ишлаб чиқариш хавfli жараёнларининг батафсил тавсифи (масалан, пурқаб бўяш, пайвандлаш, кесиш ишлари, олов билан боғлиқ ишлар ва ҳоказо); хомашё, ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотнинг батафсил тавсифи; хавfli моддаларнинг омборларда сақланишининг алоҳида тавсифи (масалан, ёнувчан эритмалар, ёнувчан газлар ва бошқа хавfli моддалар; уларнинг хусусиятлари (ёниш ҳарорати, миқдори ва ҳоказо) ва ёнувчан материалларни сақлаш (пластик, қоғоз ва ҳоказо); сақлаш турининг батафсил ва тўла тавсифи (масалан, баланд уюмлар билан сақлаш, баланд жавонлар ва уларнинг хусусиятлари); хомашё тури, олиб келинадиган жойи, янги партиясининг олиб келиш вақтлари; атрофидаги объектлар ва улар фаолиятининг ҳамда уларгача бўлган масофанинг батафсил ва тўла тавсифи; ён-атрофидаги ернинг тўла ва батафсил тавсифи (масалан, оқимлар, дарёлар, қўллар, резервуарлар, темир йўл излари ва ҳоказо), чунки қоплама сув тошқинини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Суғурта агенти бино ва ён-атрофни кўздан кечираётганда таваккалчилик даражасини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлашга ҳаракат қилиши талаб этилади. Бунга мисол тариқасида хавfli эритмаларни тўғри келмайдиган омборларда сақлаш, ёнувчан материалларнинг бинолар ўртасида сақланиши қабиларни келтириш мумкин.

г) ёнгина қарши хавфсизлик, ўтирликдан ва бошқа хавфлардан ҳимоя (давлат ва ички хизматлар) тизими. Суғурта агенти бу борада бивони ва бошқа суғуртага қабул қилинаётган объектларни кўриқдан ўтказаетганда қуйидагиларга ўз диққатини қаратиши зарур: ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир кв. метрига ҳар минутда неча миллиметр сув келишини (сув билан

таъминлаш); сув билан таъминлаш қувуридаги босим (хар минутда неча бар); курук/хўл қувурлар тизими (хўл/курук); ёнғинга қарши тизим ёкиладиган ҳарорат (Цельсий бўйича даражаларда кўрсатилиши керак); хар бир пурқагичнинг қоплаш майдоии (қв. метрда); омбор токчаларидан пурқагичларгача бўлган энг яқин масофа (метрларда).

Агент хар бир қорхонадаги турли объектни кўздан кечириш чоғида химоя ва хавфсизлик ҳақида ахборот тўплаш учун хар бир бинонинг қизмасини олиши ва унда қуйидагиларнинг жойлашишини белгилаши шарт: ёнғинга қарши шлангалар (курук ёки хўл; шланганинг узунлиги; пойнаги мавжудлиги). Қўлда ўт ўчириш учун мосламалар (охирги марта қачон текширилган; унинг ичидагилари (сув, кўпик ва хоказо); мазкур мосламалар қайси давлатда ишлаб чиқарилганлиги; ҳовли гидрантлари (сув чиқарувчи тешикнинг диаметри, биногача бўлган масофа); жамоат гидрантлари (сув чиқарувчи тешигининг диаметри, биногача бўлган масофа); сув қувурлари (кирувчи ва чиқувчи тешиклари диаметри); ўт ўчириш мосламаларининг бошқа турлари (юқорида кўрсатилмаган); тутун, иссиқлик ёки қўшма тутун-иссиқлик ҳақида огоҳлантирувчи қурилмалар (заводнинг бошқарув панели билан боғлиқ, ёнғин ҳақидаги сигналнинг марказий ёки завод ўт ўчирувчи бригадасигача етиб бориши; сигнал ёкиладиган ҳарорат; узаткичлар ва қурилма ўрнатилмаган ҳудуд; хар кв. метрга бир ёки икки узаткич ўрнатилган ҳудуд); ёнғин юз берган ҳолларда ёнғин пайтида чиқиш жойларининг автоматик тарзда очилиши; огоҳлантиришнинг қўл тизимлари, қорхона ҳудудида огоҳлантириш пултылари мавжудлиги; марказий ўт ўчириш бригадаси (масофа км; огоҳлантириш усули; ўт ўчирувчи автомобиллар сони; ўт ўчирувчи жамоа ҳаракатининг тахминий вақти; марказий ўт ўчириш бригадаси ва ёнғинга қарши ҳаракатнинг аниқ режаси (агар мавжуд бўлса).

Агент суғурта қилдирувчи қорхонанинг ўз ўт ўчирувчи бригадаси мавжуд ёки йўқлигига эътибор қаратиши керак. Бундай ҳолда ўт ўчирувчи бригаданинг: манзили; ўт ўчирувчи жамоа ҳаракатининг тахминий вақти; иш вақтида ва ундан ташқари пайтда бригада аъзоларининг миқдори; бир йилда ўтқазилган ўқув машғулотлари сони; қорхона биноларининг жойлашиши, уларга жамоат ўт ўчирувчи бригадасининг бемалол қира олиш имконияти; бошқа ўт ўчирувчи воситалар (масалан, кум, белқурак, болта ва бошқалар).

Бундан ташқари, суғурта агенти қорхонада ўғирликка қарши огоҳлантириш тизими (тури, қорхонанинг бошқарув панелига уланганлиги, қачон ёкилади) қандай ҳолатда эканлигини кўздан кечириши шарт. Бу

жараёнда куйидагиларга эътибор қаратилади: худуднинг ўралганлиги (бор/йўқ, тури); кириш/чиқишни назорат қилиш (қандай амалга оширилади, барча дарвозалардами); бошқа турдаги ҳимоя/кўриклаш (ойна панжалари, биноларда чакмокка қарши қурилмалар ва бошқалар); қоровулларнинг мавжудлиги; қоровуллар химдан ташкил топган (ўз ходимлари, милиция, ҳарбийлар); иш вақтида ва бошқа пайтда қоровуллар сони; белгиланган иш жадвали (бино ичида ва унинг ташқарисида пиёда ҳамда машинада патруллик қилиш); қуролланганлик (ўқ отар қуроллар ва ҳоказо); омборлардаги йўлақлар (асосий йўлақлар, агар мавжуд бўлса уюмлар/жавонлар, деворлар орасидаги йўлақлар ва ҳоказо); горизонтал пардеворлар (ўтга чидамли изоляция) деворлари/томига кабел/кувурлар кирганлиги.

Объектни кўздан кечириш чоғида суғурта агентининг асосий вазифаси фақат шунчаки бино ва қурилмаларнинг қандай ҳолатда эканлигини аниқлаш эмас, суғурта ходисаларининг юзага келишига олиб келувчи омилларни аниқлаб, кейинчалик уларни бартараф этиш мақсадида суғурта қилдирувчи эътиборига етказишдан иборатдир (масалан, йўлақларнинг ёпилиб қолганлиги, уюмлар/жавонлар қўйилганлиги сабабли ўт ўчирувчи воситаларгача бўлган йўлнинг ёпиқлиги, чиқариш тешиқларига уланмаган шлангалар, кранларда қалитнинг бўлмаслиги, ҳаво алмаштириш қувурларига ўрнатилган тутундан оғохлантирувчи ускуналарнинг йўқлиги ва ҳоказо).

д) махсус таваккалчиликларнинг тавсифи:

Суғурта агенти мониторинг жараёнида махсус таваккалчиликлар билан боғлиқ ишончли маълумотларни олишга интилиши зарур. Бунда у қорхона томонидан тайинланган масъул шахс қуйидагиларни олганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим: қурилма конструкциясининг сейсмик талаб нормаларига тўғри келиши; конструкциянинг стандарти тегишли нормаларда кўрсатилганидан юқорилиги; худудда илгари ҳам зилзила кузатилганлиги, вақти ва интенсивлиги; ер ости қатламлари тафсилотлари (тошлар, шағал, кум, лой ва ҳоказо); геологик қамчиликларнинг мавжудлиги, агар бўлса, қаердалиги; ер ости сувларигача бўлган масофа; яқиндаги дарёлар, қўллар, денгизлар ва уларнинг суғурталанаётган худуддан баландлиги; метеорологик шароитлар (масалан, бир соатда, кунда, ойда ёгингарчилик миқдори, момақалдирок хавфи борми).

е) инсон омилининг тавсифи:

Суғуртага қабул қилинаётган объектни кўздан кечириш жараёнида агент қорхонада қуйидагиларни мавжуд бўлишига эътибор қаратади: руҳсат

бериш тизимининг тавсифи; “ЧЕКИШ” коидаларининг тавсифи; тозалик ва тартибга роя этиш коидалари; ходимлар сони ҳамда янги ходимларни ёллаш тартиби; иш вакти (масалан, сменалар сони ва миқдори); хавфсизлик қандай ташкил этилган (техника хавфсизлиги бўйича муҳандис ва б.).

Суғурта агенти бино ва ён-атрофни кўздан кечираётганда куйидагиларнинг бузилганлигига эътибор бериши шарт: яқинида ўт ўчирувчи воситалар бўлмаган ҳолда пайвандчилик ишларини амалга ошириш; “Чекиш мумкин бўлмаган жойда” чекаётган одамларга, тозалик ва тартибга роя қилиш етарли даражада ташкил этилмаганлиги.

ж) объект чизмасининг тавсифи.

Суғурта агенти мониторинг натижалари бўйича маълумотнома (хисобот) тайёрлаётганда бино ва қурilmаларнинг ўлчамлари билан режасини улар ўртасидаги масофаларни хисобга олган ҳолда чизиши ёки суғурта қилдирувчидан режанинг нуسخасини олиши тавсия этилади.

Суғурта агентининг асосий вазифаларидан яна бири суғуртага қабул қилинаётган объектга таъсир қилиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилишга, яъни баҳолашга йўналтирилган. Суғурта таваккалчилиги деганда воқеа ва ходисаларнинг содир бўлиш эҳтимоли тушувилади. Таваккалчиликни рўй бериши, аксарият ҳолатларда, талофат ва зарарни пайдо бўлишига олиб келади. Таваккалчилик-суғурта муносабатлари вужудга келишининг асосий шартидир. Таваккалчилик бўлмас экан, суғуртанинг бўлиши мумкин эмас. Таваккалчиликнинг ҳажми, миқдори эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ёрдамида аниқланади. Суғурта таваккалчиликларини таҳлил қилиш уларни иккита йирик гуруҳга ажратишни тақозо этади. Яъни, таваккалчилик суғуртавий ва суғуртасиз бўлади. Суғурта шартномаларида ўз аксини топган таваккалчиликлар суғуртавий таваккалчиликлар дейилади. Таваккалчилик баҳосини пулда ифодаланиши суғурта тариф ставкасини ташкил этади. Таваккалчилик доимий кўрсаткич эмас, балки у доимо ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар иктисодиёт ва бошқа соҳадаги ўзгаришлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Суғурта ташкилоти таваккалчиликнинг ривожланишини, ҳолатини доимо кузатиши лозим, яъни тегишли статистик хисоб олиб бориши, тўпланган маълумотларни қайта ишлаши ва таҳлил қилиши керак.

Таваккалчиликни баҳолаш учун уни куйидаги турларга бўлиш мумкин:

- 1) Суғурталаниши мумкин бўлган таваккалчиликлар.
- 2) Суғурталаниши мумкин бўлмаган таваккалчиликлар.

Таваккалчиликнинг энг катта гуруҳини суғурталаниши мумкин бўлган таваккалчиликлар ташкил этади. Қуйида келтирилган мезонлар асосида суғурта таваккалчилигини суғуртасиз таваккалчиликлардан фарқ қилиш мумкин.

а) Таваккалчилик тасодифий характерга эга бўлмоғи керак;

б) Суғурта ҳодисаларини рўй бериш ҳолатининг вақти ва мақони номаълум бўлиши;

в) Хавф солиш манбасига кўра таваккалчиликлар табиий офатлар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва моддий бойликни ўзлаштириш оқибатида инсониятни табиатга таъсири билан боғлиқ таваккалчиликларга бўлинади. Таваккалчиликларни туркумлашда катта ҳалокатли таваккалчиликлар алоҳида ўрин тутаяди. Чунки бундай таваккалчиликлар рўй бериши натижасида кўплаб объектлар йирик миқдорда зарар кўриши мумкин. Катта ҳалокатли таваккалчиликларга зилзила, цунами, кучли шамол мисол бўлиши мумкин. Юқорида айтилган таваккалчиликлардан ташқари экологик, сиёсий ва махсус таваккалчиликлар бўлиши мумкин.

Таваккалчиликни бошқариш - таваккалчиликни чеклаш ёки камайтириш билан боғлиқ тадбирлар йиғиндиси. Амалиётда таваккалчиликни бошқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Таваккалчиликни аниқлаш, масалан сууда олувчиларнинг суудани ўз вақтида қайтариб бера олмаслик таваккалчилиги суғурталанади, таваккалчилик даражаси аниқланади. Кредит олувчи шахснинг молиявий ҳолати қандай активларга эга эканлиги, лойиҳада ҳисоб-китоб канчалик асосланганлиги ва ҳақозо.

Таваккалчиликни баҳолаш жараёнида таваккалчиликнинг ҳолатлари аниқланади, таваккалчиликни содир бўлиш эҳтимоллиги, актуар ҳисоб-китоблар, статистик кузатувлар, эҳтимоллар назарияси асосида баҳоланади ва суғурталанаётган объектга нисбатан таваккалчилик даражаси аниқланиб суғурта тарифи ҳисобланади. Суғурта тарифининг ставкаси - бу таваккалчилик баҳосидир.

Таваккалчиликни назорат этиш - бу суғурта компаниясининг вакили томонидан суғурталанган объект ҳолатини, унинг сақланиш устидан кузатув ишларини олиб бориши демакдир. Шунингдек, унинг сақлаш хавфлилиги талабларига жавоб бериши текширилади. Қатор объектларни яхши сақлаш учун зарур тавсия ва маслаҳатлар берилади.

Таваккалчиликни молиялаштириш - бу таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш ва назорат этиш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплаш.

Суғурта агенти ўзи иштирок этган суғурта шартномалари бўйича миқдорга суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар бериб боришга ҳақлидир.

Суғурта агенти суғурта шартномасини тузиш юзасидан миқдор билан мулоқотга киришишида унинг суғурта таваккалчиликларининг мазмунини пухта тушуниши катта аҳамиятга эга. Шунинг эътиборга олган ҳолда куйида айрим суғурта таваккалчиликларининг изоҳи кетирилган.

Авария – арабча «аваг» сўздан олинган бўлиб, шикаст, зиён деган маънони англатади. Авария транспорт воситасига, ташиш жараёнида юк ва транспорт воситасига етказилган зарар, зиённи англатади. Кўп соғли инсонлар ўлимига сабаб бўлган авария-ҳалокат дейилади. Денгиз ҳукукида кемага, юкга, фрахтга атайин ёки атайин бўлмаган ҳолда етказилган зарарга авария дейилади. Авария иккига бўлинади: умумий авария, қисман авария. Умумий авария-кемани, фрахтни ва унда ташилаётган юкни қутқариш мақсадида юзага келган ҳамма харажатлар. Қисман авария-кема ёки юкнинг шикастланиши натижасида унга етказилган зарар. Одатда, қисман авариядан кўрилган зарарни қоплаш масъулияти бир томоннинг зиммасига тушади.

Бўрон – 1) паст ҳароратли ҳаво шаронтида пайдо бўладиган кучли шамол. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисасини рўй беришига олиб келувчи ва таваккалчилик даражасини оширувчи омил сифатида қаралади. 2) денгизда йирик тўлкинни келтириб чиқарувчи, қуруқликда эса катта вайронагарчиликка сабаб бўлувчи жуда кучли шамол. Ер юзасида шамолнинг тезлиги 20 м/с дан ошади.

Дўл – атмосфера характеридаги ёғингарчиликнинг бир кўриниши; йилнинг илик вақтларида зич муз бўлақлари шаклида ёғади. Дўл қишлоқ хўжалик соҳасига катта зарар етказиши, фуқаролик авиацияси ҳаракати учун ҳам хавф туғдиради.

Зилзила – ер қаърида тўпланган энергияни отилиши натижасида пайдо бўладиган ер ости тулқинлари. Зилзиланинг давомийлиги баллар орқали аниқланади. Европа мамлакатларида 12-балли, Лотин Америкасида 10-балли,

Японияда эса 7-балли шкаладан фойдаланилади. Жаҳонда кучли 2 та сейсмик зона мавжуд: тинч океан ва Ўрта ер денгизиди.

Яшин (чакмок чакиши) – булутлар ва ер ўртасида кучли электр разрядлари ўртасида пайдо бўладиган атмосфера ходисаси. Яшин уриши ерда турли даражадаги ёнғин ва бошқа фалюкатларни келтириб чиқариши мумкин. Яшин уриши суғурта ходисаси сифатида баҳоланади ва суғурта коплмасини тўлашга асос бўлади.

Сув тошқини - қорнинг ҳаддан зиёд кўп эриши ва кучли ёмғир ёғиши ёки жала кўйиши натижасида дарё, кўл ҳавзаларида сув сатҳининг кескин ошиши туфайли қатта ҳажмдаги ер майдонини сув босиши. Ўзбекистонда, айниқса, баҳор фаслида тоғли ҳудудларда ва дарё ўзанида жойлашган ҳудудларда бундай ходисалар тез-тез учраб туради.

3. Суғурта агентни томонидан полисларни сотиш технологияси

3.1. Суғурта полисларини сотиш технологияси нима?

Суғурта маҳсулотларини сотиш технологияси нима? “Технология тушунчаси”га Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қуйидагича таъриф берилган: “Технология сўзи юнонча “*techne*” сўзидан олинган бўлиб, санъат, мохирлик, ўқув деган маъноларни англатади”. Демак, шундан келиб чиққан ҳолда суғурта маҳсулотларини сотиш ҳам ўзига хос санъатдир.

Сотиш технологияси деганда шартноманинг кафолатли ва муваффақиятли амалга ошишига қаратилган сотишнинг ўзига хос усул ва йўллари кетма-кетлиги тушунилади. Сотиш технологияси яхлит ва шу билан бир қаторда ўзаро узвий боғлиқ тизимдир. Суғурта маҳсулотларини сотишда технология асосини ташкил этувчи ҳар бир усул ва йўлни муайян изчилликда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Суғурта агентни сотиш технологиясини тушунган ҳолда бажарса, яъни нима учун у ёки бу ҳаракатни бажармаганликни (ёки нима учун мижоз билан ундай ёки бундай муомалада бўлмаганликни) англаса ҳамда барча лозим бўлган ишларни талаб даражасида бажаришга эришса, албатта, унга омад ёр бўлади.

Яна бир муҳим масала. Ҳаракат йўналиши ва назорат қилувчи нукталарни технологик йўналиш кўрсатади. Ҳамма гап суғурта агентининг ҳаракат йўналиши бўйича тўғри юришига ҳамда назорат қилувчи нукталарни топишига боғлиқ.

Сотиш технологияси ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. У хорижий, асосан, АҚШ ва Канада каби тараккий этган давлатлар ва инсонлар руҳиятини бошқара оладиган мутахассисларнинг муваффақиятли стратегиялари, усуллари ва мақсадларини белгилаш асосида яратилган.

Сотишнинг турли хил усуллари ва йўллари ўзлаштириш учун сотиш технологиясини эгаллашга асосланган ўқитиш муҳим ўрин тутди. Сотиш технологияси бўйича ўқитиш соғувчининг шахсий тажрибасига асосланган ҳолда ёки аниқ бир вазиятни таҳлил қилиш асосида бўлса, жуда яхши, лекин нимадан бошлаш зарурлигини, шартномани қандай тузиш ва қачон тугатиш кераклигини билмаса, натижа салбий яқун топади.

Суғурта полисларини сотиш ўз технологиясига ва уларнинг сифатини назорат қилувчи стандартларга эга. Сотиш техникасини ўзлаштиришда мижоз билан шахсий учрашувларни олиб бориш санъатини эгаллаб олиш

айни муддаодир. Маълумки, миждоз билан учрашувда бир неча киши иштирок этиши мумкин. Масалан, агент бир оила билан учрашиб, уларга суғурта “маҳсулот”ини таклиф этаётганда, табиийки, бир неча кишидан иборат оила аъзолари катнашади. Суғурта агенти полисни сотиш учун оила аъзолари сафидан карор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган кишини танлайди ва у билан шартнома тузади.

Баъзи мутахассислар бир гуруҳ турли таркибдаги шахслар билан суҳбат уюштириш натижасида ҳам суғурта маҳсулотларини сотиш мумкин, деган фикрни илгари сурадилар. Бу ҳолда суғурта агенти, “бор маҳоратини ишга солиши” керак бўлади. Сотини бир одам билан бевосита алоқа қилган ҳолда тугаллаш лозим бўлади.

Суғурта маҳсулотларини сотишнинг таркибий қисмлари куйидагилардан иборат:

- суғурта маҳсулотлари истеъмолчиси бўлган миждоз билан ишончли мулоқотда бўлиш;

- суғурта маҳсулотларини сотиш.

Шундан келиб чиққан ҳолда суғурта маҳсулотларини сотиш технологиясини икки қисмга бўлиш мумкин:

- миждоз билан мулоқотни бошқариш;

- суғурта маҳсулотини сотиш даври ва ҳар босқичда самарали ҳаракатлар бўлиши лозим.

Миждоз билан ишончли мулоқотга киришиш кераклигининг суғурта полисларини сотиш жараёнидаги аҳамияти катта. Суғурта полислари истеъмолчиларига нисбатан тизимли ёндашувда, сотиш миждозининг аҳамиятига эга муаммоларини у учун манфаатли вариантда ҳал қилиш таклифи сифатида қаралади. Демак, сотиш жараёнида суғурта агенти ўз миждози тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши лозим. Аввало, агент унинг кўзга кўринарли муаммоларини аниқлаши керак. Сўнгра, миждознинг молиявий имкониятларини билиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, агент миждозга суғурта маҳсулотининг унинг учун фойдали жиҳатларини кўрсатиб бериши керак. Мазкур сотиш схемасига асосланиб ҳақиқатда юзага келадиган сотиш жараёни ҳақида фикр билдириш мумкин.

Рўнарамиздан чиққан ҳар қандай одамга суғурта маҳсулотларини сотиб олиш ҳақида гапириш ноўрин бўлар эди. Сотидан аввал агент миждозни ўз ишончига киришига қаратилган ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириши ва буниинг учун тегишли шарт-шароитлар яратиши шарт. Суғурта маҳсулотларини сотувчи агент миждоз билан алоқа ўрнатиши учун алоҳида

харакатлар қилиши талаб этилади. Чунки миждоз ҳам ўз навбатида сотувчи хақида махсус ахборотга эга бўлиши керак. Баён этилганлар миждоз билан битимга эришишда бирданига икки савдо мавжудлигини кўрсатапти. Авваламбор, суғурта полисларини сотувчи агент миждоз билан ишончли ва иждобий мулоқотларга киришиши, фақат шундан кейин суғурта хизматларини таклиф этиши зарур.

Жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган битимларнинг 70 фоиздан 95 фоизгача бўлган муваффақияти миждознинг қанчалик сотувчига ишонишига боғлиқ. Бу фикр сотиш бўйича олимларнинг кузатишларига асосланган. Суғурта махсулотлари сотувчисининг миждоз билан "шахсий алоқа"ни ўрнатиши ва бошқариши миждоз ҳамда сотувчи ўртасида ишончнинг юзага келганлигидан нишондир. Бу ҳолат суғурта агентида "ўзига хос" маҳорат мавжудлигини кўрсатади.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, сотиш жараёнидаги муваффақиятсизликни ҳам технология асосида тасаввур қилиш мумкин. Айрим ҳолларда суғурта полисларини сотувчилар миждоз билан ишончли ва яхши муносабатлар ўрнатишдан аввал ўз махсулотларини сота бошлайдилар. Бу сотувчи томонидан махсулотни сотишда технологик йўналиш бўйича тўғри ҳаракат қилмаганликнинг оқибатидир.

Шахсий феъл-атвор миждоз билан мулоқот ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Миждозларнинг феъл-атвори турлича бўлишига қарамай, уларни бирлаштирувчи умумий нормалар мавжуд. Суғурта агенти миждоз билан алоқа ўрнатишда айнан шу нормаларга таяниши мумкин.

Суғурта агенти миждоз билан ўзаро фойдали мулоқот ўрнатиш учун қуйидаги олтига муҳим омилни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим:

- ўзаро хайрихоҳлик. Бу сифат яхши иш муносабатларини ўрнатиш учун муҳим шарт ҳисобланади. Муруватлилик, манфаатларнинг умумийлиги хайрихоҳликни оширади.

- томонларнинг бир-бирига ҳурмати. Савдо муносабатлари мустақкам бўлишининг яна бир муҳим шarti бу ҳамкорларнинг бир-бирига бўлган ҳурматидир.

- томонларнинг бир-бирига ўзаро ишончи. Сотиш технологиясининг муваффақияти ҳамкорларининг бир-бирига ишончи ўзаро очикчилигида, виждонда, ҳулкининг «тиник»лигида, тартиблилигида ва ишончлилигида билинади.

- ўзаро тиришқоклик. Суғурта махсулотларини сотувчи сифатида агент ҳамма қуч-ғайратини миждоз билан яхши муомалада бўлишга қаратиши

лозим. Дарҳақиқат, миқозни қизиқтирмай туриб, агент умумий қўйилган мақсад йўлида ҳеч қандай ўзгариш қилолмайди. Таъбир жоиз бўлса, сўғурта агенти миқозга дўст бўлиши, бунинг устига унинг муаммоларини ечишга ёрдам бериши, унинг ҳар қандай истакларини бажаришга ҳаракат қилиши керак. Вазмиш ва босиқ бўлиш ҳамда камгапчилик савдо муносабатлари муваффақиятининг асосий ташкил этади. Шунингдек, сўғурта агентининг миқоз билан суҳбат олиб бориш маҳоратини, бир-бирларининг иш фаолиятига ўзаро қизиқишларини мослашувчанлик, олийжаноблилик ва мустакил бўлиш каби фазилатларни сотув жараёнида ижобий натижага эришишнинг зарур шартларидан бири сифатида таъкидлаш жоиз.

- сотувчи ва миқоз ўртасидаги муносабатларнинг жадаллиги. Шунга ёрдам чикармаслик керакки, ўзаро муносабатлар иккала томон бир-бири билан доимий мулоқотда бўлиб тургандагина яхшиланади. Агар сўғурта маҳсулотларини сотувчи агент миқозлар билан мунтазам яхши ва мустаҳкам алоқада бўлиб туриш имкониятини топа олмаса, у ҳолда ҳамма эътиборни ва ҳаракатларни катта даромад келтирувчи миқозларга қаратиши керак. Мутахассисларнинг маълум қилишича, сўғурта агенти бир пайтнинг ўзида бештадан ортиқ бўлмаган миқозлар билан ҳақиқатда яхши ва мустаҳкам алоқада бўла олади.

- пухта билимли бўлиш. Сўғурта агенти ўз компаниясини миқозга таништириш жараёнида унга компаниянинг эришган ютуқлари ва ижобий томонлари ҳақида сўз очади. Агар агент ўзини пухта билим эгаси қилиб кўрсата олмаса, миқоз билан бўладиган ҳамма яхши муносабатлари издан чиқади.

Шундай қилиб, сотувчи ва миқоз ўртасида қарор топган ўзаро ишонч, миқоз ҳақидаги муаммолар тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш, бу муаммоларнинг тўғри ечимини кўрсатиш, охир-оқибатда сўғурта маҳсулоти сотилишига шароит яратлади.

Сўғурта маҳсулотини сотиш даври “Сўғурта маҳсулотини сотилиш” жараёнининг технологик калити бўлиб ҳисобланади. Сотиш даври даганда шартнома доирасида сотилаётган хизматларнинг асосий босқичлари ва уларнинг узвий кетма-кетлиги тушунилади.

Сўғурта маҳсулотини сотувчининг тўла сотиш технологияларини ишлаб чиқишда сотиш даври муҳим аҳамият касб этади.

Сўғурта маҳсулотини сотиш даври: савдо қандай таркибга эга эканлигини ёки бошқача айтганда, “сотиш хизматлари” нималардан иборат, қутилаётган мақсад ва натижалар қандай бўлишига; иш режасини тузиш -

сотувнинг ҳар бир босқичида нима билан тугалланиши зарурлигини аниқлашга; ҳар бир босқичда сотишнинг қандай усул ва малакалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлашга имкон беради.

Сотиш бўйича ягона технология салоҳиятли миқозлар билан бўладиган кўпчилик учрашувларда қўлланилади. Сугурта маҳсулотларини сотиш технологияси агентнинг маҳоратида келиб чиққан ҳолда учрашувлар ўтказиш тактикаси, миқозлар билан у ёки бу мавзуда суҳбат кура олиш қобилияти билан фаркланади, ҳолос.

Сугурта маҳсулотларини сотиш даври куйидаги босқичлардан иборат: миқозни излаш; учрашув жойи ва вақтини белгилаш; сотувга тайёрлаш; сотувни амалга ошириш; миқозларга хизмат кўрсатиш.

Сотиш даври ҳар бир босқичининг муваффақиятли ўтиш технологияси сотишнинг ҳар бир даври босқичлари учун агент томонидан муайян кетма-кетлик асосида тузиб чиқилади. Ҳар бир босқичда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини пухта тузиб чиқмаганлик туфайли сотувчилар миқозлар билан ишлаётганда иш нима сабабдан издан чиқаётганлигини тўғри айтиб беролмай қоладилар. Гап шундаки, сотиш даври ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Савдонинг муваффақиятли якулланиши айнан мана шунга боғлиқдир. Дастлабки босқичнинг муваффақиятли ўтиши кейинги босқичга ўтиш имкониятини яратади. Сотиш даврининг ҳар бир босқичидаги технологик йўналишдан чекланишлар агент томонидан кўшимча куч сарфланишига, бинобарин сотувнинг кейинги босқичларида зўриқишга олиб келади.

Сотиш даври барча босқичлари ўзаро узвий боғланган бўлиб, бир-биридан ажралмаган ҳолда сотиш жараёни амалга ошади. Табиийки, кейинги босқичга ўтиш биринчи босқичга пукта қўйилганлигини аниқлатмайди. Ҳар бир янги босқич олдинги босқичдан келиб чиққан ҳолда амалга ошади. Сотиш даврининг навбатдаги босқичини муваффақиятли амалга ошиши аввалги босқич қанчалик муваффақиятли бажарилганлигига узвий боғлиқ ва бу кейинги босқичларда миқоз билан ишлаш учун қулайлик яратади. Аммо, ҳар бир сотиш даври ўзининг аниқ белгиланган чегаралари, бошланиш ва тугаш андозаларига эгадир.

Сотиш даври ҳар бир босқичига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Куйида сотиш даври босқичларига кетма-кетликда изоҳ бериб ўтилган.

а) Мижозни излаш. Суғурта агенти маҳсулотларни сотиш даври илк боскичини мижозни кидиришдан бошлайди. Ҳақиқий агент “мижозни излаш лозимлиги”ни англагандагина ўз вазифасини аъло даражада бажара олади.

Мобода агент, мижоз “ўз оёғи” билан келади ва маҳсулотни харид қилади деб фараз қилса, фарази ҳақиқатга яқин бўладими? Суғурта агенти мижозни кидиришдан олдин у ким билан муомаллада бўлиш кераклигини аниқлаб олиши зарур. Бу агентга мижознинг истикболига сотув нуктаи назаридан дастлабки баҳо бериш имкониятини яратади. Айрим мутахассислар мижозни кидириш ишларини “агентурани такомиллаштириш” деган маънода талқин қиладилар. Мижоз билан алоқага чиқишдан олдин албатта у тўғрисидаги дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш тавсия этилади. Бу мижоз билан тезда тил топишиш учун зарур.

Сотув жараёнининг кўп жиҳатдан муваффақиятли амалга ошиши суғурта агенти томонидан унинг олдиндан пухта режалаштирилганлигига боғлиқ. Эҳтимолдаги мижозлар базасини яратиш ва бошқариш мақсадида сотув жараёнини режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай базани ҳар бир суғурта агенти шакллантириши ва уни самарали бошқариши шарт. Бутун сотиш тизимида ижобий натижага эришиш мижозларни кидириш ишларини тўғри режалаштиришга чамбарчас боғлиқ.

Суғурта маҳсулотларини сотиш тизимининг энг муҳим воситаларидан бири мижозлар ҳақидаги маълумотлар базаси ҳисобланади. Агент мижозлар базаси билан мунгазам ишлаши, уни ривожлантириб ва тўлдириб бориши зарур. Суғурта агентларининг жисмоний шахслар билан ишлайдиган базаларида 500-1000 тагача реал мижозлар тўпланиши мумкин. Улар тўлайдиган суғурта мукофотлари миқдори ҳар хил бўлиши мумкин. Кам даромад келтирадиган мижозлар билан ишлаш жараёнидан кўп даромад келтирадиган мижозлар билан ишлаш жараёнига эътибор қаратиш суғурта агентининг базани маҳорат билан бошқаришини аниқлатади. Одатда, таҳминий мижозлар доираси яхшилаб ўрганиб чиқилгандан сўнг доимий мижозлар пайдо бўлади.

Таҳминий мижозларнинг икки тури мавжуд:

Бири эҳтимолдаги мижозлар - булар эҳтиёжлари аниқ, суғурта маҳсулотини сотиб олишга истаклари ва маблағлари бўладиган кишилар бўлса, иккинчи тоифадаги мижозлар аниқ қарорга келмаган, суғурта маҳсулотини сотиб олиш керакми ёки йўқми деган фикр билан юрган шахслардир. Турли тоифадаги бундай мижозлар суғурта агентининг мижозларни кидириш билан боғлиқ фаолиятида учраб туради.

Суғурта маҳсулотларини сотишда керак бўладиган қуйидаги маслаҳатлар суғурта агенти учун ниҳоятда муҳимдир.

Доимий мижозлар. Айрим агентлар мавжуд мижозлари сонини кўнайтириш, улар тўлайдиган суғурта мукофотлари ҳажмини, бинобарин, улардан келадиган даромадларни ошириш масаласига етарлича эътибор бермайдилар. Мижозлар агентни яхши танишса, агент эса уларни яқиндан билса, нима сабабдан, мижозга вақти ва пулини тежашни, унга қўшимча хизматларни таклиф қилиш мумкин эмас.

Шуниси диққатга сазоворки, суғурта агенти таниш мижозлар орқали бошқа мижозларга алоқага чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда таниш мижозлардан бошқа янги мижоз учун тавсиянома олиш зарур. Сир эмас, ҳамма мижозлар у ёки бу жойда ишлайдилар. Балки уларнинг ташкилотларида суғурта маҳсулотларини жон деб сотиб оладиган ва эҳтимолдаги мижоз бўла оладиган кишилар бордир. Агарда суғурта агенти ўз ишини маромига етказган ҳолда бажарса, мижозларига доимо ёрдам берса ва эҳтиёжларини қондириб бурса, улар ўз навбатида, агентга ёрдам беришдан хурсанд бўладилар ҳамда уни ўз яқинлари ва ҳамкасабаларига тавсия этадилар.

Савол туғилади. Эҳтимолдаги мижозлар хақида қандай йўшлар билан тавсиянома олиш мумкин. Ўз танишларидан қимга суғурта хизматларини таклиф қилиш мумкинлиги хақида ҳар доим ҳам маслаҳат сўраш енгил иш эмас. Ҳолбуки, агент буни одат тусига киритса, қанча маслаҳатлар берилганини ва эҳтимол уларнинг қай биридан фойдаланиш кераклигини билмай қолиши, табиий.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, тавсия этилган мижозларнинг 60-80 фоизигина суғурта маҳсулотларини сотиб оладилар. Тавсия этилган мижозлар мурожаат этган эҳтимолдаги мижозлардан кўра ўрта ҳисобда 23 фоиздан кўпроқ суғурта маҳсулотини харид қиладилар. Бунинг устига улар агентга бошқа мижозларни тўрт баравар кўпроқ тавсия этадилар. Шунини эътиборга олган ҳолда, суғурта агентларига ўз танишларидан шундай мижозларни тавсия қилишларини сўрашни таклиф этамиз.

Мижозлар сонини оширишда тавсияларни олиш самарали усул бўлиб ҳисобланади. Агент мижозлари сонининг кенгайиши ва сотиш ҳажмининг ошиши, айнан, тавсияномалар орқали амалга ошади. Суғурта агенти бу орқали аҳолининг маҳсулотни сотиб олиш имконияти бор қатламини топади ва улар билан сифатли иш олиб бориш учун керакли маълумот тўшлайди.

Суғурта маҳсулотларини сотиш технологиясининг мазкур қисми сотувчилар учун анча мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Аммо, унинг миқозлар базасини кенгайтиришдаги ўрнини ҳисобга оладиган бўлсак, тавсияномалар орқали иш олиб боришга ўтиш сотишдаги ёндашувга жиддий ўзгаришлар киритишни кун тартибига қўйиши намоён бўлади. Тавсияномалар орқали ишлаш миқоз билан учрашувга алоҳида тайёргарлик кўриш заруриятини келтириб чиқаради. Тавсияномалардан фойдаланиш оддий учрашувларга эмас, балки аниқ миқоз билан учрашувга тайёрланишга имкон яратади.

Қуйида суғурта агентига эҳтимолдаги миқоз учун берилиши мумкин бўлган тавсияномалардан мисоллар келтирилади:

- суғурта маҳсулотини сотиб олишга “йўқ” деб жавоб берган миқозлардан олинган тавсиялар. Агар миқозга суғурта агентининг хизматлари керак бўлмаса ёки уларга эгаллик қилишга қурбн етмаса, бу ҳали унда суғурта маҳсулотларини сотиб олиш имкониятига эга танишларининг мавжуд эмаслигини аниқламайди. Миқоз билан мулоқотда шундай вазият бўлиши мумкинки, миқоз суғурта шартномасини тузишдан бош тортади. Бундай ҳолатда агент шонмасдан, босиқлик ва кизиқиш билан шартномани тузмаслик сабабларини сўраши керак. Эҳтимол бу миқоз билан бўладиган кейинги учрашувларда вазиятни яхши томонга ўзгаришига сабаб бўлар. Миқоз билан яхши муносабатда қолишга ҳаракат қилиш зарур. Керакли тошнинг оғири бўлмаганидек, агентга ҳам бунинг ёмон томони йўқ. Агент ҳеч бўлмаганда кейинги эҳтимолдаги миқоз билан учрашувда асқотадиган ҳудосаларга келади.

- Обрўли, эл таниган шахслардан тавсиялар. Одатда, бошқаларга ўз маслаҳатларини бериб ёки ўзи гувоҳ бўлиб таъсирини ўтказадиган кишиларни обрўли, эл таниган шахслар, деб айтамыз. Агар суғурта агенти бундай инсонлар билан таниш бўлса, у ҳолда унинг нуфузи орқали янги миқозлар излашда фойдаланиши мумкин. Суғурта агентларининг амалий фаолиятида шунга ўхшаш вазиятлар учраб туради.

- Рақобатдаги агент ёки бошқалардан олинган тавсиялар. Суғурта соҳасидаги бошқа рақиблиарнинг қандайдир хатти-ҳаракатлари орқали суғурта агентига миқозларнинг келиши анчайин мушкул, аммо амалиётда бундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Бозорда ҳар бир суғурта компанияси ўз улушига эга ва бу улушлар бир-бириларига ҳалакит қилмасдан, балки суғурта маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади. Энг қизиғи, агент ўз рақобатчилари билан эҳтимолдаги миқозлар тўғрисида

ахборот алмашишга келишиб олиши ҳам мумкин. Иккинчи тарафдан эса, ҳеч қайси эхтимолдаги миждоз агент таклифлари ҳақида нотўғри ва тўдиқ ахборотга эга бўлиб бошқа рақобатчиларга ўтиб кетмасликларининг олдини олиш керак. Анча йилдан бери суғурта агентлари билан алоқада бўлган ва улардан ўз вақтида янги суғурта хизматларини ололмаган тажрибали миждозлар орасида бунга мойиллик сезилади. Шу боис, агент тегишли тошпирик шартномасини тузган суғурта ташкилоти билан доимо алоқада бўлиб, янги суғурта махсулотлари ишлаб чиқилганлиги билан кизиқиши шарт ва агар ишлаб чиқилган бўлса, уларни доимий миждозлар эътиборига етказиб туриш керак.

Суғурта агентлари имконият даражасида саноат уюшмалари кенгашларида иштирок этиши ва улардаги мавжуд маълумотномалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Агент фақат битта эмас, балки бир нечта шундай уюшмаларнинг йиғилишларида, турли хил кўргазмаларда катнашиши лозим. Шу орқали илож топиб, уюшма аъзоллигига кириб олиш ва салоҳиятли миждозлар билан мулоқот қилиш имконияти туғилади. Ҳеч бўлмаганда, мазкур кенгашларда катнашган ўрта ҳисобда ўнта кишидан биттаси билан мулоқот қилиш мумкин.

Уюшмада суғурта махсулотлари билан кизикаётган шахсларни топиш ва улар билан танишиш катта аҳамиятга эга. Бунда уюшма фаолиятига оид маълумотномалардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Суғурта агентидан уюшма аъзоларининг манзиллари рўйхатини олиш имконияти туғилади ва улар миждозлар базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Суғурта агенти учун миждозларни кидириб топишнинг яна бир йўли савдо палаталари ҳисобланади. Одатда, палата аъзолари айрим муаммоларни ҳал этиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида тез-тез учрашиб турадилар ҳамда турли тадбирларни ташкил этадилар. Аксарият савдо палаталари ўзларининг иш фаолиятини ёритувчи ахборот бюллетенлари ва маълумотномалар чоп этадилар. Суғурта агентига бундай бюллетен ва маълумотномалар нима учун керак? Янги миждозлар кидириб топиш нуктаи назаридан бундай маълумотномалар ва бюллетенлар билан танишиб чиқиш фойдалан холи эмас.

Суғурта агентининг савдо палаталарининг бошқарув идоралари ва кўмиталаридаги фаол иш жараёни билан аτροφлича танишиши нафақат унинг дунёқарашини кенгайтиришга, балки миждозлар билан мулоқотда бўлиш кўникмасини бойитишга асос бўлади.

Суғурта агенти оммавий ахборот воситалари, хусусан, газеталар, журналлар ва соҳавий кундалик нашрлар орқали ҳам эҳтимолдаги мижозлар хақида тавсиялар олиши мумкин. Айниқса, газеталарда йирик корхона ва ташкилотлар тўғрисида лавҳалар бериб борилади. Албатта, бу ҳолат агентга мижозлар хақида тавсиялар олиш учун ишончли манбадир. Энг муҳими, агент газеталарда чоп этилган эълон ва рекламаларга эътиборини қаратиши лозим. Зотан, реклама ва эълонлар воситасида ҳам эҳтимолдаги мижозлар хақида етарли маълумотлар олиш мумкин.

Бундан ташқари, телефонлар рўйхати келтирилган маълумотномалардан ҳам суғурта махсулотларига эҳтиёжи бўлган мижозларни топиш мумкин.

Суғурта агентларига мижозларни кидириб топишда дўстлар ва танишлар томонидан берилган тавсияларнинг ўрни катта. Дўстларингиз ва қариндошларингиз Сизни суғурта компаниясида ишлаётганингиздан хабардор бўлишлари зарур. Бир аёл, суғурта агенти, ўз қўшниларига ўзини молия соҳасида мутахассис деб таништирган эди, чунки у ўз касби, суғурта агенти бўлганидан уялар эди. Лекин гапдан гап чиқиб, қўшниси “Мен hozirгина ўз ҳаётимни миллион долларга суғурталадим”, - деб қолди. Унинг юраги шув этиб кетди ва “Нима учун менинг хизматларимдан фойдаланмадингиз?”, - деб сўради. У эса “Мен сизни молиячи деб ўйлар эдим”, - жавоб берди қўшни аёл, - сиз ҳаёт суғуртаси билан шуғулланишингизни билмаган эдим” - деган экан.

Дўстларингиз ва қариндошларингиз сизнинг хизматларингиздан фойдаланишлари мумкин. Сиз шундай деб ҳисобласангиз, уларнинг ўзларидан сўрашга уялманг. Лекин ҳаддан ташқари қатъиятли бўлиш керак эмас. Бирор нимани сотиб олишга мажбур қилинса ҳеч кимга ёқмайди. Сизнинг дўстларингиз ёки қариндошларингизга хизматларингиз керак бўлмаса ҳам, улар хизматларингиз кимга керак бўлишини билишлари мумкин.

Сотув тизимида алоҳида диққат мижоз билан учрашув жойини белгилашга қаратилади. Сотув даврининг шу босқичида сотувчилар учун энг катта қийинчиликни мижозни учрашувга “жалб қилиш” ташкил этади. Бунинг учун у томонидан кўрсатилган турли хил қаршиликларга дош бериш керак.

Учрашувлар бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Савдо қилишда қўшнча бирламчи учрашувни қилиш/белгилаш телефон орқали ўтади. Шундай қилиб, Сиз телефонда боғланиш технологиясига эга бўлишингиз

керак. Шунинг учун Сиз телефон музокаралари этикасига диққатни қаратишингиз лозим.

Учрашувни белгилаш даврида эҳтимолдаги мижоздан ўз иш қундалигига Сизнинг исмингизни ёзиб қўйишни илтимос қилинг. Шу тарика учрашув ҳақидаги келишув мажбурият хусусиятини олади. Ҳафта кунини ва санасини аниқланг - кўпинча учрашув ҳақида келишаётганлар ҳар хил ҳафталарни назарда тутишади. Вақт, сана ва манзилни аниқланг.

Учрашув давомида ўзингизни тутиш ёки хизмат кўрсатиш, учрашувни белгилашда муҳим роль ўйнайди. Тизимнинг бу қисми Сизга савдо битимига эришиш йўлидаги оралик ҳулосалар келтириб чиқаришга имкон яратади.

Ҳеч бир сотувчи харидор билан мунозаралар столига қутилаётган суҳбатга пухта тайёргарлик кўрмасдан ўтириши керак эмас. Фақат олдиндан иш натижасининг барча мумкин бўлган вариантларини ўйлаб чиқиб, ўз таклифининг барча ютуқ ва камчиликларини баҳолаб, харидор таклиф қилаётган барча шароитларни таҳлил қилиб, битимга келишиш ва ишни битириш мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, мунозараларни учрашувдан олдин ва уларда иштирок этаётган томонларнинг ўзаро вазиятларни муҳокама қилишдан олдин бошлаш керак. Иш мунозаралари натижаси кўпгина омилларга, шунингдек, тайёргарлигингиз даражасига боғлиқ. Энг яхши натижаларга барча шароитларни пухтарок ўйлаб чиққан ва ҳисобга олган одамгина эришади.

Сотувга тайёргарлик босқичи икки муҳим таркибий қисмлардан иборат: эксперт тайёргарлик ва сотиш бўйича мутахассис имижини лойиҳалаштириш.

Эксперт тайёргарликка сотувчининг маълум бир мижоз билан ишлашга тайёрлиги, шунингдек, суғурта соҳасида махсус билимлар, суғурта компанияси ишончлилиги аргументлари, мижоз учун суғурта дастурларининг олдиндан бўлган вариантлари қиради.

Сотувлар бўйича мутахассис имижини лойиҳалаштиришни Сиз маълум бир мижоз билан ишлашга психологик ёндашишдан бошлайсиз. Бу ерда шахсий чекланмалар қузатилиб, олиб ташланади. Тўғри ўтказилган автотренинг натижасида Сиз ютуққа ишонч, сотишга қизиқиш, ушбу маълум бир мижоз билан ишлашга хоҳиш ва ҳоказо сезишингиз керак.

Имижни лойиҳалаштиришда шунингдек, савдо мутахассисининг ташқи кўриниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Танишувнинг илк дақиқаларида 90 фоиз ахборотни суҳбатдошингиз Сизнинг ташқи кўринишингиздан олади. Сиз

инсон билан кўринганингизда, унинг сиз ҳақингиздаги таассуротлари сизнинг кийинишингиз, ташқи кўринишингиз, ҳаракатларингиз ва сўзлашишингизга асосланади. Маълум бўлишича, кийинишга қараб баҳо берилади. Шунинг учун ишга алоқадор учрашувга тайёрлана туриб, ташқи кўринишингизга алоҳида эътибор беринг. Учрашув вақти ва белгиланган жойига ҳамда характериға қараб кийимбош танланг.

Авваламбор, кийимингиз тоза, дазмолланган ҳамда об-ҳавога мос туриши керак. Уст-бошингизнинг озодалиги ва саришталиги, сизнинг миждозингизни иш лавомида ҳам шундай эҳтишга ишонтириши керак. Агар сиз расмий учрашувга тайёрланаётган бўлсангиз, сизнинг костюмингиз кўзга ташланмайдиган рангда, содда ва бежирим бўлиши керак. Ранг – баранг, бачкана костюм тавсия этилмайди!

Шундай қилиб, сотувчининг ташқи кўриниши қуйидаги параметрларга мос туриши керак:

- саришта, озода кийим, чиройли турмақланган соч ва ҳоказо;
- камтарлик, нозик дидлик, меъёр даражасини билиш;
- аёллар учун қатта тақичоқлар, мини юбка, ёпишиб турадиган,

харир матоли кийимлар (буларнинг ҳаммаси суҳбатдошингизнинг диққатини тортади, суҳбатдан қалғитади) тавсия қилинмайди.

Бир сўзлик бўлиш, учрашувларга кеч қолманг, сизнинг ҳар бир кеч қолишингиз миждозингизга сизнинг ишга даъқатсиз эҳтишгингизни билдиради.

Сўзсиз, сиз ўзингизнинг ташқи кўринишингизга алоҳида эътибор беришингиз керак, бироқ овоз оҳангингиз ва фикрингизни тўлиқ ва аниқ еткази олишингиз ҳам жуда муҳим. Шунинг учун сиз суғурга хизмати сотувчиси сифатида қуйида кўрсатиб ўтилган тавсияларга эътибор беришингиз керак. Бу тавсияларга мулоқот вақтида риоя қилишингиз керак.

Сиз мулоқотга тайёрланиш босқичида:

- мулоқотдан исталган яқиний мақсадни аниқлаб олиш;
- мулоқот вақтида қўлланиладиган услубларни аниқлаб олиш;
- мулоқот олиб боришни мақсад ва услубларини чегаралаб олиш;
- ҳеч нарса йўқотмасдан, сиз рози бўлган ҳолда, имконият даражасида бериладиган имтиёзни белгилаб олиш;
- аргументлар ва аке аргументларни тайёрлаб олиш;
- мулоқот самарасиз бўлган ҳолатда бошқа хил вариантларни тайёрлаб олиш (таклифлар).

• мулоқот ва унинг якуний натижасига қараб қарор қабул қилишга руҳий тайёргарлик (шунингдек, мулоқотнинг шартлари сизни қониқтирмаса, уни тўхтатиш).

Тайёргарлик давомида қуйидаги олти йўналишни эътиборга олишингиз шарт:

1. Учрашув ўтказиш сценарийсини тузиш, шунингдек: учрашув қатнашчиларини аниқлаш; учрашув ўтказиладиган жой ва давомийлигини аниқлаш; талаб қилинадиган реқвизит – ҳужжатлар, материаллар ҳамда уларни намоёниш этиладиган асбоб-ускуналар ва ҳоказо.

2. Маъруза қилинадиган матннинг ўзга кўриниши ёки умумий режаси.

3. Учрашув мавзуси ва бошқа зарур ҳамда фойдали маълумотлар бўйича тезкор маълумотлар йиғиш.

4. Йиғилган материалларни тизимлаштириш ва қайта ишлов бериш.

5. Сухбатдош бериши мумкин бўлган саволларга жавоб тайёрлаш.

6. Сухбатнинг ривожланиш вариантлари устида ишлаш ва ҳар бир кўриб чиқилган вариантларга мос қарор қабул қилишга тайёрланиш.

Шу билан бирга, савдога зарур бўлган маълумотларни йиғиш керак. Бунда Сиз шу мақсадда атайлаб тузилган сўров варақаларидан фойдаланишингиз мумкин. Қуйида шундай сўров варақаларидан намуна келтирилган.

• Расмий маълумотлар: Сиз ҳамкорлик қилмоқчи бўлган компаниянинг юридик манзилини аниқланг, зарур телефон ва факс рақамини ҳамда электрон почта манзилини ҳам аниқланг. Сиз бевосита алоқа қиладиган шахсларнинг исм фамилиясини албатта аниқланг. Бу ишчиларнинг қотиба ёки ёрдамчиларнинг исмларини, уларнинг телефон рақамларини, электрон почта манзилларини аниқланг. Бу маълумот сиз билан мулоқотда бўлган шахс йўқ бўлган ҳаётда зарур саволни ҳал қилишга ёрдам беради. Ташкилот ёки компания раҳбари номига Сизнинг суғурта соҳасидаги тақлифларингизни юборинг. Сизнинг тақлифларингиз қанчалик содда ифода этилган бўлса, мижозингиз ҳам шунчалик тез уни қабул қилиши мумкинлигини назарда тутинг.

• Сиз ҳамкорлик қиладиган шахснинг бу компанияда қарор қабул қилишга қанчалик ҳақли ёки ҳақсиз эканлигини иложи борица, тезроқ аниқланг. Айниқса, бу шахс умуман қарор қабул қилишга қодирми ёки ҳақлими эканлигини аниқланг. Яна қайси ишчилар бу масалага жалб этилган, улар ўзлари қарор қабул қилишга ҳақлимилар ёки жамоат билан масалани ҳал қилишлари шартми, буни ҳам аниқланг.

- Компаниядаги қайси ишчи сиз қабул қилган қарорга ўз таъсирини ўткази олиши мумкинлигини албатта аниқланг.

- Мижозингизда бошқа суғурта компаниялар билан ҳамкорлик тажрибаси бор-йўқлигини билинг.

Сотиш мижознинг суғурта маҳсулоти ёрдамида ечиладиган муаммолари асосида қурилади. Бунинг учун сотиш мобайнида (сотувдан олдин билиш унданда самаралироқ бўлади) мижознинг кизиқишлари/муаммолари/орзуларини билиб олишимиз керак. Одатда бу эътирозлар билан ишлаш ёки асосан компания ишончилиги тўғрисида қўшимча маълумот бериш ва ҳоказолар билан ўтади. Агар сотувчи таклиф қилаётган ечимлар вариантлари мижозни моддий жиҳатдан қовийтирсин ва унга суҳбатни қандай олиб бораётганингиз ёқаётган бўлса, битим якуний босқичга ўтади. Мижоз сотиб олган маҳсулотдан келган манфаатлардан фойда кўради, Сиз эса ўз пулингизни ишлайсиз.

Сотувчи ўтказиш тизимида 3 асосий технологик жараён фарқланади:

А-савдо интервьюси/такдимот;

Б- эътирозларни бошқариш;

В- битимни якунлаш.

А. Савдо суҳбати/такдимот (ўзининг, компаниянинг, маҳсулотлар/хизматларнинг)

Ушбу жараённинг асосий вазифаси-бу мижознинг муаммолари диагностикаси ва уларнинг ечим вариантларини таклиф қилишдан иборатдир

Одатда бу жараён такдимот - маҳсулот, хизматлар ёки компаниянинг аниқ хусусиятларининг таклифи дейилади.

Такдимотнинг мақсади - компания таклиф қилаётган маҳсулотлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш.

Музокаралар олиб бориш - бу санъат эмас, балки илмдир, демак музокаралар олиб бориш техникасини ўрганиш мумкин ва зарур. Қандай қилиб? Хизмат доирасида музокаралар олиб борадиган кўпгина одамлар нафақат масъулиятли битимларни “бузиш”, балки баъзи ҳолларда ўз иш фаолиятига путур етказиш имкониятини туғдириб ҳам синов ва хатолар усули билан ўрганадилар. Ҳар бир инсон қандай йўллар билан илм олишни ўзи танлашга ҳақли.

Сугурта маҳсулотини сотиш мобайнида миждозлар билан мунозаралар олиб боришда ютукка эришиш имкониятларингизни ошириши мумкин бўлган куйидаги тавсияларга риоя қилиш керак:

- Агар сизнинг суҳбатингиз остонада бошланган бўлса, салом-алиқ қилинг, лекин муҳим саволларга ўтишни столга ўтирмасдан бошланг. Агарда миждоз сизга жой беришга шошилмаётган бўлса, сиз бу суҳбатни юзакидек қабул қилаётганингизни ва иш мазмунига фақат жиддий ҳолатда ўтишингиз мумкинлигини билдириг. Бунда сиз куйидагича: “Биз сиз билан буни кейинроқ муҳокама қиламиз...” иборасини ишлатинг.

- Ўзингизни оғир-вазмин тутинг. Мисол учун, учрашув тўғрисида келишаётганингизда, куйидагича ибораларни ишлатманг: “Икки дақиқага учрашишимиз мумкинми” ёки “Мен ташкилотингизга беш дақиқага кириб чиқмокчи эдим”. Агар Сизнинг таширингиз ярим соатдан ортик вақтни олишини билсангиз, миждозга буни тўғридан-тўғри: “Мен Сиз билан сизга қулай вақтда учрашиш тўғрисида келишиб олмакчи эдим. Бизнинг хизматларимиз тақдироти тахминан ярим соат вақтни олади”, - деб айтиг.

- Суҳбат бошидан орадаги ноқулайликни бартараф этишга ҳаракат қилинг, миждозингизга бўлган ҳурматингизни намоён қилинг, битимингизни ҳамкорликдан фойда олишга қаратилган сизнинг ўзаро ҳаракатингиз деб баҳоланг. Қилишув аввалидаги сиёсат, иқтисодий аҳвол, об-ҳаво ҳақидаги қисқа суҳбат, одамларнинг кейинги мулоқотини таъминлайди ва келажакдаги ҳамкорликка тайёрлайди.

- Ҳеч қачон савдо-сотикка доир суҳбатни “Уэр, сизни безовта қилдим” ёки “кечирасиз, вақтингизни олдим” деган узрли иборалар билан бошланг. Бу иборалар сотувчини камситади, ўзига ишончини камайтиради. Суҳбатни пинҳона бошланг. Савдо-сотик суҳбатининг энг асосий бошланиш қисми – бу ўзингизни таништиришингиз. Ўз исмиингизни икки марта эслатиб ўтиш маданиятли ҳисобланади: “Менинг фамилиям Содиков, Содиков Сарвар Турсунович. Мен сугурта компаниясида сугурта агенти бўлиб ишлайман”. Одамларни бу янгиликларни психологик қабул қилишидан келиб чиққан ҳолда, бирданига кўп ва сифатли маълумотлар бериб юборманг. Эҳтимолдаги миждознинг қизиқишларига бошидан ургу беришга, сугурта ҳимоясининг ютуқларини таъкидлаб ўтишга ҳаракат қилинг. Ҳеч қачон суҳбатни хизматнинг нархини эслатишдан бошланг.

- Миждозга тўла диққатни қаратинг. Бу, авваламбор, юзма-юз мулоқот ва очиклик ҳолати демакдир. Диққатни хонадаги аниқ нарсаларга қаратмасликка ёки ойнага қарамасликка ҳаракат қилинг. Ўз қоғозларингизни

варакламасликка ҳаракат қилинг. Аксинча, миқозга ўз диққатингизни ҳужжатларингиз, портфелингизни четга суриб қўйиш билан, ёки уларни умуман столдан олиб қўйиш билан намойиш қилинг.

Очик ҳолат дейилганда, оёқни-оёқка чирмаштирмаслик, креслога ётиб олмаслик, қўлни ковуштирмаслик, гавдани тик тутиб стулда тўғри ҳолатда ўтириш, суҳбат кетаётганда оёқни лиқиллатмаслик ва умуман одам танасига дам бағишлайдиган ҳолатларда ўтирмаслик тушунилади. Аксинча, оёқ ҳолатини ўзгартириб, харидорга эътибор билан олдига интилгандай бўлинг. Агар Сиз харидор мулоҳазаларига қўшилсангиз, албатта, розилик ишораларини намойиш этинг (“ха”, “албатта”, “тўғри” ва ҳоказо). Суҳбатдошингизнинг салбий шарҳларига қарши жавоб кайтармасликка ҳаракат қилинг.

- Миқозни, биринчидан, унинг муаммоларини, эҳтиёжларини, хоҳишларини ва максалларини тушуниш, иккинчидан, миқоз гапларига жавоб берадиган даражада бўлиш учун унинг гагини бўлмасдан ва ўрнили сабабларсиз унинг ибораларини шарҳламадан диққат билан тингланг, шу йўл билан харид фойдасига бўлган ўз фикрларингизни керакли жойда ишлатинг.

- Агар миқоз ўзини расмий тутса, ўзингизни норасмий тутманг - бу битимни тузишга бўлган муносабат жиддий эмас деб баҳоланади.

- Агар миқоз норасмий муомалада бўлса, ўзингизни оддийроқ тутинг, суҳбатда миқоз учун оддий бўлган ибораларни ишлатинг.

- Суҳбатдошингиз фикрини инкор қилманг. Суҳбат фақатгина тинглашни меъёрига еткази олганингизда самарали бўлади. Агарда суҳбатдош гаплари назарга олинмаса, унинг сўзларига диққат билан қаралмаса, натижа пасайиб кетади.

- Қайтадан иборалашга йўл қўйманг, чунки бунда ургулар ўзгача қўйилиб, фикр бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

- Мунозаралар ўтишига сизнинг эмоционал ҳолатингиз таъсир қилишига йўл қўйманг. Рухсат этилган чегаралардан ўтманг: овозингизни баланд кўтарманг, сабрсизлик қилманг ва ҳоказо. Акс ҳолда, сиз суҳбатингизни охиригача олиб бора олмайсиз ва битимни тузиш имкониятини қўлдан бой берасиз.

- Мунозаралар давомида енгил хангоманинг мавжудлиги “ҳолатни юмшатишга” ёрдам беради. Иложи бор бўлса, суҳбат давомида миқозга қизиқ бўлган бошқа мавзу топинг ва обрўли компанияда ўқимишли ҳамда

олий маълумотли одамлар ишлайди деган тезисни таъкидлаб, умумий кенг дунёқарашингизни кўрсатинг.

- Мижоз талабларини тўлиқлигича тушуниб олинг. Агар ўз мижозингизга бирданига қатта миқдорда сугурта маҳсулотларини таклиф қилсангиз, уни ваҳимага солиб қўйишингиз мумкин. Шунинг учун сиз мижознинг заруриятлари ва талабларини ўзингиз учун аниқлаб олишингиз ва ундан кейин суҳбат давомида қайси маҳсулотга диққатни ошириш кераклигини билишингиз керак. Биринчи харид муваффақиятли ўтган бўлсагина, мижоз талабларига тўғри келадиган бошқа сугурта маҳсулотларини таклиф қилиш мумкин. Унга босим кўрсатманг, ўз фикрига мустақил равишда қелиши учун ёрдам беринг - шунда мижозда битимни тузишга уни сиз мажбур қилгансиз деган таассурот бўлмайди.

- Сугуртани эмас, ундан келиб чиқадиган фойдани сотинг. Ҳамма сугурта хизматларини сотади, сиз эса улардан қутиладиган фойда ва манфаатларни сотишга уриниб кўринг. Ўйлаб кўринг, сизнинг Компаниянгиз сугурта маҳсулоти бошқа сугурталовчиларнинг шунга ўхшаган сугурта маҳсулотларидан нимаси билан фарқ қилади. Мижозда тузилган шартномадан ютуқ ва қониқиш ҳиссини шакллантиринг. Сиз фақат мижозга зарур бўлган, шунинг учун у хоҳлаётган сугурта маҳсулотларини сотишингиз мумкин.

Ёдингизда тутинг, сиз - ўз компаниянгиз корпоратив маданиятининг намунасиз.

Сотувчи компания номидан сугурталовчилар ва потенциал мижозлар муносабатларида вакилик вазифасини бажаради. Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари сугурта хизматларининг маълум бир сотувчиси билан бўлган учрашувлар ва иш муносабатлари таассуротларидан сугурта компанияси тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Агарда сиз уюшқоқ бўлмасангиз, мулоқот давомида ёмон таассурот қолдирган бўлсангиз, қелишилган битимларни бажаришда ҳушмуомаласизлик ва масъулиятсизлик кўрсатган бўлсангиз, мижоз умуман компания тўғрисида ҳам, унинг барча ходимлари тўғрисида ҳам тегишли салбий ҳулосалар чиқариши мумкин.

Компания фаолиятини қисқа изоҳлаб бериш зарур. Ўз компаниянгиз бутун ташкилий тизимини яхшилаб ўрганиб чиқинг, у тўғрисида, унинг бошқа сугурта компаниялари рейтингидagi ўрни ва бошқа сугурталовчиларга нисбатан бўлган афзалликлари тўғрисида гапириб беришга тайёр бўлинг. Ўз

сўзларингизга асослар ва далиллар келтиринг. Иложи борича ҳамда керакки материалларни ишлатинг (нашрлар, реклама материаллари ва ҳоказо).

Сизнинг суғурта маҳсулотларингиз тақдимотини ўтказиш тақдимотнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Маҳсулот тақдимотини шундай тайёрлангки, таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлардан харидорда яхши таассурот шакллانسин. Тақдимот материалларини чиройли ва ишонarli тайёрланг, таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари хусусиятлари ҳамда жиҳатларига тегишли маълумотни яхшилаб ёдлаб олинг. Ўз тақдимотингизни шундай ташкил қилингки, барча пайдо бўлиши мумкин бўлган саволлар ва эътирозлар ҳисобга олинсин ва Сизнинг далилларингиз содда ҳамда мантикий бўлсин, ўз чиқингиз кетма-кетлигини яхшилаб ўйлаб чиқинг.

Шундай қилингки, мижоз кутилаётган битимга кизикишни ўзи кўрсатсин. Бу реклама, ушбу маҳсулот ёки хизмат харидор эҳтиёжларини қандай қондириши тўғрисида суҳбат, бу мижознинг қарорига ижобий таъсир эта оладиган унинг ҳамкасблари билан ишлаш.

Ёдда тутинг: Сизнинг суҳбатдошингизни фақатгина хизматингиз хусусиятлари эмас, балки улардан келиб чиқадиган фойда ёки даромад кизиктиради. Мижоз кизикишларидан келиб чиқинг!

Қуйидагича ифодаларни ишлатинг:

“Бу Сизгани таъминлайди...”. “Бу Сиз учун энг яхши имконият...”. “Бу Сизгаберади...”. “Бу Сиз оласиз, дегани...”. “Шундай қилиб, Сиз қила оласиз...”.

Шу билан бирга, шуни ҳисобга олиш керакки, агарда Сиз материаллардан: макетлар, схемалар, жадваллардан - ўз суғурта хизматларингиз тақдимоти давомида фойдаланмоқчи бўлсангиз, ёдда тутинг, улар мижозингиз шу материалларда нима тасвирланганини тушуниши учун, тўлиқ ва шу билан бирга, содда бўлиши керак.

Ёдда тутинг: Тақдимот 15 дақиқадан ошмаслиги керак. Жуда чўзилиб кетган чиқинш мижоз диққатини қалғитиб юборади ва уни зериктириб қўяди.

Агар суҳбатдан кейин ёки суғурта хизматларингиз тақдимотидан кейин мижоз айтган гапларингизнинг фақатгина 10 фоизини эслаб қолса, демак, унга сизнинг тилингиз тушунарсиз, шунинг учун у сизнинг суғурта маҳсулотингизни сотиб олмайди.

Сизнинг тақдимотингиз шундай қилиб ташкил этилган бўлиши керакки, мижоз барча бўлиб ўтаётган нарсаларни тушуниши ва харидорга маълумотни етказиш тизимини енгиллаштириши керак. Ижтимоий

таджикотлар худосалари шунинг кўрсатадики, эҳтимолдаги мижозга бўлган тақлифингиз канчалик дўнда кўринишга эга бўлса, у шу тақлифингизни шунчалик хоҳиш билан қабул қилади.

Эътирозларни бошқариш технологияси бу савдо жараёнида мижоз қаршиликларига олдиндан тайёр туриб, керак бўлса, шу эътирозларни устун қўйиш, шу билан бирга, масала моҳиятини тушултиришдан иборатдир.

Асосан эътирозлар мижоз тўда маълумотга эга бўлмаганидиган келиб чиқади. Аслида, бу каби эътирозлар мулоқотни давом эттиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Эътирозлар молиявий ечим учун бўлган қимматли ёки рағбатлантирувчи сабабларни ўз ичига қамраб олади. Мижоз бу эътирозлар орқали: масалани ҳал этиш учун “Менга керакли маълумот йўқ! Менга шу маълумотни етказинг!” - дегандай бўлади. Аслида, мижоз ўз манфаатдорлигини ёки маҳсулотни сотиб олиш қийматини тан олади, лекин мижоз учун бу етарли эмасдай бўлади. Кўпинча сотувчилар мижознинг сўрамоқчи бўлган ёрдамни инкор этадилар ва баҳс учун умуман асос йўқлигига қарамай, мижоз билан тортишадилар!

Эътирозлар билан ишлашнинг асосий вазифаси, мижоз ўз масала ечимини топиши учун ўша қўшимча маълумотни етказиб беришдир.

Малаканинг ошгани сари эътирозларни бошқариш сиз учун одатий жараёнга айланади, негаки мижоз қачон, қандай эътироз билдиришини ва унга қандай жавоб қайтаришингизни олдиндан биласиз.

Мижознинг суҳбат йўсинини қийинлаштирадиган, баъзан ҳатто салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган эътирозлари, талбхлари ва бошқа далилларни нафакат бетарафлаштириш, балки ўз фойдасига ҳал қилиш учун нима қилиш лозим? Бунинг учун суғурта хизматлари сотувчиси сифатида сиз ўз иш амалиётингизда қуйидаги қоидаларга амал қилишингиз керак бўлади:

1-Қоида: Суғурта хизматингиз ҳақида мижозга оз вақт ичида кўп маълумот бериш мақсадида жуда тез гапирманг. Бундай ҳолатда мижоз гапиришга ҳам имкон тополмайди, шунинг учун у хоҳламаган равишда, эътироз билдириш орқали сизнинг диққатингизни тортишга уринади. Яъни: тез гапирманг, кўп гапирманг, тақлиф ва мулоҳазаларингизни бир жойга жамламанг.

2-Қоида: Мижоз эътирозларини жиддий қабул қилиш кераклигини билишимиз шарт. Мижоз изоҳларига сиз қанчалик эътибор берсангиз, кейинчалик унинг сизга шунчалик ён босиши эҳтимолли ошади, яъни мижозни сиз муҳим харидор деб билсангиз, у сизга нисбатан психологик

жихатдан ишонч ҳосил қилади, шундай экан, сиз харидорнинг ҳар бир сўзига эътиборингизни қаратишингиз керак.

3-Қоида: Рақобатдаги сугурта компаниялар маҳсулотларини: хизмат кўрсатиш суръати, қимматлиги ва ҳоказоларни айтиб, танқид қилманг, бундай ҳолатда сиз миқозга ҳолис ҳакам бўла олмаслигингизни тушунасиз, албатта. Шунинг учун сиз бошқа сугурта компаниялари шаънига бўлган гап-сўзлардан ҳолис бўлганингиз маъқул. Хаттоки сиз миқоз олдида рақобатдаги компания хизматларини мактаб ўтишингиз ҳам мумкин, у ҳолда сиз миқоз олдида мустақил ва адолатли бўласиз, харидор эса ўз навбатида, керакли одамга мурожаат қилганига тўла ишонч ҳосил қилади.

4-Қоида: Сиз миқозда барча нарсалар ҳақида ўзгалардан кўра кўпроқ ва яхшироқ биламан деган таассурот қолдиришга ҳаракат қилманг. Миқоз билан бўлган мулоқотда бу энг кўпол ҳатодир.

Ҳеч қачон эътирозга эътироз билдирманг. Бу мулоқотда жавоб агрессияни келтириб чиқаради. Ҳис-туйғулар эмас, балки мантлик орқали ишонтиришга ҳаракат қилинг.

Шуни эсда тутингки, миқоз эътироз қилишни давом эттирар экан, у сизнинг хизматларингиздан манфаатдор ва шунинг учун у сизнинг эҳтимолдаги миқозингиз бўлиб қолади.

В. Қелишувнинг якуни

Қелишувнинг якуни - сотишнинг энг мураккаб қисмларидан биридир. Бу давр ўз ичига, миқоз муаммоларининг аниқ ечимини топиш, ҳужжат беағи ва полисинг тўлов шаклини олади.

Қелишув якуни сотувчининг асосий босқичи ҳисобланади. Бунда, қелишув бўйича қилган ишларингизга якун ясаллади.

Бу босқич асосан, миқозга шу ерда ва шу вақтда қарор қабул қилишига қўмақлаштишга йўналтирилган.

Айнан шу босқичда сотувчининг миқозга қаратилганлик тамойили ўзига хос маънони касб этади. Негаки, миқоз худк-атворини аниқ бошқариши шарт, шу билан бирга, миқозда уни қелишувни амалга оширишда қуч билан мажбур қилаётгандек, салбий ҳис-туйғу бўлиши керак эмас. Бу босқич тажрибали сотувчиларда ҳам, янги сотувчиларда ҳам қўпгина қийинчиликлар туғдиради. Гап шундаки, бу ерда алоҳида қатъийликни намойиш қила олиш керак. Бу миқозни Сизнинг

дастурингиз/махсулотингиз фойдасидан бахраманд бўлиш мумкинлигига ишонтириш учун керак.

Тажрибасиз сотувчилар мижозга нисбатан тиришқок бўлиши кийин. Сугурта полиси сотувчилар сотув жараёнида мижозга ёкмайдиган ёки уни кизиктирмайдиган нарсаларни таклиф қилиб ёки ўз ишини мижозга юклаб, омадсизликларга дуч келадилар. Бу каби ўз касбига тўғри келмайдиган ҳаракатларнинг олдини олиш учун, келишувни тузиш услубларини қўллаш зарур, улар ўз навбатида бу босқич сотиш даврининг самарали асосини ташкил қилади: Такдимотни қачон тугатиш кераклигини аниқ билинг. Бу босқич асосан, мижозга шу ерда ва шу вақтда қарор қабул қилишга қўмаклашишга йўналтирилган:

- Маълумки, бунинг учун энг яхши пайт-мижоз томонидан сугурта махсулотини сотиб олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишдир. Лекин агар музокара чўзилиб кетса, ҳамон эътирозлар сақланиб қолса, келишган ва келишмаган бандларни белгилаб олинг. Шундан сўнг келишилмаган муаммоларнинг ечимини топишга бор кучингизни аямаслигини айтиб, у мижоз билан мулоимгина хайрлашинг.

- Кўрсатилган хизмат мижозга ёкмай қолиши мумкинлигига тайёр туринг. Шунга эътиборингизни қилинг: мижозга полисини сотиб олишга мажбур қилиб уни бутунлай йўқотишдан кўра, талаб этилган махсулот камчиликларни тўлдириб (агар иложи бўлса), мижозга қайтиш (ёки мижозни қайтариш) афзал.

Ҳар бир инсон танлаш ҳуқуқига эга. Агар сўхбатдошингиз сизнинг таклифларингиздан воз кечса, бу ҳар доим ҳам сизнинг хатога йўл қўйганлигингизни билдирмайди.

Битим тузганда, иккала катнашчи ўз бўйига алоҳида мажбуриятларни олади. Келишиб бўлгандан сўнг, нимага келишганингизни қайтариб ўтинг, кейинги учрашув вақти (кун ва соати) ни белгиланг, сўнг унга миннатдорчилик билдириг.

Энг асосийси, мижоздан аниқ жавобни олмагунча кетманг.

Сотиш жараёнида сотувчининг мижозга кизикиши ҳар нарсадан юқори бўлади, одатда бу кизикиш сотишдан олдин ва сотиш жараёнида намойиш бўлади. Битим якунлангач, бу кизикиш кескин камаяди. Аксинча мижознинг кизикиши келишув тугатилгандан сўнг ошиб боради, негаки у сотиб олган сугурта махсулоти канчалик фойда келтириш мумкинлигига ишонишига тўғри келади. Мижозга кўзда тутилган барча хизматлар такдим этилишни назорат қилинг.

Сотиш даврининг охириги боскичи - миқозга хизмат кўрсатишдир. Асосийси - миқозни узок йилларга сақлаб қолиш, компаниянинг барқарорлигини яратиш имкониятидир. Бу боскич агентлик комиссиясини доимий равишда сақлаб қолиш ёки фойдадан фойз олишда хал қилувчи аҳамиятга эга.

Сотувчи даромадининг доимий қисми маълум бир вақт ичида шаклланиб, бу даромад сотиш бўйича мутахассиснинг доимий даромади сифатида намоён бўлиши мумкин. Сотувчининг даромади бу йилда тузилган янги шартномалар сони ҳамда жорий/кейинги йилга узайтирилган шартномалардан шаклланади.

Суғурга хизматлари сотувчиси миқознинг ўзига хос талабларига мослашишига тўғри келади. Бу талабларга жавоб бериш учун, миқоз сотувчини қуйидаги белгилар орқали баҳолашни эсда тутиши зарур:

- бир сўзлилик;
- ишончлилиқ;
- хатоларни тез тузатиш;
- оғохлантириш;
- ташқи белги;
- индивидуал ёндашув.

Миқозларга хизмат кўрсатганда, қуйидагиларни назарда тутиш зарур:

1. Миқоз доимо биринчи ўринда.
2. Сиз томондан ваъда қилинган хизматлар, албатта тақдим этилиши даркор.
3. Сизнинг миқозингиз, суғурга харажатларини, ўзини молиявий режаларига киритиши керак.
4. Сифатта муқобиллик мавжуд эмас, бунинг устига керакли сифатни таъминлаш унчалиқ қиммат эмас, таъсирини эса ортикча баҳолаш мушкул.
5. Эсда тутиш: одамлар уларга бирон нарса сотилишини ёқтирмайдилар. Улар харид қилишни хуш кўрадилар. Харидорга ёрдамчи бўлинг ва ўзингизнинг суғурга хизматларингизни хар томонлама ўрганинг.

Ушбу боскичининг иккинчи асосий белгиси у савдо ҳажми ўсишининг муҳим манбааси ҳисобланиши, яъни кроссейлинг ўтказишиш иккиламчи/қесишувчан савдодир.

Кроссейлингнинг тамойили шундан иборатки, сотувчи ўз миқозларига уларнинг аввалги суғурга хизматларини харидларига асосланган ҳолда янги суғурга маҳсулотларни тақлиф этиши дозим. Масалан, автосалонда

истеъмолчи машина сотиб олади. Шу билан бирга, унга ушбу автотранспорт сугуртаси таклиф этилади.

Кўпгина тажрибали сотувчилар, деярли пулда чўмиладилар. Ахир ўзининг реал миқозига келиб, унга яна бир маҳсулотингиз орқали ўз муаммолари ечимини таклиф этиш, янги миқозларни кидиришдан анча даромадлидир.

Шуни назарда тутингки: кроссейлинг тамойилларини тўғри тушунмаслик, инкироз сари қўйилган биринчи кадам бўлади. Агар сиз бир вақтнинг ўзида миқозингизга бир талай сугурта маҳсулотларини таклиф қилсангиз, сиз уни чалкаштириб юборасиз. Ҳатто кўрkitиб қўйишингиз ҳам мумкин. Натижада у сотиб олишга маблағ етишмаслигини айтиши мумкин.

Шунинг учун қуйидагича тўғри йўл тутиш керак:

Миқознинг эҳтиёж ва талабларини аниқ билиб олишга ҳаракат қилинг, ва шундан сўнг мулоқот давомида қайси маҳсулотга урғу беришни ҳал қилинг. Агар биринчи харид муваффақиятли ўтган бўлса, янги, миқоз талабларига жавоб берувчи маҳсулотни таклиф қилиш мумкин.

Сугурта маҳсулотларини сотувчи миқозга хизмат кўрсатиш учун янги таклифлар олиши ҳамда хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали миқозлар сафини кўпайтиради. Бу эса оқибатда сотиш ҳажмининг кенгайишига олиб келади.

Одатда, бутун йил давомида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади. Ортга қараб, ўзингизни миқоз билан муносабатларингизга назар ташлашга ҳаракат қилинг. Бу сизга қилинган ишни баҳолаб, барча афзаллик ва камчиликларни таҳлил қилиб кучайтиришга ёрдам беради.

Харидорларни сизнинг миқозингизга айланишига нима ёрдам берганини ва сиз ўзингиз бунинг учун нима қилганлигингизни эсланг. Истеъмолчинини сизнинг сугурта маҳсулотингиздан илк бор фойдаланганини таҳлил қилинг: бу унга нима берди? Бу вазиятда, у қандай муаммоларга дуч келди? Миқознинг сугурта хизматидан қониққанлик даражасини ҳамда унинг таклифлари билан қизиқиб кўринг.

Миқоз эҳтиёжларининг таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу ҳолда уларни қондириш мақсадида, янги шароитларни таклиф қилинг. Зарур ўзгартиришлар режасини тузинг.

3.2. Юридик шахслар билан шартномалар тузиш ва суғурта полисларини расмийлаштириш тартиби

Суғурта агенти мижоз билан суғурта шартномасини тузишдан олдин ўзига ишонган ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. У мижоз билан учрашувга пухта тайёргарлик кўриши, фикрларини бир жойга жамлаши ва қутилиши мумкин бўлган саволларга малакали жавоб беришга тайёр бўлиши талаб этилади.

Суғурта агенти юридик шахслар билан шартномани тузишда нималарга эътибор қаратиши лозим? Суғурта қилдирувчига суғурта асосий шартларининг қайси жиҳатларини кўпроқ тушунтириб бериши керак? Ушбу бўлим доирасида мана шу саволлар юзасидан фикр юритамиз.

Даставвал, суғурта агенти суғурта шартномаси тузишдан олдин бу суғурта тури суғурта фаолиятининг қайси классификаторига оид эканлигини яхши билиши талаб этилади. Шунингдек, у суғурта қилиш қоидаларини ҳам чуқур ўзлаштириб олган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, мол-мулкка (суғурта предмети бўлган ҳамда суғурта шартномасида кўрсатилган кўчар ва кўчмас мулк: бинолар ва иншоотлар, савдо ускуналари, жихозлар, ортехника, сотиладиган маҳсулотлар, маиший ва саноат техникалари, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва қурилмалар, инвентарлар, хом-ашёлар, материал ва бошқа мол-мулклар) эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш билан боғлиқ мулкний манфаатлар юридик шахс мулкни зарардан, оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

Юридик шахслар мол-мулкни суғурта қилиш суғурта шартномасини тузган шахс, яъни суғурта қилдирувчи ёки мулк йукотилганда ёки зарарланганда суғурта қопламаси тўланиши мумкин бўлган суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний ёки юридик шахс (наф олувчи) фойдасига амалга оширилади.

Мол-мулкларни суғуртага қабул қилиш мақсадида баҳолаш юридик шахснинг бухгалтерия балансидаги маълумотларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Шундан сўнг агент суғуртага қабул қилинаётган мулкларга қандай суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида зарарлар етказилганда бу зарарлар суғурталовчи томонидан қопланишини тушунтириш зарур. Шартномада суғурта ҳодисалари деб номланган бўлим бўлиши мумкин. Унда мол-мулкнинг жисмоний йуқолиши ва шикастланишидан қўрилган тўғридан-

тўғри зарарлар куйидагилар натижасида юзага келган бўлса, суғурталовчи томонидан қонлавиши назарда тутилади:

ёғин, портлаш, бўрон, довул, жала, ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, ернинг силжиши, ер ости сувларининг ҳаракати, сел, чакмок уриши, zilзила;

дўл; кўп қор ёғиши ёки музлаш; қулфни бузиб қилинган ўғрилиқ; машина ва механизмларнинг, қурилиш материаллари ва қурилмаларнинг, шунингдек, учувчи жисмларнинг қўлаб тушиши; иситиш тизимлари, сув ўтказгич ва канализация тармоқларининг бузилиши; ички сантехника тизимларининг ёрилиши; электр ускуналар, асбоблар ва машиналарнинг электр токи таъсирида ички зарарланиши; учинчи шахсларнинг қонунга ҳилоф равишда қасддан содир этган хатти-ҳаракатлари.

Суғурта агенти шунинг ёддан чиқармаслиги зарурки, томонларнинг битимига мувофиқ суғурталаш бир вақтнинг ўзида юқорида келтирилган барча суғурта таваккатчиликлари бўйича ёки бошқа исталган уйғуликда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар билан суғурта шартномасини тузишда агент мижозга албатта қандай ҳодисалар содир бўлганда мол-мулкга етказилган зарарлар қопланмаслигини тушунтириши талаб этилади. Суғурта шартномасида бундай ҳодисалар “умумий истиснолар” тарикасида келтирилади. Масалан, юридик шахслар мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

– суғурталанувчи, наф олувчи ёки улар вакилларининг қорхонада белгиланган ёғиндан хавфли ёки портловчи нарса ҳамда буюмларни сақлаш қондалари, шунингдек, алоҳида мулк турлари билан муомала қилишда белгиланган бошқа қондаларни қасддан бузиши;

– ўз-ўзидан ёниш, ачиш, чириш ёки бошқа табиий хусусиятлар;

– мол-мулкнинг ўғирланиши, учинчи шахслар томонидан қонунга зид, қасддан содир этилган ҳаракатлар натижасида йўқ қилиниши ёки шикастланиши, агар ушбу ҳолат тегишли ташкилотларга хабар қилинмаган, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан ушбу ҳодиса тасдиқланмаган бўлса;

– қуя, паразит, термит ёки бошқа ҳашоратлар, кўринмаган нуқсонлар, табиий эскириш, чириш, могорлаш, об-ҳаво намлиги натижасида келтирилган шикастланиш, бузилиш ва зарарлар;

– суғурталанувчи ёки уларнинг вакилларига маълум бўлган ва суғурталовчининг жавобгарлиги қучга киришидан олдин мавжуд бўлган мол-мулкнинг нуқсонлари;

– сугурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан сугурталанган мол-мулкдан фойдаланиш қондалари бузилиши натижасида содир бўлган зарарлар;

– доимий мавжуд бўлган фойдаланиш омиллари (эскириш, коррозия) нинг таъсири ва об-хаво омиллари таъсирида аста-секин зарарланишлар ёки сугурталанган буюмларнинг ишлатилмаслиги;

– мол-мулкни ташвиш, шунингдек, сугурта шартномасида кўрсатилмаган жойда сақланиши;

– сугурта қилдирувчининг сугурталовчига зарарланган буюмларни ёки уларнинг қолдиқларини, зарарланган буюмларнинг буткул йўқ бўлиб кетган ҳолларини истисно қилган ҳолда, тақдим этишдан бош тортиши;

– сугурта шартномасида қайд этилмаган бошқа барча ҳолисалар;

– лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган ишларнинг қисман ёки бутунлай тўхтатилишидан кўриладиган зарарлар;

– кўрсатилган мол-мулкка расман бириктирилмаган ва ишлаш учун махсус ўқитилмаган шахслар томонидан мол-мулклардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш натижасида кўрилган зарарлар;

– ёқилги-мойлаш материаллари, химикатлар (кимёвий моддалардан тайёрланган моддалар), музлатиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материалларнинг йўқолиши ёки зарарланишидан кўрилган зарарлар;

– қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ички бузилишлари натижасида шикастланишидан кўрилган зарарлар;

– сугурта ҳолисаси содир бўлган вақтда ёки ундан сўнг мулкнинг ўғриланишидан кўрилган зарарлар;

– лойиҳа - смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган тажриба ва тадқиқот ишлари;

– ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив захарланиш таъсири;

– ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар;

– агар мол-мулкни сугурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурталовчи сугурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарарлар учун сугурта қопламасини тўлашдан озод қилинади.

Юридик шахсларнинг мулки ҳисобланган қуйидагиларга ҳам сугурта қилиш шартлари татбиқ этилмайди.

– қуйма қимматбаҳо металллар ёки гардишсиз қимматбаҳо тошларга;

- портловчи моддалар;
- нақд пуллар;
- ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, сув тошиши ва бошқа табиий офатлар юз бериш хавфи бор ҳудудларда жойлашган ҳамда авария ҳолатида бўлган иморат, иншоот ва бошқа мулкларга шу хавф ҳақида ўрнатилган тартибда эълон қилинганидан сўнг.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўрсатилганидек, қуйидаги ғайриқонуний манфаатлар суғуртасини амалга ошириш ман этилади:

- хар хил ўйинлар, лотереялар ва гаров ўйнашдан кўрилган зарарларни суғурталаш амалга оширилмайди;
- гаровга олинган одамларни озод қилиш мақсадида шахсни мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларини суғурталаш амалга оширилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қуйидаги ҳолларда суғурталовчи суғурта қилдирувчи (наф олувчи)га суғурта қопламаси тўлашни рад этишга ҳақи:

- суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар тўхтатилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тўхтатилган бўлса;

- суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонунларга асосан ўз кучини йўқотган бўлса;

- суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериши сабабларини ўрганишга ёки етказилган зарарлар ҳажмини аниқлашга тўсқинлик қилганлиги сабабли шартнома бекор қилинганда ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонунларга асосан суғурта шартномаси қучга эга эмаслигини эътироф этиш ҳақида суғурталовчига даъво берилганда;

- Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг қасдан қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган бўлса, фақатгина бу хатти-ҳаракатлар улар томонидан ўзларини зарур вақтда химоя қилиш мақсадида ёки жуда зарур шароитда қилинган ҳолатларни истисно қилган ҳолларда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашдан озод бўлади.

Суғурта шартномасини тузишда агент эътибор қилиши зарур бўлган жиҳатлардан бири мижозга суғурта пули, суғурта мукофоти, уни тўлаш

тартибидир. Хар қандай суғурта шартномасида баён этилганлар аниқ кўрсатилади.

Маълумки, ихтиёрий суғурта турлари бўйича, жумладан, юридик шахслар мол-мулкни оловдан, табиий офатлар ва зарардан суғурта қилишда суғурта пулининг миқдори суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг битимига биноан суғурта шартномасида белгилаб қўйилади. Мол-мулкни суғурталашда, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта пули мол-мулкнинг шартнома тузилаётган кунда жойлашган жойдаги ҳақиқий қиймати (суғурта пули)дан юқори бўлмаслиги керак. Суғурта шартномасини тузиш вақтида томонларнинг битимига кўра белгиланадиган, суғурта манфаати билан боғланидиган мол-мулкнинг қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади. Мол-мулкнинг суғурта шартномасида кўрсатилган қиймати устида кейинчалик баҳслашиш мумкин эмас, суғурталовчи шартнома тузишдан аввал суғурта таваккалчилигини баҳолаш ҳуқуқидан фойдаланмаганлиги, шу қиймат юзасидан атайлаб чалғитилганлиги бундан мустасно.

Суғурта агенти зарурат тутилганда, суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида томонларнинг битимига биноан мол-мулкнинг суғурта қиймати ва шунга мувофиқ суғурта пули ҳамда қўшимча тўланадиган суғурта мукофоти миқдори қайта баҳоланишини назардан четда қолдирмаслиги керак.

Суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилганда суғурта тарифи суғурта объектининг таваккалчилик даражасига қараб келишилган суғурта пулига нисбатан фонизларда белгиланади. Масалан, юридик шахслар мол-мулкни суғурталашда тариф ставкаси 0,1 фониздан 5 фонизгача миқдорда белгиланиши мумкин. Шартноманинг алоҳида шартлари, таваккалчилик даражаси ҳамда суғурта муддатига қараб суғурта тарифи камайтирилиши ёки оширилиши мумкин. Суғурта шартномаси бир йилдан кам ёки кўп муддатга тузилганда суғурта мукофоти бир йиллик суғурта тўловидан суғурта муддатига нисбатан мутаносиб равишда белгиланади. Томонларнинг битимига мувофиқ суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ёки суғурталовчининг кассасига ёки у томонидан тайинланган агентга нақд пул тўлаш орқали тўланиши мумкин. Суғурта мукофотини тўлаш тартиби суғурта шартномасида белгиланади. Мисол учун, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини шартнома тузилгандан сўнг 3 кун ичида ёки 72 соат

мобайнида тўлаш шартлиги суғурта шартномасида кўрсатилади. Агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда, суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда бўлади.

Суғурта шартномасида суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб, яъни икки ва ундан ортиқ марта тўланиши кўрсатилиши мумкин. Суғурта мукофоти ёки навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаса, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта шартномаси ўз-ўзидан кучини йўқотади ва бунинг учун томонларнинг қўшимча истак билдиришлари шарт эмас. Аввал тўланган суғурта мукофотлари қайтарилмайди.

Томонларнинг битимига биноан суғурта шартномаси бир йилгача ва ундан кўп муддатга тузилиши мумкин. Суғурта шартномаси, агар унда бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан кучга киради. Суғурталовчининг жавобгарлиги, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

Суғурта агентига суғурталовчи томонидан суғурта шартномасини унинг номидан тузиш ваколати берилган бўлса, у ҳолда шартномани тузишда агент ва суғурта қилдирувчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида бир тўхтамага келиб олинishi керак:

- суғурталаш объекти ҳисобланган маълум мол-мулк ёки бошқа мулкний манфаатлар ҳақида;
- суғурта ҳодисасининг тавсифи ҳақида;
- суғурта пулининг миқдори ҳақида;
- агар шартномада суғурта қопламаси суғурта пулига нисбатан камроқ миқдорда тўлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган бўлса, суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш тартиби ҳақида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) ҳақида;
- шартноманинг амал қилиш муддати ҳақида.

Мол-мулк суғурта шартномасига биноан ушбу мол-мулкнинг сақланишидан манфаатдор шахс шартномани наф олувчи фойдасига, унинг эгаси, мол-мулкка бошқа мулкний ҳуқуқи бор шахслар, ижарачи, пудратчи, сакловчи, далолат ва бошқалар фойдасига тузиши мумкин. Суғурта

қилдирувчи ва наф олувчи суғурталанган мол-мулкнинг бут сакланишидан манфаатдор бўлмаган ҳолда тузиладиган суғурта шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Наф олувчи фойдасига тузилган суғурта шартномасида, унинг исми ёки номи кўрсатилмаслиги мумкин. Бундай суғурта шартномаси тузилганда оқ полис (олувчининг исми-шарифи кўрсатилмаган полис) берилади. Бундай шартнома бўйича ҳақ-ҳуқуқларни талаб қилиш учун суғурталовчига ушбу полис тақдим этилиши лозим.

Суғурталовчи мол-мулк суғурта шартномасига кўра шартномада шартлашилган тўлов (суғурта мукофоти) учун шартномада кўрсатилган ҳодиса (суғурта ходисаси) юз берганда суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс, шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахс (наф олувчи)га, суғурталанган мол-мулкка ушбу ҳодиса натижасида етказилган зарарлар ёки суғурта қилдирувчининг мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарлар (суғурта қопламасини тўлаш) учун шартномада белгиланган пул (суғурта пули) чегарасида тўлайди.

Суғурта шартномаси ёзма равишда, битта ҳужжат тузиш билан ёки суғурта қилдирувчининг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган суғурта полисини суғурта қилдирувчига бериш орқали амалга оширилади. Томонларнинг битимига кўра шартномага бошқа шартлар киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида Суғурта қилдирувчининг ҳолатини қонунда белгиланган ҳолатга кўра ёмонлаштирувчи шартлар мавжуд бўлса, шартноманинг бундай шартлари ўрнига қонунчиликнинг мос қоидалари қўлланилади. Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи айрим суғурталаш қоидаларини ўзгартириш ёки олиб ташлаш ёхуд шартномага суғурталаш қоидаларида бўлмаган шартларни киритиш ҳақида келишиб олишлари мумкин.

Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи суғурталаш объектига доир тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган бошқа барча суғурта шартномалари ҳақида ҳамда маълум бўлган суғурта ходисасининг содир бўлиш эҳтимолини ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар ҳажми ни аниқлашда аҳамиятга эга бўлган барча шартлар ҳақида суғурталовчига маълум қилиши керак. Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси(полиси)нинг стандарт шаклида кўрсатилган ҳолатлар аҳамиятли ҳолатлар ҳисобланади.

Агар мол-мулк суғурта қийматининг бир қисми миқдорида суғурта қилинган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қўшимча суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга, шу жумладан, бошқа суғурталовчида, лекин

бунда барча тузилган сугурта шартномалари бўйича умумий сугурта пули сугурта кийматидан ошмаслиги керак. Сугурта шартномаси сугурта кийматидан ошкча сугурта пулига нисбатан кучга эга эмас. Бу ҳолда ортикча тўланган сугурта мукофоти қайтарилмайди.

Агар сугурта шартномасида сугурта пули сугурта кийматидан камроқ қилиб белгиланган бўлса, сугурталовчи сугурта ходисаси юз берганда сугурта килдирувчи (нафдор шахс)га у қўрган зарарларини сугурта пулининг сугурта кийматига нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт. Барча ҳолларда, шартнома бўйича сугурталовчининг жавобгарлиги сугурта пулидан кўп бўлиши мумкин эмас. Мол-мулк сугуртаси шартномасини тузган сугурта килдирувчи вафот этганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шу мулкни мерос бўйича олган шахсга ўтади. Бошқа барча мулкрий ҳуқуқларнинг янги мулкдорга ўтиши ҳолатларида, агар шартнома ёки қонунда бошқа шарт белгиланмаган бўлса, сугурта килдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари сугурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Агар шартномада бошқа шарт белгиланмаган бўлса, сугурта полиси сугурта килдирувчига нақд пулли ҳисоб-китобда сугурта мукофоти тўланиши биланок ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобда сугурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул келиб тушган кундан сўнг 3 банк иш куни ичида берилади.

Ҳар иккала томон хоҳлаган вақтда сугурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда мўлжалланган бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин иккинчи томон сўнги манзили бўйича ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим. Сугурта шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- муддати тугаганда;
- сугурталовчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлик бажарганда;
- бир томоннинг талабига биноан шартнома бекор қилинганда;
- сугурта килдирувчининг талабига биноан сугурталовчи томонидан сугурта қондаларига амал қилинмаганда;
- юридик шахс – сугурта килдирувчининг ёки сугурталовчининг фаолияти Ўзбекистан Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилганда;
- жисмоний шахс – сугурта килдирувчи вафот этганда, агар учинчи шахс сугурта килдирувчининг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олмаса;

– суд қарорига биноан суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб топишганда;

– Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Агар суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли йўқка чиқса ва суғурта таваккалчилиги суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра мавжуд бўлмағи қолса, масалан, суғурталанган мол-мулк суғурта ҳодисасидан ўзга сабаблар туфайли ноқуд бўлса, суғурта шартномаси муддати тугамасдан олдин тўхтатилади. Бу ҳолда суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта шартномаси амалда бўлган вақтга мутаносиб бўлган қисmini олиш ҳуқуқига эга. Суғурта шартномасидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг муддатидан илгари воз кечиши натижасида суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти агарда шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, қайтарилмайди. Агар суғурта қилдирувчининг сохта маълумотлари асосида суғурта шартномасидаги суғурта пули оширилган бўлса, суғурталовчи суғурта шартномаси бекор қилиниши ва етказилган зарарларни қоплаш мақсадида суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти миқдоридан кўпроқ миқдорда тўлов талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар суғурта шартномаси тузилганидан сўнг суғурталовчига суғурта қилдирувчи томонидан мавжуд шарт-шароит ҳақида атайлаб ёлғон маълумотлар берилгани маълум бўлса, суғурталовчи шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта агенти миқоз билан суғурта шартномасини расмийлаштиришда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айниқса миқознинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини атрофлича тушунтириши керак.

Шартномага мувофиқ суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- суғуртанинг амал қилиш муддати давомида суғурта масалалари бўйича суғурталовчидан маслаҳатлар олиш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчидан суғурта қопламаси олиш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;
- барча мулкни ва алоҳида объектларни қўшимча суғурта қилиш.
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва/ёки ўзгартиришлар қилиш.

- шартномани суғурталовчини огоҳлантириш шarti билан муддатидан аввал бекор қилиш.

Шу билан бир каторда, суғурта қилдирувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

- суғурта объекти ҳақида суғурталовчига тўлиқ ва аниқ маълумотлар бериш;

- суғурта объектини кўриб чиқишга имконият яратиш;

- суғурталовчига таваккалчиликдаги сезиларли ўзгаришлар содир бўлган тақдирда дарҳол, масалан, қуйидагилар ҳақида хабар бериш:

■ суғурталанган объектнинг бошқа шахс ихтиёрига ўтиши, мулкни гаровга ёки ижарага берилгани ҳақида (сотиб олувчи, гаровга олувчи ёки ижарачининг номи ва манзилни кўрсатган ҳолда);

■ мол-мулк жойлашган ўрнининг ўзгаргани, иншоотни қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ёки уларни бошқа мақсадларда ишлатилиши ҳақида;

■ ишлаб чиқаришнинг тўхтатилгани ёки фаолияти ўзгаргани ҳақида;

■ мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарлангани ҳақида, зарарлар қопланиши мумкин ёки мумкинмаслигидан қатъий назар;

■ суғурталанган бинода ёки унга алоқадор бўлмаган яқин жойда ёнғиндан хавфли, портловчи ёки бошқа нарсаларнинг сақланиши ҳақида;

■ суғурта қилдирувчи талабга кўра содир бўлган ҳодиса ҳақида тегишли давлат органларига дарҳол хабар бериши шарт. Содир бўлган воқеа юзасидан жиноий иш кўзгатирилганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишнинг судга оширилганлиги ҳақида тергов органлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг нуқчасини суғурталовчига тақдим этиши зарур;

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига зарарланган мол-мулкни кўздан кечириш учун имконият яратиши ёки мол-мулкнинг зарарланган қисмларини суратга ёки видеотасвирга олишда амалий кўмак бериши лозим.

Суғурталанган мол-мулкнинг шароитини шартноманинг амал қилиш муддати давомида ҳамда суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни текширишга суғурталовчига имконият яратиши зарур.

Шартномада суғурталовчининг ҳуқуқлари ҳам кўрсатилади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурталанган мол-мулкнинг ахvoli ва қийматини ҳамда суғурта қилдирувчи

томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотлар тўғрилигини текшириш;

- суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида суғурта килдирувчининг хабар беришини кутмасдан суғурта ҳодисалари оқибатида етказилган зарарларни кўриб чиқиш ва баҳолашни бошлаш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда таваккалчилик даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш;
- суғурта ҳодисаси содир бўлгани ва унинг келиб чиқиш сабабларини тасдиқловчи керакли ҳужжатлар ва тўлик маълумотга эга бўлмагунга қадар ҳамда воқеа юзасидан жинсий иш қўзғатилганида тегишли ташкилотлар томонидан қарор қабул қилингунга қадар суғурта қопламаси тўлашни кейинга суриш;
- суғурта таваккалчилигининг даражаси ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган тақдирда суғурта шартларини ўзгартириш;
- суғурта ҳодисасини юз бериш эҳтимолини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш тадбирларини ўтказиш ва тегишли маблағлар билан таъминлаш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари доирасига қуйидагилар қиради:

- суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта полисини бериш ва суғурта шартномаси тузишда асосланилган суғурта қондалари билан таништириш;
- суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта қопламаси тўлаш муддатлари ҳар бир алоҳида суғурта шартномаси шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади;
- суғурта қопламаси тўланмайдиган бўлса, тўламаслик ҳақида қарор қабул қилинганидан бошлаб 15 кун мобайнида суғурта килдирувчини хабардор қилиш;
- суғурта килдирувчи, наф олувчилар билан муносабатлардаги махфийликни таъминлаш.

Суғурта шартномасидаги энг муҳим жиҳатлардан бири унда суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш шартларини баён этилишидир.

Суғурта шартномасига асосан суғурта килдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар топганидан сўнг дарҳол бу ҳақида суғурталовчинини ёки унинг вакилини хабардор қилиши керак. Агар шартномада суғурта ҳодисаси

юз бергани хакида хабар беришнинг муддати ва ёки усуллари белгиланган бўлса, у ҳолда суғурта килдирувчи хабар беришни шартномада белгиланган муддат ва усулда амалга ошириши керак. Худди шундай мажбурият наф олувчига ҳам, агар у унинг фойдасига тузилган шартнома юзасидан суғурта қопламасига даъво қилиш ҳуқуқидан фойдаланмокчи бўлса, юклатилади. Ушбу мажбурият бажарилмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини агар суғурталовчи суғурта ходисаси юз бергани хакида ўз вақтида хабардор қилингани ёки бундай маълумотларнинг йўқлиги суғурталовчинини суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятидан озод қилиши исботланмаса тўламасликка ҳақлидир.

Суғурта килдирувчи суғурта қопламасини тўлаш хақидаги аризасида куйидагиларни кўрсатади:

- суғурта ходисасининг тавсифи ва санаси;
- суғурта килдирувчининг суғурта ходисаси юз бергандаги хатти-харакатлари;
- зарар миқдори ва суғурта килдирувчининг даъво қилаётган суғурта қопламасининг миқдори, тегишли рўйхат ҳамда суммаси кўрсатилган ҳолда;
- учинчи шахслардан зарар учун олинган тоvon миқдори.

Суғурта килдирувчи суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ходисаси юз берганда ўтказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини камайтириш учун мумкин бўлган оқилона чораларни кўришга мажбур. Суғурталовчи томонидан қопланадиган зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида қилинган харажатлар, агар бу харажатлар зарур ёки суғурталовчининг топшириғини бажариш учун қилинган бўлса, аммо бу чора-тадбирлар самара келтирмаган бўлса ҳам суғурталовчи томонидан зарар албатта қопланиши зарур. Бу харажатлар суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб тарзда, бошқа зарарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан ошиб кетишидан қатъий назар қопланади. Суғурта қопламаси суғурта килдирувчининг зарарни қоплаш хақидаги ёзма аризасига ҳамда вазият талаб қилган ҳолларда тегишли орган ва ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

Суғурта килдирувчи томонидан суғурта ходисаси юз бергани хақида хабар қилинганидан сўнг суғурта килдирувчи, суғурталовчи ва зарур ҳолларда тегишли ташкилотлар вакилларида иборат комиссия тузилади. Агарда суғурта ходисаси суғурта шартномасида кўрсатилган муддат давомида юз бергани тасдиқланса, комиссия томонидан зарарларнинг сабаби ва ҳажми кўриб чиқилади, зарарлар ва йўқотишлар миқдори аниқланади,

суғурта қопламаси тўлаш учун сумма аниқланган ва далолатномада қайд қилинади. Ушбу далолатнома суғурталовчининг суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган муддатда қоплама тўлашига асос бўлиб хизмат қилади.

Агар томонлар зарарнинг сабаби ва ҳажми юзасидан ўзаро келиша олинмаса, у ҳолда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин. Суғурта қопламаси суғурта суммасидан кам миқдорда тўланган суғурта шартномаси, шартномадаги ва тўланган суғурта қопламаси ўртасидаги фарқ миқдори муддати тугагунга қадар, ўз кучини сақлаб қолади. Агар зарар унинг сабабчиси томонидан бутунлай қопланган ёки суд қарорига биноан унинг зиммасига юклатилган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчи суғурта қопламасини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Агар суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи зарар сабабчиси ёки учинчи шахслардан қоплама олган бўлса, суғурталовчи фақат сабабчи ёки учинчи шахс томонидан тўланган қоплама билан суғурта шартномасига мувофиқ тўланиши керак бўлган пул ўртасидаги фарқни тўлайди. Агар мулкнинг йўқ бўлиши ёки зарарланиши жиноят натижасида юз берса ва бу жиноятни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси, айбдор шахсга берилган даъво регресси суд томонидан жиноий иш қўрилатганда қўриб чиқилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, тергов олиб борилаётган даврда ёки тергов тугагандан сўнг тўланиши мумкин.

Қоплама миқдори мулк зарарланганда уни алмаштириш қиймати билан, у буткул нобуд бўлганда эса рўйхатда кўрсатилган ҳақиқий қиймати билан чегараланади. Аммо суғурта қопламасининг умумий миқдори суғурта шартномасидаги умумий суғурта пулидан ёки ҳар бир банд бўйича жавобгарлик лимитидан ошиб кетмаслиги керак. Агар суғурта шартномасида назарда тутилган бўлса суғурталовчи қопламани суғурта шартномасида белгиланган франшизани ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

Суғурталовчининг суғурта қопламаси тўламаслик ҳақидаги қарори тўғрисида суғурта қилдирувчи (наф олувчи)га уларнинг суғурта қопламаси тўлаш ҳақидаги мурожаатидан бошлаб 15 кун мобайнида хабар берилиши керак. Хабарномада рад этишнинг сабаблари кўрсатилиши лозим.

Суғурталовчининг суғурта қопламасининг ёки суғурта пулини тўламаслик ҳақидаги қарорига судга даъво аризасини берган ҳолда эътироз билдирилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталаш натижасида қопланган суғурта қилдирувчи

(наф олувчи)нинг зарар келтирган шахсга бўлган даъво ҳукуки суғурта қопламасини тўлаган суғурталовчига у тўлаган пул доирасида ўтади. Бирок атайлаб зарар етказган шахсдан даъво қилиш ҳукуки суғурталовчига ўтишини инкор этувчи суғурта шартномасининг шarti кучга эга эмас.

Суғурталовчига ўтган даъво ҳукуки суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қондаларга амал қилинган ҳолда амалга оширилади. Суғурталовчига ўтган даъво ҳукукини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар, далиллар ва бошқа маълумотларни суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига тақдим этишга мажбур. Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зарар учун жавобгар шахсга бўлган суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун даъво ҳукукидан воз кечса ёки унинг айби туфайли даъво қилишнинг иложи бўлмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламаслик ва тўланган суғурта қопламасининг ортикча қисми қайтарилишини талаб қилиш ҳукукига эга.

Агар суғурта қилдирувчи қайта ташкил қилинса, унинг суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисига ўтади ва бу ҳақида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчини ёзма равишда хабардор этади. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахсларга ўтказиш томонларнинг ёзма розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Ҳар бир суғурта шартномасига ҳар бир суғурта ходисаси натижасида кўрилган ҳар бир зарар ёки ҳамма зарарлар бўйича шартсиз франшиза/шартли франшиза қўлланилади. Франшиза миқдори томонлар билан келишилади ва суғурта шартномасида кўрсатилади. Томонлар форс-мажор шартлари даврида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки бутунлай бажара олмасликлари учун жавобгар эмаслар. Форс-мажор шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: харбий ҳаракатлар, блокадалар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат ташкилотларининг чекловчи ва таъқиқловчи чоралари, суғурта шартномаларида кўрсатилмаган табиий офатлар. Форс-мажор шартлари юз берганда ёки тугаганда томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Форс-мажор шартлари юз берганда томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари форс-мажор шarti давом этган муддатта тенг муддатга узайтирилади. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

3.3. Жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва суғурта полисларини расмийлаштириш тартиби

Фукароларга тегишли мулкларни суғурта қилиш бўйича шартнома тузиш уларга ўрнатилган шаклдаги суғурта полисини бериш орқали расмийлаштирилади. Бу ерда мулкларнинг тури (уй мулки, уй-жой, хайвонлар, транспорт воситаси (каска), автомобилнинг ўзини, хайдовчисини ва юкни биргаликда суғурта қилиш (авто-комби)) эътиборга олинади.

Суғурта полиси нусха олувчи коғоз асосида аниқ ва кўзда тутилган барча маълумотларни кўрсатган ҳолда тўлдирилади. Мабодо, полисининг кайсидир сатри тўлдирилмасдан қолса, у ҳолда ўша жойга чизикча қўйилади. Полисини расмийлаштириш чоғида унга тузатишлар киритиш, суғурта қилдирувчининг исми ва фамилиясини қисқартирилган ҳолда ёзишга йўл қўйилмайди. Агар суғурта полисини ёзишда хатоликларга йўл қўйилса, у ҳолда унга “бузилган” деган ёзув ёзилади ва унинг ўрнига янги бланка тўлдирилади ҳамда бузилган полис суғурта агентининг ҳисоботига тикилади ҳамда суғурталовчига топширилади.

Суғурта қилдирувчи суғурталанган транспорт воситаси ўрнига бошқа транспорт воситасини сотиб олган тақдирда суғурта шартномаси қайтадан тузиладиган бўлса, бундай ҳолатда суғурта қилдирувчига ўрнатилган тартибда тўлдирилган янги суғурта полиси берилди. Эски суғурта полисини суғурта қилдирувчи суғурта агентига қайтариши шарт. Суғурта агенти ўз навбатида, суғурта қилдирувчи қайтариб берган суғурта полисини ва янгидан расмийлаштирилган суғурта полисининг нусхасини суғурталовчига топширади. Бундай ҳолатларда янгидан берилган суғурта полисларида олдинги полисининг рақами, уни амал қилиш муддати ҳамда суғурта қилинган транспорт воситасининг тури ва маркаси кўрсатилган ҳолда “Қайта расмийлаштирилган” деб белги қўйилади.

Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурта қилдирувчи суғурта полисини йўқотиб қўйса, унинг ёзма аризасига асосан унга суғурта полисининг дубликати берилди. Дубликат суғурталовчида сақланаётган суғурта агентининг ҳисоботидаги йўқотилган суғурта полиси нусхаси асосида расмийлаштирилади. Дубликатга қуйидаги ёзув ёзиб қўйилади: “_____ серияли _____ - рақамли йўқотилган суғурта полиси ўрнига берилди”.

Суғурта полиси суғурта қилдирувчига, агар у суғурта мукофотини нақд пул билан тўласа, суғурта шартномаси тузилиши биланок берилди. Агар

суғурта мукофоти нақд пулсиз шаклда тўланадиган бўлса, суғурта полиси суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг 3 кундан кечиктирмасдан суғурта килдирувчига берилади.

Фукаронинг хоҳишига кўра, мулкий суғурта шартномаси, суғурта мукофотини, нафақат нақд пул тўлаш, балки нақд пулсиз шаклда, яъни суғурта килдирувчининг иш жойидаги бухгалтерия орқали ёхуд ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Бундай суғурта шартномасини тузиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Суғурта килдирувчи фукаро белгиланган шаклдаги бланкада ўзи меҳнат қилаётган корхона ёки ташкилот бухгалтериясига унинг номига ҳисобланган иш ҳақидан суғурта мукофотини тўлашни кўрсатган ҳолда ёзма топшириқнома беради. Топшириқномада фукарога тегишли мулкнинг тури, суғурта тўлови миқдори ва суғурта килдирувчининг қайси ойдаги ойлик иш ҳақидан суғурта мукофоти тўлаш учун пулни ушлаб қолиш лозимлиги аниқ баён этилади. Суғурта килдирувчининг топшириғига мувофиқ у ишлаётган ташкилот бухгалтерияси унинг ойлик иш ҳақидан суғурта мукофотини ушлаб қолиши ва бу маблағни суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказишга мажбурдир.

Агар қандайдир сабабга кўра суғурта килдирувчи ўз мулкни суғурта қилиш бўйича шартномани тузиш тўғрисидаги қарорини ўзгартирса, суғурта мукофоти тўлангунга қадар ташкилот бухгалтериясига топшириқни бекор қилиш бўйича ёзма топшириқ бериши мумкин.

Суғурта агенти ўзи расмийлаштирган суғурта полислари ва бошқа ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш (тариф ставкаларининг қўлланилиши, суғурта мукофотининг ҳисобланиши ва бошқалар) учун уларни суғурталовчига тақдим этиши мумкин. Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини кўздан кечириш, бевосита, суғурта агенти иштирокида амалга оширилади. Агар текшириш натижасида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича камчиликлар аниқланса, уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилади.

Суғурта агенти суғурта килдирувчи фукаралар ишлаётган ташкилот бухгалтериясида у томонидан топширилган топшириқ рўйхат нусхасида зарурий қайдлар амалга оширилганлигини текшириши шарт. Яъни, ушлаб қолинган ва ўтказилган суғурта мукофотлари умумий суммаси тўғрисидаги маълумотнома тўлдирилганлиги, суғурта мукофотини ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш бўйича топшириқ берган барча суғурта килдирувчилар учун ҳисобланган суғурта мукофоти суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлик

кўчирилганлиги ва пул кўчиришни амалга оширган бухгалтернинг имзоси мавжудлиги текшириб кўрилади. Мабодо, у ёки бу фукаро учун суғурта мукофоти суммаси кўчирилмаган бўлса, унинг сабаблари кўрсатилади (масалан, “ишдан бўшаган”, “иш хаки ҳисобланмаган”, “топширик бекор қилинган”).

Суғурталовчининг ҳисоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушгандан ва суғурта агенти томонидан суғурта килдирувчилар меҳнат қилаётган таъкилот бухгалтериясидан топширикномалар рўйхати нусхаси олингандан сўнг суғурта полислари шартноманинг амал қилиш муддати ва суғурта мукофоти тўланган сана кўрсатилган ҳолда тўлик расмийлаштирилади. Суғурта полисини суғурта килдирувчига топшириш куни полис берилган сана сифатида қайд этилади.

Топширикнома берган фукаро учун суғурта мукофоти тўланмаган тақдирда бу шахс учун суғурта шартномаси тузилмаган ҳисобланади.

Агар фукаро мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини нақд пулсиз шаклда тўлаш ва суғурта полисини тақдим этиш билан бир вақтнинг ўзида суғурта мукофотларини тўланганлиги тўғрисидаги топширикнома олинган бўлсада, аммо суғурта мукофоти ҳақиқатда пул кўчириш йўли билан ўтказилмаган бўлса, у ҳолда суғурта полисининг нусхасига тегишли маълумот қайд этилади. Бундан ташқари, суғурта агенти суғурта мукофоти тўламаган шахсга берилган суғурта полисини қайтариб олиши ва уни суғурталовчига топшириши шарт.

Суғурта мукофотини нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан фукарога тегишли мулкни суғурта қилиш бўйича шартнома тузилаётганда суғурта агенти мазкур суғурта турининг ихтиёрийлик тамойилига асосланишига қатъий риоя этиши лозим. Суғурта мукофотини ойлик иш хаки ҳисобидан тўлаш тўғрисидаги топширикнома суғурта килдирувчи томонидан шахсан имзоланиши лозим.

Суғурта полиси суғурта мукофотини ойлик иш хакидан тўлаш бўйича топширикнома берган фукаронинг оила аъзоларидан бирининг номига ҳам ёзилиши мумкин, аммо бу ҳақда тўлов топширикномасида тегишли ёзув қайд этилган бўлиши зарур. Суғурталовчининг жисмовий шахслар мол-мулкни суғурта қилиш қоидаларида мулкни кўриқдан ўтказиб, кейин суғуртага қабул қилиш зарурлиги кўрсатилган бўлса, у ҳолда суғурта агенти бу қоидаги риоя этиши керак.

Суғурта шартномаси қайси муддатга тузилган бўлса, шартнома кучга кирган санадан то у амалда бўлган санагача давом этади, *яъни кучга кирган*

санадан бир кув олдин тугайди. Масалан, суғурта шартномаси 1 йил муддатга тузилди ва 2008 йил 5 октябрда кучга кирди. Унинг амал қилиш муддати 2009 йил 4 октябрда тугайди. Баён этилган мазкур тартиб илк марта тузилаётган суғурта шартномалари ёки олдин тузилган ва амал қилиш муддати тугагандан сўнг янги муддатга расмийлаштирилаётган шартномалар учун қўлланилади. Шунингдек, бундай тартиб суғурта суммаси микдори ошиши билан боғлиқ қўшимча келишувларни имзолашда ҳам қўлланилади.

Транспорт воситасини суғурта қилишда суғурта шартномаси, агар бу транспорт воситаси автосалондан сотиб олинаётган бўлса, шу заҳоти шартнома расмийлаштирилади, ammo унинг кучга кириши транспорт воситасини ҳақиқатда олган кундан бошланади. Хайвонлар касалликлардан нобуд бўлган ҳолатда суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг 10 кундан кейин бошланади. Масалан, 15 январда суғурта мукофотини нақд пул тўлаш йўли билан тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги 26 январдан бошланади. Бирок, суғурталовчининг касалликлардан нобуд бўлган хайвонлар учун суғурта товонини тўлаш мажбурияти 6 февралдан, яъни суғурта шартномаси кучга кирган кундан 10 кун кейин бошланади.

Жисмоний шахсларга тегишли уй мулки, иншоотлар ва транспорт воситаларини суғурта қилиш бўйича асосий шартнома амалда бўлган даврда суғурта қилдирувчининг таклифига асосан суғурта суммаси микдорини ошириш бўйича қўшимча келишувга эришилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам асосий шартномада, ҳам қўшимча келишувда кўрсатилган уй мулклари, иншоотлар ва транспорт воситасининг умумий суғурта суммаси уларнинг амалдаги нархлардан келиб чиққан ҳолдаги (эскириш суммаси ҳисобга олинган ҳолда) қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Иншоотларни суғурта қилиш бўйича амалда бўлган суғурта шартномасига қўшимча келишув яна шундай ҳолатларда тузилиши мумкинки, мазкур иншоотга етказилган зарар коплангандан сўнг суғурта қилдирувчи иншоотни таъмирдан чиқариб, суғурта суммасини оширишга хоҳиш бўлганда. Қўшимча келишув фақат асосий шартноманинг амал қилиш муддатига қадар тузилиши мумкин. Масалан, асосий шартноманинг амал қилиш муддати 10 декабрда тугайди. Демак, мазкур асосий шартномага қўшимча келишув 10 декабргача бўлган муддатга тузилиши мумкин.

Қўшимча келишув бўйича суғурта мукофоти, қандайдая кўра, суғурта мукофоти йиллик суммасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги микдорларда тўланади:

Уй мулкни суғурта қилишда суғурта мукофотлари йиллик суғурта мукофотлари суммасининг куйидаги миқдорларида тўланади: 1 ойга - 15 фоизи; 2 ойга – 30 фоизи; 3 ойга – 40 фоизи; 4 ойга – 50 фоизи; 5 ойга – 60 фоизи; 6 ойга – 70 фоизи; 7 ойга – 75 фоизи; 8 ойга - 80 фоизи; 9 ойга – 85 фоизи; 10 ойга – 90 фоизи; 11 ойга – 95 фоизи.

Иншоотлар ва транспорт воситаларини суғурта қилишда (каска) суғурта мукофотлари йиллик суғурта мукофотлари суммасининг куйидаги миқдорларида тўланади: 1 ойга – 20 фоизи; 2 ойга – 40 фоизи; 3 ойга – 45 фоизи; 4 ойга – 50 фоизи; 5 ойга – 60 фоизи; 6 ойга – 70 фоизи; 7 ойга – 75 фоизи; 8 ойга – 80 фоизи; 9 ойга – 85 фоизи; 10 ойга – 90 фоизи; 11 ойга – 95 фоизи.

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, тўлик бўлмаган ой учун тўланган суғурта мукофоти тўлик ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Мисол: асосий шартномага қўшимча келишувнинг амал қилиш муддати 2009 йил 18 январдан 2009 йилининг 23 сентябргача белгиланган, яъни асосий шартноманинг амал қилиш муддатигача. Бу ерда суғурта мукофоти 9 ой учун тўлик тўланади, 8 ой учун – тўлик (18 январдан 17 сентябргача), тўлик бўлмаган 1 ой учун (18 сентябрдан 23 сентябргача) ҳам тўлик ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Суғурта шартномаларини қайтадан тузиш. Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси муддати тугагунга қадар уни янги муддатга тузиши мумкин. Суғурта мукофотининг қайси куни ва қачон тўланганидан қатъий назар, аввал амалда бўлган шартнома тугаши билан янги муддатга тузилган суғурта шартномаси кучга қиради. Мисол учун, суғурта шартномасининг муддати 18 октябрда тугайди, суғурта қилдирувчи 25 сентябрда суғурта шартномасини янги муддатга тузади. Бундай ҳолатда янги муддатга тузилган суғурта шартномаси 26 сентябрдан эмас, балки аввалги суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаши биланок, яъни 19 октябрдан кучга қиради.

Суғурта шартномаси тузилишидан олдин суғурта агенти бажариши зарур бўлган ҳолатлар. Фуқароларга тегишли мулкларни ногўғри тузилишини олдини олиш мақсадида агент суғурта полисини расмийлаштиришдан аввал куйидагиларга ўз эътиборини қаратиши лозим:

- суғуртага қабул қилинаётган мулкларни ҳақиқатан ҳам шартнома тузаётган шахсга тегишли эканлигини текшириш (мулклар фуқаронинг шахсий мулки бўлиши керак, транспорт воситаларини суғурта қилишда, бундан ташқари, мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларга нотариал

тасдиқланган ишончнома асосида берилганми ёки йўқлиги ҳам текширилади);

- фуқаронинг мулки жойлашган жой расмийлар томонидан сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар таҳдид солиши мумкин бўлган ҳудуд деб эълон қилинганми ёки йўқлигини аниқлаштириш зарур;

- фуқаролар ишқоотини ихтиёрий суғурта қилишда аниқ суғурта суммасини чиқариш учун ишқоотларнинг баҳосини аниқлаштириш керак;

- фуқарога тегишли хайвонларни суғурта қилишда ҳўжаликда мавжуд бўлган бир хил турдаги барча хайвонлар сони ва уларнинг ёшига қараб гуруҳларини аниқлаш талаб этилади;

- уй мулки ва ишқоотларни, айниқса, дала ховлиларни суғурта қилишда шунини аниқлаштириш лозимки, улар суғурта қилдирувчи ёки у тайинланган шахс томонидан мунтазам назорат қилиб борилиши, қўриқлаш сигнализацияси мавжудлигига эътиборни қаратиши зарур. Агар бундай назорат мавжуд бўлмаса, суғурта шартномаси тузиш тавсия этилмайди;

- суғуртага мулкларни қабул қилиш жараёнида суғурта қилдирувчи иштирокида, албатта, уларни қўздан кечирishi керак. Фуқарога тегишли транспорт воситасини суғуртага қабул қилишда эса мазкур транспорт воситасига эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳўжатлар ва техник паспортни қўриш ҳамда махсус жадвалга (агар жадвал суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган ва бу жадвал билан агент таъминланган бўлса) мувофиқ транспорт воситасининг эскириш суммасига мувофиқ суғурта мукофоти суммасидан чегирмаларни айиради. Уй хайвонларини суғурта қилишда суғуртага қабул қилинаётган хайвонларнинг соғлиги талаб даражасидами ёки йўқми ва мазкур ҳудуд учун карантин эълон қилинмаганми қаби масалаларга агент ўз эътиборини қаратиши керак (агар хайвонлар касалликка қалинган бўлса, туғиш ҳолатида ёки туққандан кейин кузатувда бўлган бўлса, шунингдек, сўнгги тиббий текширув жараёнида хайвонларда бруцеллез ёхуд туберкулез касалликларига қалинганликларининг аломатлари пайдо бўлган бўлса, бундай хайвонлар суғуртага қабул қилинмайди);

- суғуртага қабул қилинаётган мулклар жойлашган жой, уй ҳақиқатан суғурта қилдирувчининг доимий яшаш жойими ёки йўқлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик талаб этилади.

Суғурта тўғрисидаги аризани расмийлаштириш. Ҳаётни суғурта қилиш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Суғуртанинг ҳар бир тури бўйича ўрнатилган тартибдаги шакл бўйича ариза суғурта шартномаси тузиш учун

асое бўлади. Ариза суғурта қилдирувчининг ўз кўли билан, зарурият бўлганда унинг илтимосига кўра ва сўзларини эътиборга олиб агент томонидан тўлдирилади. Аризада суғурта қилдирувчининг исми ва фамилияси унинг паспорт маълумотларига таянган ҳолда кўрсатилади, суғурта қилинган боланинг исми ва фамилияси эса тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома маълумотларига мувофиқ тўлдирилади. Суғурта қилиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган ҳамма саволларга аниқ ва равшан жавоб ёзилган бўлиши керак, жавобларнинг ўрнига чизикча қўйишга йўл қўйилмайди.

Суғурта қилдирувчидан олинган аризани агент суғурталовчига текшириш учун кейинги ҳисобот куни топириши мумкин. Ҳаётни суғурта қилиш тўғрисида нотўғри тўлдирилган аризада суғурталовчи хатолар мавжудлигини аниқласа, у ҳолда ариза агентга қайта расмийлаштириш учун топирилади.

Ҳаётни аралаш ва никоҳ суғуртаси бўйича аризада суғурта қилдирувчининг тутилган йили эмас, балки ариза берган пайтда неча ёшда эканлиги, яъни 25 ёш ва ҳоказо ёзилади. Ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича шартнома муддати расмийлаштирилаётганда аризада суғурта қилдирувчининг хоҳишига кўра 5, 10, 15 ёки 20 рақамлари ёзиб қўйилади. Бу муддат шундай белгиланадикки, шартнома муддати тугаганда суғурта қилдирувчининг ёши суғурталовчи томонидан ўрнатилган чегарадан ошиб кетмаслиги керак. Никоҳ ва болалар суғуртаси бўйича шартнома тузилаётганда болаларнинг ёши ариза берган кун бўйича тўлиқ йилларда ёзилади. Бу ерда 6 ойга етмаган болаларнинг фойдасига суғурта шартномаси тузилаётган ҳолатлар мустаснодир. Агар боланинг ёши 6 ойга етмаган бўлса, суғурта қилиш тўғрисидаги аризада унинг ёши 1 ой, 3 ой ёки 5 ой деб ёзиб қўйилади. Боланинг ёши 3-11 ой бўлса, у ҳолда суғурта қилиш тўғрисидаги аризада боланинг ёши 1 ёш деб кўрсатилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, болаларни ва никоҳ суғуртасида болаларнинг ёши ариза тўлдирилаётган кунда суғурталовчи томонидан ўрнатилган чегарадан ошиб кетмаслиги зарур.

Агент шунинг ёшида сақлаши керакки, никоҳ суғуртаси ва болаларни суғурта қилиш шартлари бўйича шартнома муддатини тўғри белгилаш боланинг ёшини аризада аниқ кўрсатишга чамбарчас боғлиқдир. Бунинг сабаби шундаки, мазкур суғурта турлари бўйича шартнома муддатлари боланинг ёши ва унинг 18 ёшга тўлгани ўртасидаги фарқ сифатида кўрсатилади.

1-мисол. 2009 йил январь ойида туғилган боланинг фойдасига суғурта қилиш бўйича ариза 2009 йил июнь ойида берилди. Яъни, ариза берилган кунда бола 5 ойлик бўлган. Болаларни суғурта қилиш бўйича шартнома тузилаётганда аризада боланинг ёши “5 ой” деб кўрсатилади, шартноманинг амал қилиш муддати эса 18 йил деб кўрсатилади. Никоҳ суғуртаси бўйича шартномани расмийлаштираётганда аризада боланинг ёшини “1 ёш”, шартнома муддатини эса 17 йил деб кўрсатиш зарур.

2-мисол. 2009 йил июнь ойида суғурта қилиш тўғрисида берилган аризада, бола 2008 йил март ойида туғилганлиги қайд этилган: кўриниб турибдики, боланинг ёши 1 йилу 3 ойга тенг. Болаларни суғурта қилиш бўладими ёки никоҳ суғуртаси бўладими, бундан катъий назар шартномала боланинг ёши 2 ёш деб кўрсатилади ва шартнома муддати 16 йил деб белгиланади.

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича берилган аризада суғуртанинг бошланиш муддати суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотини тўлаш мажбурияти олинган ой ёки суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган ойнинг 1-санаси ҳисобланади. Шартноманинг тугаш муддати эса шартнома амалда бўлган охириги йилга тегишли ойнинг сўнгги санаси ҳисобланади.

Мисол. 2009 йил 15 июнда суғурта қилдирувчи 5 йил муддатга ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича ариза берди ва суғурта мукофотининг дастлабки қисмини шу ойда тўлади. Бундай ҳолатда суғурта шартномасининг амал қилиш муддати 2009 йил 1 июнь, тугаш муддати эса 2014 йил 31 май деб ҳисобланади.

Агар суғурта қилиш тўғрисидаги ариза суғурта қилдирувчи ишлаётган ташкилотда суғурта мукофотларини ушлаб қолиш бўйича рўйхат берилган кундан кейин тақдим этилган бўлса ва унда суғурта қилдирувчи суғурта мукофоти ёки унинг бир қисмини нақд пулсиз шаклда амалга ошириш мажбуриятини олган бўлса, суғурта қилиш тўғрисидаги аризада суғурта мукофотининг дастлабки қисми ариза берилган ойдан ушлаб қолинади, деб кўрсатмаслик зарур. Бундай ҳолатда суғурта муддати кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади.

Мисол. 2009 йил 20 майда берилган аризада суғурта қилдирувчи суғурта мукофотларини нақд пулсиз шаклда тўлашини баён этган. Ушбу суғурта қилдирувчи ишлаётган ташкилотда суғурта мукофотларини ушлаб қолиш тўғрисидаги рўйхатни суғурта агенти томонидан тақдим қилиш муддати 2009 йил 8 май санаси белгиланган. Табиийки, бу сана суғурта

мукофотларини ушлаб қолиш тўғрисидаги агент ташкилотга тақдим этган рўйхат берилган кундан ўтиб кетган. Шу туфайли, 2009 йил 20 майда берилган ариза бўйича суғурта муддати 2009 йил 1 июндан бошланади. Аризанинг “дастлабки мукофотни 20__ - _____ да тўлаш мажбуриятини оламан” деган қисмида “июнь” ойи кўрсатилиши зарур.

Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотларини суғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида бўлиб-бўлиб ёки бир маротаба тўлиқ тўлаши мумкин. Ҳаётни суғурта қилишда ойлик суғурта мукофотлари тегишли суғурта қилиш қондасига илова қилинган жадвалга мувофиқ аниқланади. Бу сумма суғурта қилиш тўғрисидаги аризада ялпи суғурта суммасига нисбатан сўмда кўрсатилади. Суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган ойлик суғурта мукофотлари миқдорини аниқлашда суғурта агенти эътиборли бўлиши талаб этилади. Ойда бир маротаба тўланадиган суғурта мукофоти миқдорини нотўғри ҳисоблаш, пировардида, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотларини тўлиқ тўламасликка ёхуд келишилган суғурта суммасидан ортиқча тўлаб юборишга сабаб бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган бир маротабалик мукофот суғуртанинг тури, муддати, суғурта суммаси ва суғурта қилдирувчининг ёшини ҳисобга олган ҳолда тегишли жалвалга мувофиқ аниқланади (болаларни суғурта қилишда – боланинг ёши, никоҳ суғуртасида эса боланинг ва суғурта қилдирувчининг ёши) ва фақат нақд пул кўринишида олинади. Агар суғурта қилдирувчида суғурта қилиш тўғрисидаги аризани расмийлаштириш кунда айтиш шу суғурта тури бўйича шартнома мавжуд бўлса, у ҳолда аризада ушбу шартнома бўйича суғурта суммаси қанча миқдорни ташкил этганлиги албатта кўрсатилиши шарт. Агентга шу нарса маълум бўлиши керакки, суғурталовчи бир шахс билан ҳаётни суғурта қилишнинг у ёки бу тури билан мустақил суғурта шартномасини тузиши мумкин.

Ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича тузилган шартномага асосан суғурта қилдирувчи ўзи вафот этган тақдирда суғурта суммасини олиш учун ўзига қариндош бўлган ёки қариндош бўлмаган ҳар қандай шахсни ёки бир неча шахсларни наф олувчи сифатида тайинлаши мумкин. Шундай бўлишига қарамай, суғурта қилдирувчига агар у вафот этган тақдирда суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс сифатида қариндошларни тайинлашни тавсия этиш зарур. Бу шубҳасиз суғурта суммасини олишда ортиқча муаммолар келиб чиқишининг олдини олади. Агар суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга

шахс сифатида якин кариндошлари кўрсатиладиган бўлса, у холда унинг суғурта килдирувчига кариндошчилик муносабати (эри, хотини, кизи, угли ва бошқалар) аниқ кўрсатилиши керак. Агар суғурта агенти иштирокида тузилган шартнома бўйича суғурта килдирувчи вафот этган тақдирда мазкур суғурта агенти суғурта суммасини олиш ҳуқуқини берувчи шахс сифатида тайинланиши мумкин эмас.

Аризанинг “Суғурта мукофотини _____ тўлайман” деб номланган каторида суғурта килдирувчи суғурта мукофотини “нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан” ёки “нақд пул билан” тўлашини аниқ ёзиши керак. Суғурта агенти аниқ билиши керак, барча тоифадаги суғурта килдирувчилар суғурта мукофотларини нақд пул шаклида ҳам, нақд пулсиз шаклда ҳам тўлашлари мумкин. Суғурта мукофотларини нақд пулсиз шаклда тўлаш имконияти бўлса, аризада агент суғурта килдирувчи ташкилотда иш хақи қачон берилиши ва ундан суғурта мукофоти ушлаб қоливишини кўрсатиши керак. Суғурта қилиш тўғрисидаги ариза суғурта килдирувчи томонидан имзоланиши зарур. Аризага имзо қўйишдан олдин агент суғурта килдирувчидан яна бир бор аризадаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигига эътибор қаратишини тавсия этиши зарур.

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича полисларнинг ёзилиши. Ҳаётни суғурта қилиш бўйича полислар суғурта агентлари томонидан суғурта килдирувчиларнинг аризасига асосан ёзилади ва суғурталовчи раҳбари ёки ваколатли шахс уларни имзолайди. Суғурта агентлари полисларни имзолаш ҳуқуқига эга эмаслар. Агентлар суғурта полисини фақатгина ўзлари учун ажратилган каторига “Суғурта агенти (ф.и.ш., имзо) _____” деган жойга имзо қўйишлари мумкин.

Суғурта полисидаги барча реквизитлар суғурта қилиш тўғрисидаги аризада келтирилган маълумотларга асосланиб тўлдирилади. Суғурта полисига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди. Суғурта полисини ёзишда хатоликларга йўл қўйилса, бундай ҳолатда мазкур суғурта полисига бузилган деган ёзув ёзилади ва у янгиси билан алмаштирилади.

Шартнома бўйича суғурта мукофоти бир маротаба тўлиқ тўланган тақдирда суғурта полиси суғурта агенти томонидан мукофот тўланганлигини тасдиқловчи қвитанция нусхаси ёки суғурта мукофотини тижорат банки кассасига тўланганлигини асословчи тўлов топиширикномаси нусхаси суғурталовчига тақдим этилгандан сўнг суғурта полиси имзоланади. Суғурта килдирувчи ёки унинг топиширигига асосан бошқа шахс у учун суғурта мукофотини нақд пул шаклида тўлаган холда унга тегишли қвитанция

берилади. Агар суғурта мукофоти бир неча ойлар учун тўланадиган бўлса, унда хар бир тўланган мукофот учун суғурта килдирувчига алохида квитанция берилади. Квитанциянинг барча реквизитлари аниқ ва тузатишларсиз тўлдирилиши шарт.

Агент шунга алохида эътибор қаратиши лозимки, суғурта мукофотини тўлаш бўйича квитанция тўлдирётганда “Фукаро _____ дан _____ сўм олинди” деган қаторга суғурта килдирувчининг топириғига кўра суғурта мукофотини тўлаган шахснинг ёки суғурта шартномаси фойдасини кўзлаб тузилган боланинг эмас, балки суғурта килдирувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ҳамда аниқ ёзилиши керак. Ҳаётни суғурта қилиш тўғрисидаги шартномалар суғурталовчининг суғурта тўғрисидаги аризаларини ҳисобга олиш китобида рўйхатга олганларидан сўнг агент томонидан ҳаётни суғурта қилиш бўйича тўланган суғурта мукофотларини ҳисобга олиш журналида ёзилади. Журналда агент суғурта мукофотининг нақд пулсиз ёки нақд пулда тўланганлигини қайд этиши лозим. Журнал сўнгида агент нақд пул шаклида тўланган суғурта мукофотлари бўйича шартномалар тўғрисидаги маълумотларни ёзиш учун бир неча варақ қолдириши керак. Суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган бўлса, у ҳолда журналга агент бир пайтнинг ўзида суғурта килдирувчига квитанция берилганлигини ҳам қайд этиб қўйиши лозим. Суғурталовчига ўз фаолияти бўйича ҳисобот тақдим этаётганда суғурта агенти унга суғурта мукофотлари тушумининг тўғрилигини текшириши учун тегишли журнални ҳам тақдим этади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан суғурта мукофотини бир ой олдин тўламоқчи бўлган хар бир суғурта килдирувчидан суғурта агенти ёзма равишда розилик олиши керак. Суғурта килдирувчининг розилиги олингандан сўнг суғурта агенти унинг фамилиясини суғурта мукофотларини ушлаб қолинганлиги тўғрисидаги рўйхатга мукофот қайси ой учун тўланганлигини кўрсатган ҳолда ёзиши зарур. Суғурта килдирувчининг розилик хати суғурта мукофоти ушлаб қолинганлиги тўғрисидаги рўйхат билан бирга суғурталовчида сақланади. Икки ой учун мукофот ушлаб қолинган ойдан кейинги ойдан бошлаб агент суғурта килдирувчидан навбатдаги ой учун суғурта мукофотини олади ва кейинчалик ҳам мунтазам тарзда бир ой олдин суғурта мукофотларини йиғиб боради.

Суғурта мукофотларини тўлаш устидан назорат олиб бориш. Суғурта агенти суғурта килдирувчи томонидан мукофотларни нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда ўз вақтида тўланаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатиш

билан бир каторда Тошширик шартномаси (агент битими)да белгиланган муддатларда суғурталовчига ҳаётни суғурта қилишининг шартномалари тўғрисидаги барча маълумотларни, хусусан, икки ой кетма-кет тўланмаган суғурта мукофотлари бўйича ҳам маълумотларни суғурталовчига тақдим этиб бориши лозим. Агар никоҳ суғуртаси бўйича суғурта мукофоти кетма-кет тўланмаслигининг сабаби суғурта қилдирувчининг вафот этганлиги бўлса, у ҳолда суғурта агенти суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахздан ёки унинг қонуний вакилидан (отаси, онаси, васий) суғурта полисини, ФХҚД томонидан олинган суғурта қилдирувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномани (нотариал тартибда тасдиқланган унинг нусхасини), агар охириги суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган бўлса, унинг қвитанциясини ҳамда ўрнатилган шаклдаги аризани олиши шарт.

Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаган ҳолда ва суғурта қилдирувчига суғурта суммаси тўлиқ тўлангандан сўнг агент журналга тегишли маълумотни, яъни суғурта шартномаси муддати тугаганлигини қайд этиши лозим. Бу кейинчалик мазкур суғурта қилдирувчидан, агар у суғурта мукофотини нақд пул шаклида тўлаётган бўлса, уни ундирмаслик, агар суғурта мукофоти пул ўтказиш йўли билан тўланаётган бўлса, суғурта қилдирувчи ташкилот ишлаётган ташкилотга тақдим этилаётган рўйхатта унинг фамилиясини киритмаслик учун зарур бўлади. Шундан сўнг агент суғурталовчига шартнома муддати тугаётган суғурта қилдирувчилар рўйхатини топширади.

Суғурта қилдирувчи шартнома муддати тугаши муносабати билан суғурта суммасини олиш бўйича суғурталовчига ариза беради. Бунда ундан суғурта мукофоти тўлаш талаб этилмайди. Суғурта шартномаси муддати тугашидан бир ой олдин суғурта агенти суғурталовчига шартнома муддати тугаётган суғурта қилдирувчилар тўғрисидаги рўйхатни беради. Мана шу муддат ичида агент шартнома тугаётган барча суғурта қилдирувчилар билан бевосита учрашиб, улардан суғурта полисини ва сўнгги марта тўланган суғурта мукофоти қвитанциясини (агар суғурта мукофоти нақд пул шаклда тўланган бўлса), суғурта суммасини банкда очилган ҳисоб рақамига ўтказишини сўраб ёзилган аризасини (агар суғурта мукофоти нақд пулсиз шаклда тўланган бўлса) олиши шарт.

ГЛОССАРИЙ

Абандон - тўлик миқдордаги сугурта суммасини олиш учун сугурталанувчининг сугурталанган мол-мулкдан сугурталовчининг фойдасига воз кечиши (сугурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк карокчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа-ходиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон сугурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Факат, Англия қонунчилигида абандон учун сугурталовчининг розилиги талаб этилади.

Авария комиссари - сугурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Сугурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг тавсифи ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Сугурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисиди ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва факс рақамлари сугурта компанияси томонидан бериладиган сугурта полисида кўрсатилади. Сугурталанувчи сугурта ҳодисаси рўй бериши захоти авария комиссарига муурожаат килиши зарур. Авария комиссари мол-мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва сугурта компаниясининг топширигига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида сугурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.

Авария сертификати - сугурта ҳодисаси туфайли мол-мулк зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва тавсифини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли комиссия ҳақи ҳисобига сугурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати сугурталанувчининг сугурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда сугурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.

Адендум - илгари тузилган сугурта ва қайта сугурталаш шартномасига томонларнинг ўзаро битими билан қўшимчалар киритиш.

Аджастер - сугурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан сугурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда сугурта компаниясининг (сугурта қилдирувчининг) маиғаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки юридик шахс. У сугурталанувчи билан унга тўланадиган сугурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер сугурта

ҳодисасини рўй бериш сабабларини ўрганadi ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт ҳудосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтисослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.

Актуарий - лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб-китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узок муддатли суғурта турлари бўйича суғурта захираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.

Актуар ҳисоб-китоблар - суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб-китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб-китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига таянади, тариф ставкасининг миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимоллигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узок муддатли ҳаётни суғурталаш бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондиди шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимоллигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин. Бу жадвал асосида нафакани ва ҳаётни суғурталаш бўйича тариф ставкалари ҳисобланади.

Андеррайтер - 1) турли таваккалчиликларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясининг суғурта портфелини шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, таваккалчиликларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясининг аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан

шугулладиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Андеррайтер сиёсати - суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида ҳулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.

Андерайтинг - 1) суғурталаш мақсадида таваккалчиликни баҳолаш; 2) суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш; 3) суғурта.

Аннуитет - 1) рента ва нафакаларни суғурталанишнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг кенг тарқалган турларидан бири фуқароларнинг йиллик даромадини суғурталаш бугунги кунда Буюк Британия, Франция ва АҚШда кенг ривожланган.

Аудит - суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлаш ва текшириш. Аудит ишини махсус малакага эга бўлган аудиторлар амалга оширади. Аудиторлик фирмаси билан суғурта компанияси ўртасида шартнома тузилади. Ўзбекистон Республикасида аудит ишини Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлган шахслар амалга ошириши мумкин. Суғурта компаниясининг баланси аудиторлар томонидан текширилгандан сўнг матбуотда эълон қилинади.

Бонус - суғурта компанияси ўзи учун қулай шартларда суғурта шартномасини тузганлиги учун суғурталанувчига, у тўлайдиган суғурта мукофоти миқдоридан чегирмалар белгилайди.

Брутто-мукофот - суғурта шартномаларини тузиш, иш юритиш харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги суғурта мукофотлари суммаси.

Бош полис - суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим “очик полис” ёки “полис-абонемент” дейилади. Бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юқлари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш шахобчалари) баён этилган аризани тақдим этса старли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.

Биргаликда суғурта қилиш - битта суғурта шартномаси доирасида қабул қилинган таваккалчиликни икки ёки ундан ортиқ суғурта

ташкilotлари ўртасида тақсимланиши. Ушбу шартномада ҳар бир суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Биргаликда суғурта қилишда суғурталанувчига қўша полис ёки ҳар бир суғурта компанияси ўз зиммасига олган таваккалчилик хиссасига мувофиқ алоҳида полис берилади.

Брутто - ставка - суғурта копламасини (суғурта суммасини) тўлашга мўлжалланган нетто-ставка ва иш юритиш харажатларини коплашга мўлжалланган нетто-ставкага юклама суммаларини ўз ичига олган суғурта муқофотларининг тариф ставкасини билдиради. Кўпгина адабиётларда ушбу ибора суғурта тарифи маъносига ҳам ишлатилади.

Денонсация - шартномадан воз кечиш. Агар суғурта муносабатларида томонлардан бири ёзма равишда шартномадан воз кечиши тўғрисида иккинчи томонга маълум қилмаса, шартнома унда кўрсатилган муддатгача қучда бўлади.

Депозит - 1) суғурта компаниясининг банк муассасасида сақланадиган пул маблағи ёки қимматли қоғозлари. Банк, одатда, суғурта компаниясига ўз пулини банкда сақлагани учун фонд тўлайди; 2) айрим мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, чет мамлакат суғурта компанияси, агар, бирор бошқа мамлакатда суғурта фаолиятини амалга оширмоқчи бўлса, дастлаб у ўша мамлакат банк муассасасига тегишли пул маблағини депозитга қўяди. Мазкур депозит, чет давлат суғурта компаниясининг бошқа мамлакат ҳудудида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диверсификация - йирик суғурта ташкilotларининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шугулланиши. Масалан, суғурта воситачилиги, қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, қўчмас мулк билан шугулланиш ва ҳоказо.

Депозитларни суғурта қилиш - банклар банкрот деб эълон қилинганда ёки тўлов қобилияти йўқолганда, омонатчиларнинг банкдаги пул маблағларини уларга қайтарилишини суғурталаш. Бунда банклар суғурталанувчилар ҳисобланади. Суғуртани маҳсул суғурта ташкilotлари амалга оширади. Депозитларни суғурталаш чет мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, АКШда депозит суғуртасини депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси амалга оширади. АКШда ҳар бир омонатчига тўғри келадиган 100 минг АКШ доллари миқдорига депозитни банклар мажбурий суғурталайди.

Диспансер - денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда қўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-

китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.

Европолис - Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси.

Захира фонди - жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта қопламасини тўлаш имконияти бўлмаганда, ушбу суғурта қопламасини тўлаш учун фойдаланиладиган пул маблағлари фонди. Маълумки, суғурта ҳодисалари туфайли қўрилган йўқотишлар ва зарарлар миқдори ҳар йили ҳар хил бўлади. Айрим йилларда суғурта ҳодисалари кам, бошқа йилларда эса кўпроқ бўлиши мумкин. Агар суғурта ҳодисалари сони кўп бўлиб, қўрилган зарар миқдори жорий йилларда келиб тушган суғурта мукофотларидан бир неча марта кўп бўлса, уларнинг фарқи захира фонди ҳисобидан қопланади.

Карго - транспорт воситасида ташиладиган ва суғурталаниши мумкин бўлган юкнинг номланиши.

Каско - транспорт воситасининг борти. Каско суғуртаси транспорт воситасини нобуд бўлиши ёки шикастланишини ўз ичига олади.

КАФ - ташки савдо шартномаси бўйича юкларни белгиланган портгача (жойгача) етказиб бериш шarti. Бунда ташилаётган товарнинг кийматига денгиз транспортида ташиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Ушбу шарт бўйича товарларни суғурта қилиш товар етказиб берувчининг (сотувчи) мажбуриятига қирмайди.

Касбий жавобгарлик - врачлар, адвокатлар, аудиторлар, нотариуслар, бухгалтер, архитектор ва бошқа касб эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириши бўйича касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тасдиқлайдиган суғурта полисининг аталиши. Ривожланган хорижий давлатлар амалиётида ушбу касб эгалари хусусий амалиёт билан шугулланганларида, уларда суғурта полисининг бўлиши мажбурий ҳисобланади.

Квота - 1) бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда тегишли объект суғурталанаётганда, битта суғурта компаниясига тўғри келадиган ҳисса. Бундай ҳолатда ҳар бир суғурта компаниясига тегишли квота ягона суғурта полисида ўз аксини топади; 2) қайта суғурталаш компаниясининг қайта суғурталашда қатнашиш ҳиссаси.

Квотали қайта сугурталаш - сугурта компанияси қайта сугурталовчи компания билан келишган ҳолда унга таваккалчиликларнинг бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта сугурталовчи компанияга сугурта муқофотини тегишли қисми берилди ва қайта сугурталовчи компания пропорционал равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.

Ковернота - сугурта воситачиси томонидан сугурталанувчига берилдиган ва сугурталанувчининг сугурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида сугурта брокери сугурталанувчига сугурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота сугурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.

Комбинацияли сугурта - бир неча сугурта турлари бўйича сугурта қопламаси шарт.

Комиссия ҳақи - миқдорларни сугурта қилганлик учун сугурта компанияси томонидан воситачиларга (сугурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Комиссия ҳақининг миқдори сугуртанинг турига ва келиб тушган муқофотнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда фоизларда белгиланади.

Коносамент - денгиз транспортида юкларни ташиш шартларини ифодаловчи ҳужжат. Коносамент шартнома мавжудлиги фактини ва юк ташувчининг юкни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Коносаментга имзо чекиши билан юкни сақлаш, уни тегишли манзилга етказиш масъулияти тўлаллигига юк ташувчи кема зиммасига ўтади. Имзоланган коносаментнинг асл нусхаси сотиб олувчига юборилади ва ушбу ҳужжат унга етказиши билан сотиб олувчи юкнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади.

Кумуляция - бир қанча йирик сугурта объектларнинг битта сугурта ҳолисаси туфайли зарар кўриши эҳтимоллигини назарда тутувчи сугурта таваккалчиликлари йиғиндиси.

Кэптив сугурта компанияси - таъсисчиларнинг манфаатларини сугурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат-молия гуруҳлари таркибига қирувчи сугурта компанияси. Рақобатдаги бошқа сугурта ташкилотларини кэптив сугурта компанияси мавжуд бўлган тармокка қириши мураккаброк ҳисобланади.

Ллойд - 1) Англиядаги халқаро сугурта бозори; Англиядаги сугурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил топган. Ҳозирги пайтда Ллойдда 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия

парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртанинг барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 та синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан суғурталанувчиларни суғурта воситачилари бирлаштиради. Суғурта воситачилари Ллойд бозорида таваккалчиликларни жойлаштиради. Андеррайтерлар суғурта шартномаси бўйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди.

Тиббий суғурта - аҳоли соғлиғини химоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий шаклда бўлади.

Мулкий суғурта - турли кўринишдаги мол-мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Нетто-ставка - брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фонзигача миқдорини ташкил этади.

Облигаторли қайта суғурталаш - 1) қайта суғурталанишнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилиғига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта ташкилотлари қабул қилган таваккалчиликларининг бир қисmini мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валютани чиқиб кетишини олдини олади; 2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича таваккалчиликни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, таваккалчиликни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси.

Мажбурий суғурта - суғурта муносабатларининг қонун қучиға эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар, суғурта жавобгарлиғининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий сугуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай сугурта компанияси ўтказиши мумкин.

Оферта - асосий шартлар кўрсатилган ҳолда сугурта шартномасини тузиш таклифи. Сугурта компанияси офертани конкрет юридик ёки жисмоний шахсга йўллаши мумкин.

Оффшор сугурта компанияси - махсус мақомга эга бўлган сугурта компанияси. Оффшор сугурта ташкилотлари солиқ тўлаш ставкалари энг кам бўлган оффшор зоналарда (Бермуд ороли, Гернси, Мэн ва Кэйманов ороллари) ташкил этилади. Оффшор зоналарда амалга ошириладиган сугурта операциялари сугурта компаниясини ташкил этишда қатнашган таъсисчилар жойлашган давлат органлари томонидан назорат этилмайди.

Пролонгация - ўзаро келишилган ҳолда сугурта шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш. Пролонгация ёзма кўринишда тасдиқланиши мумкин.

Пропорционал қайта сугурталаш - қайта сугурталаш шартномасини тузиш шакли. Бу ерда қайта сугурталаш компанияси сугурта муқофотларини умумий тушумидаги ва сугурта қопламаларини тўлашда ўз улушига эга. Пропорционал қайта сугурталаш шартномалари квотали, экцедентли ва квота-экцедентли шартномаларини ўз ичига олади.

Таваккалчиликларни жойлаштириш - 1) сугурта манфаати туфайли юзага келадиган сугуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Таваккалчиликларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш, тенг равишда сугурталаш, қайта сугурталаш ва ретроцессияга тўғри келади. Бозор муносабатларига асосланган иктисодиётда таваккалчиликларни жойлаштириш сугурталовчилар, сугурта воситачилари орқали сугурта бозорида амалга оширилади; 2) сугурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли таваккалчиликларни қисмларга бўлиб, бир нечта сугурта компаниясида сугурталаш услуги. Бир қанча сугурта ташкилотлари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқали ва у сугурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, таваккалчиликнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. Кейин, брокер бошқа сугурта ташкилотларига мурожаат қилиб, таваккалчиликнинг қолган қисмини ҳам жойлаштиради.

Рақобат - сугурта ташкилотларининг сугурта бозоридаги ўз улушини эгаллаши учун ўзаро иктисодий мусобакаси. Рақобат сугурталанувчи учун сугурта ташкилотларини танлаб олишларида қўмақ беради. Рақобат сугурта

хизматининг кенгайтишида ва уларнинг сифатини ошишида муҳим аҳамиятга эга. Бир суғурта хизматини кўрсатаётган бир неча суғурта ташкилотлари рақобат шароитида миқозларни жалб этиш учун уларга суғурта шартномаларини тузишда, суғурта мукофотларини тўлашда ва суғурта қопламаларини қисқа муддатларда тўлашда имконият яратади.

Ретроцедент - қабул қилиб олинган қайта суғурталаш таваккалчилигини ретроцессияга (иккинчи қайта суғурталаш) берувчи суғурта ёки қайта суғурталовчи компания.

Ретроцессионарий - ретроцедентдан таваккалчиликни қабул қилиб олувчи қайта суғурталовчи компания.

Ретроцессия - 1) қайта суғурталашга илгари қабул қилиб олинган таваккалчиликларни яна қайта суғурталашга бериш; 2) таваккалчиликларни учламчи жойлаштириш.

Таваккалчилик - 1) битта қутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Таваккалчилик тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, таваккалчиликни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатиш имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратади. Шундай қилиб, таваккалчилик суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Таваккалчилик-таваккалчиликли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир. Суғурта фанида таваккалчилик тушунчасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, таваккалчилик-бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Таваккалчилик суғурта объекти билан тўғридан-тўғри боғланган. Объектга таваккалчилик салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли таваккалчилик - бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта таваккалчиликларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади. Таваккалчилик баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; 2) суғурта объекти; 3) суғурта жавобгарлигининг тури.

Таваккалчилик менежменти - таваккалчиликни қамайтириш ёки чегаралаш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган ҳаракати. Таваккалчилик менежментининг таркибий элементига қуйидагилар қиради: таваккалчиликни аниқлаш, таваккалчиликни баҳолаш, таваккалчиликни назорат қилиш ва таваккалчиликни молиялаштириш.

Таваккалчиликли ҳолатлар - таваккалчилик даражасига таъсир килувчи омиллар. Суғурталанувчига маълум бўлган барча таваккалчиликли ҳолатлар суғурта компаниясига хабар қилинади. Бу таваккалчиликни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Таваккалчиликли ҳолатларни таҳлил этиш сюрвейер ёки алжастернинг функциясига киради. Бу суғурта компаниясининг суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилишида ҳамда суғурта қопламалари ва суммаларини тўлашда муҳим ўрин тутаети. Таваккалчиликли ҳолатлар: шахсий ва ашёвий; тўғри ва эгри; тасдиқланадиган ва инкор қилинадиган; объектив ва субъектив турларга бўлинади.

Таваккалчиликларни танлаш - суғурта шартномасини тузиш бўйича миқозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида таваккалчиликларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида таваккалчиликларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Таваккалчиликларни танлаш - бу таваккалчилик менежмент соҳасида олиб бориладиган чора - тадбирларнинг бир қисмидир.

Таваккалчиликни баҳолаш - таваккалчилик параметрларини тавсифловчи барча таваккалчиликли ҳолатларни натура ва қиймат кўришишида таҳлил этиш. Энг аҳамиятли белгисига қараб тегишли таваккалчиликлар гуруҳи ажратилади ҳамда у таваккалчиликни баҳолаш мезони ҳисобланади. Масалан, шахсий суғурта шартномасини тузишда инсоннинг ёшига эътибор берилади. Суғурта шартномаси тузилган пайтдан, суғурталанувчининг ўлимига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келувчи хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида миқоз қўшимча равишда дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиши мумкин. Суғурта ташкилотларида таваккалчиликни баҳолаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. У суғурта объекти билан жиддий танишади, ҳар томонлама таҳлил этади. Таҳлил натижаларига мувофиқ суғурталанувчи билан суғуртавий-ҳуқуқий муносабатларга киришишини мақсадга мувофиқлиги тўғрисида суғурта компаниясига ёзма ҳулоса беради.

Суғурта муқофотлари захираси - ҳаётни ва нафакани узок муддатли суғурталаш бўйича тўловларни олдиндан тўлаш учун суғурта компаниясида ташкил этиладиган фонд. Бу фонд суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутаети. Ҳаёт суғуртаси

шартномалари, одатда, бир неча йилга тузилади. Суғурта мукофотларини келиб тушиш ва суғурта суммасини тўлаш вақtlари ўзаро мувофиқ келмаганлиги учун, суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофоти маълум вақт мобайнида унинг ихтиёрида бўш холда бўлади. Келиб тушган суғурта мукофотларининг бир қисми жорий тўловлар учун сарфланади, қолган қисми эса захира фонддини шакллантириш учун йўналтирилади. Узок муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича захира фонднинг маблағлари кредит ресурси сифатида фойдаланилиши мумкин.

Суғурта захиралари – суғурта суммаларини тўлашни кафолатлаш мақсадида суғурта ташиқлотлари ташкил этган фондлар. Агар, маълум бир вақтда суғурта қопламаларини тўлаш учун жорий суғурта мукофотлари етмаса, суғурта компанияси захира фондларидан фойдаланиши мумкин. Суғурта захираларига қуйидагилар қиради: ҳаёт суғуртаси бўйича захира фондлари, рўй берган, аммо арз қилмаган зарарларни қоплаш захиралари ва бошқалар. Ушбу захира фондларининг маблағлари вақтинча бўш бўлгани учун инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Бунинг натижасида суғурта компанияси қўшимча даромад олади.

Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Суғуртада тариф сиёсати - суғурта операцияларининг зарарсиз ўтказилишини ва суғурталанувчиларининг манфаати йўлида суғурта тарифларини белгилаш, аниқлаш, тартибга солиш ва табақалаштириш бўйича суғурта компаниясининг мақсади йўналтирилган фаолияти. Суғуртада тариф сиёсати қуйидаги асосий тамойилларига асосланади:

1. Нетто-мукофотлар ва суғурта қопламаси ўртасидаги эквивалентлик. Ҳар бир суғурта тури бўйича нетто-ставка зарарларининг эҳтимол тутилган миқдорига максимал даражада тўғри келиши зарур.

2. Суғурталанувчиларнинг асосий қисми учун суғурта тарифи миқдорининг қулайлиги. Тариф ставкаларининг асоссиз равишда юқори даражада белгиланиши суғурта ишнини ривожланиши учун тўсик бўлади.

3. Суғурта тарифи ставкаларининг барқарорлиги. Агар узок йиллар мобайнида тариф ставкалари ўзгармаса, бу ҳолат суғурталовчининг нуфузини оширади. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи қамайса,

суғурталанувчиларнинг манфаати учун суғурта тарифи ставкасини ўзгартирмасдан жавобгарлик ҳажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

4. Суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш.

Сиёсий таваккалчилик - давлат органларининг ҳатти-ҳаракати ёхуд уюшган шахслар гуруҳининг сиёсий талаб бўйича чиқиши натижасида вужудга келадиган хавф. Сиёсий таваккалчиликка уруш ҳаракатлари, сиёсий ҳокимиятнинг ёки тузумнинг ўзгариши, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, фуқароларнинг оммавий чиқишлари ва иш ташлашлари, миллийлаштириш, мусодара қилиш қиради. Сиёсий таваккалчилик рўй берган вақтда суғурта компанияси жавобгарликдан озод бўлади. Чунки сиёсий таваккалчиликлар, фақат, давлатга қаршли махсус суғурта ташкилотлари томонидан суғурталаниши мумкин.

Суғурта портфели - суғурта компаниясига барча суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларининг йиғиндиси. Суғурталанган объектлар сони, суғурта шартномаларининг миқдори ҳам суғурта портфели тушунчасини англатади. Чет мамлакатлар суғурта амалиётида ушбу ибора ишлаб топилган суғурта мукофотининг ҳажми тушунчасига тўғри келади.

Суғурта далолатномаси - суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол-мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ҳодисаси ва мол-мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнгин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, кишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма хулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер тузади ва мохиятан авария сертификатига яқинлашади.

Суғурта мукофоти - суғурта мукофотининг миқдори, суғурта суммасига нисбатан фонсларда аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 942-моддасида суғурта мукофотига шундай тариф берилган: Суғурта мукофоти деганда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.

Суғуртавий фойда - суғурта хизматининг баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқ. Суғуртавий фойда суғурта операцияларини амалга ошириш натижасида шаклланади. Суғуртавий фойда баланс услуби асосида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта операциялари таннархини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Суғурта операцияларининг таннархи бу, суғурта

компаниясининг суғурта химоясини таъминлашга қаратилган тўғри ва эгри, (шу жумладан, захира фондларига ажратмалар) харажатларнинг йиғиндисидир. Одатда, суғурта тарифини ҳисоблашда нетто-ставкага юкламада фойда улуши ҳам кўрсатилади. Шаклланиш манбаига кўра, ҳақиқатдаги суғуртавий фойда ўз ичига қуйидаги фойда турларини олади: суғурта суммаси зарарлилик кўрсаткичини камайтиришдан олинган фойда, бошқарув харажатларини иктисод қилиш натижасида олинган фойда, инвестициядан олинган фойда ва суғурта тарифида белгиланган фойда.

Суғурта пули - суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта ташкилотларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. Ҳар қайси компания суғурталанган таваккалчиликни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта қопламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, ҳарбий таваккалчиликларни суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилган.

Суғурта объекти - шахсий суғуртала фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти; мулкий суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари, уй-жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлиги - жавобгарликни суғурталашда суғурта объеклари бўлиб ҳисобланади. Таваккалчиликни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассслари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси - икки томонлама ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Суғурта - ҳар хил ноҳуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган

ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (максалли пул фондлари) иктисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкый, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини таваккалчилик ташкил этади. Суғурта - бу таваккалчиликни тақсимлаш усулидир.

Суғурта қилдирувчи - қонун асосида ёки икки томонлама шартнома асосида суғурта компанияси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қилувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурталанувчи учинчи шахс фойдасига суғурта шартномасини тузишга ҳақли. Суғурталанувчи суғурта муқофотини ўз вақтида тўлаши шарт. Суғурта шартномасини тузиш жараёнида суғурталанувчи суғурта объектига тааллуқли бўлган барча маълумотларни суғурта компаниясига маълум қилиши керак.

Суғурта қопламаси - мулкый суғуртада ва суғурталанувчининг учинчи шахс олдида фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида зарарни қоплаш учун суғурта фондидан тўланадиган пул маблағи. Суғурта қопламаси суғурта суммасига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Суғурта ҳодисаси рўй берганлик ҳолати ва шакли бўйича аджастер ёки авария комиссарининг ҳулосаси суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Суғурта манфаати - суғуртада моддий манфаатдорлик қораси. Суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида суғурталанувчига моддий зарар келтирувчи предметлар - мол-мулк ёки суғурталанувчининг учинчи шахсга зарар келтириш ҳолатлари. Масалан, суғурталанувчининг автомобиль транспорти йўл-транспорт ҳодисалари туфайли шикастланганда, суғурталанувчида ушбу мулкка нисбатан манфаатдорлик юзага келади ва суғурта моддий манфаатдорлик қораси сифатида майдонга чиқади.

Суғурта йиғими - йўловчиларнинг мажбурий суғурта бўйича бир марта тўланадиган суғурта муқофоти. Одатда, суғурта йиғими йўл ҳақи таркибида бўлади.

Слип - таваккалчиликни тавсифловчи ҳужжат. Слип суғурта брокери томонидан тузилади ва андеррайтерга берилади. Слипда суғурта компаниясининг таваккалчиликни суғурталашдаги ҳиссаси кўрсатилади. Англияда слип суғурта полисига тенглаштирилади. Айрим ҳолатларда слип суғурта қопламасини тўлашда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти - суғурта шартномасини тузиш ва унга хизмат қилишни амалга оширувчи, суғурталанувчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи юридик шахс. У ўз Низоми асосида фаолият юритувчи мустақил

ҳўжалик субъектидир. Тегишли иктисодий мухитда фаолият юритувчи суғурта ташкилотларининг йиғиндиси суғурта тузимини ташкил этади. Суғурта ташкилотлари бажарадиган суғурта операцияларига кўра, улар универсал ва ихтисослашган бўлади. Устав фонди микдори ҳамда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажмига мувофиқ, суғурта ташкилотларини йирик, ўрта ва кичик гуруҳларга бўлиш мумкин.

Суғуртавий тиббиёт - турли касалликлардан мажбурий суғуртани назарда тутувчи соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш шакли. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурта фонди ишчи-ходимларнинг иш ҳақидан, тадбиркорларнинг фойдасидан, давлат дотацияси ҳисобидан ҳамда хайр-эҳсон фондларининг мажбурий ажратмаси ҳисобидан шаклланади. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурталанган контингентга тиббий суғурта полиси берилади. Суғурталанувчида тиббий суғурта полиси бўлган тақдирда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунда тиббий суғурта компанияси, бир томондан суғурталанувчилар билан, иккинчи томондан тиббиёт муассасалари билан шартнома тузади.

Суғурта баҳоси - суғурталаш мақсадида аниқланадиган мол-мулкнинг қиймати. Амалиётда мол-мулклар ҳақиқий қиймати, бозор қиймати ва бошқа қийматлар воситасида баҳоланади. Зарур ҳолларда суғурта баҳосини тўғри ҳисоблаш учун малакали экспертлар жалб этилади. Суғурта баҳоси тўғрисидаги ҳақиқий маълумот тариф ставкаси ва суғурта мукофоти микдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонуңчиликка биноан, суғурта суммаси мол-мулкнинг суғурта баҳосидан ошиб кетмаслиги зарур.

Суғурта тизими - 1) турли хил суғурта ташкилотлари ва уларни суғурта назорати билан алоқадорлиги йиғиндиси; 2) суғурта ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишнинг давлат - ҳуқуқий шакли.

Суғурта суммаси - суғурта манфаати ва суғурта таваккалчилигига мос келувчи пул маблағи. Суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофоти аниқланади ва суғурта копламаси тўланади. Суғурта суммаси ибораси, кўпроқ, шахсий суғуртада - фуқароларнинг ҳаёти, соғлигини суғурталашда ишлатилади.

Суғурта майдони - суғуртага тортилиши зарур бўлган объектларнинг энг катта сони. Айрим экспертлар ҳулосасига кўра, Ўзбекистонда суғурта майдони ҳали тўла ўзлаштирилмаган.

Суғурта суммасининг зарарлилиги - суғурта суммаси ва суғурта копламаси тўлови ўртасидаги нисбатни тавсифловчи иктисодий кўрсаткич. Бу кўрсаткич зарар микдори эҳтимоллигини кўрсатади ва ундан

таваккалчиликни ўзгартириш устидан назорат ўрнатишда фойдаланилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи куйидаги омиллар таъсири остида шаклланади: суғурталанган объектлар сони ва уларнинг суғурта суммаси, суғурта ходисаларининг сони, зарар кўрган объектлар сони ва суғурта кофламаси. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи нетто-ставка тузилишига қараб ҳар бир суғурта тури ёки жавобгарлик тури бўйича аниқланади. Агар зарарлилик кўрсаткичи нетто-ставкага яқинлашса ёки ундан ошиб кетса, бу ҳолда суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Суғурта ҳуқуқи - суғурталовчилар, суғурталанувчилар ва улар ўртасидаги воситачиларнинг ҳагги-ҳаракати қондалари йиғиндиси. Суғурта ҳуқуқи қонун ва қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Суғурта ҳуқуқи молиявий ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси - табиий ёки оддиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ҳодисаларнинг амалда юз бериши. Суғурта ҳодисаси юзага келган зарар суғурта компанияси томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Мулкий суғуртада суғурта ҳодисаси дейилганда, табиий офатлар, ёнғин, авария, портлаш, zilзила, довул ва шу қабиларнинг рўй бериши тушунилади. Шахсий суғуртада эса суғурта ҳодисасига фуқароларнинг маълум бир муддатгача яшashi, уларнинг ҳаётида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши ёки ўлими қиради. Халқаро амалиётда суғурта ҳодисаси баъзан «форс-мажор» деб юритилади.

Суғурта ҳодисалари частотаси - иншоотларнинг ёниш даражасини, транспорт воситаларининг авария бўлиш даражасини, аҳолининг ногиронлик даражаси ва шунга ўхшаш даражаларни ифодаловчи кўрсаткич. Суғурта ҳодисалари сонининг суғурта қопламалари ёки суғурталанган объектлар миқдорига нисбати суғурта ҳодисалари частотасини аниқлайди.

Суғурталовчилар уюшмаси - суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш, уюшма аъзоларининг манфаатини давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органлари олдида ҳимоя этиш ҳамда маҳаллий суғурта ташкилотлари ва хорижий суғурта ташкилотлари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган суғурта ташкилотларининг уюшмаси. Бунга ўзаро суғурталаш жамиятлари халқаро уюшмасини, техник таваккалчиликларни суғурталовчи компаниялар иттифоқини, Буюк Британия суғурталовчилар уюшмасини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта қопламаси лимити - суғурта компаниясининг филиали, бўлими, шўъба қорхонаси томонидан битта суғурта шартномаси бўйича мустақил тўланадиган суғурта қопламасининг энг юқори миқдори. Бу миқдорни суғурта компанияси бошқаруви жойлардаги суғурта суммасининг зарарлилик даражасидан, кадрларнинг малакасида ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Суғурталовчининг жавобгарлик лимити - тузилган суғурта шартномасидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суғурта компаниясининг қабул қилиши мумкин бўлган энг юқори даражадаги жавобгарлиги. Суғурталовчининг жавобгарлик лимити суғурта полисида ўз аксини топади.

Суғуртани классификациялаш - 1) суғурта турларини иерархия кўринишида тармоқларга, тармоқчаларга ва турларга бўлиниши. Бунда ҳар бир кейинги бўгин олдинги бўгиннинг бир қисми шаклида ифодаланади. Суғурта объекти, суғуртанинг тоифаси, суғурта жавобгарлигининг ҳажми ва суғурта қисмининг шакли суғуртани классификациялашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. 2) суғурта турларининг тартиблаштирилган тизими.

Сюрвейер - суғуртага тортिलाдиган мол-мулкни кўриқдан ўтказувчи малакали мутахассис. Суғурта компанияси сюрвейернинг ҳулосаси асосида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Чет эл амалиётида ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган фирмалар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилотлар сюрвейер функциясини бажаради.

Тариф ставкаси - суғурта таваққулчилигининг баҳоси; суғурта суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган брутто-ставка. Тариф ставкаси (брутто-ставка) икки қисмдан иборат: нетто-ставка ва нетто-ставкага юклама. Нетто-ставка суғурта компаниясининг суғурта фондидан қиладиган харажатларини ифодалайди. Нетто-ставкага юклама суғурта компаниясининг иш юритиш харажатларини, комиссия ҳақини ва бошқа харажатларини ўз ичига олади. Шахсий суғурта бўйича тариф ставкаси мол-мулк суғуртасининг тариф ставкасидан кескин фарқ қилади. Ҳаёт суғуртасидаги тариф ставкаси ҳаётийлик жадвали ва даромад нормасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Шартсиз франшиза - суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи томонидан қўшланмайдиган суғурталанувчи зарарларининг маълум бир қисми. Франшиза суғурта пулининг маълум фоизи кўринишида ёки муайян миқдорда белгиланиши мумкин.

Шартли франшиза – агар зарар микдори франшиза микдоридан кўн бўлмаса, сугурталовчи суғурта зарари суғурталовчи томонидан тўлалигича қопланади. Бу ҳолда франшиза мутлоқ микдор сифатида белгиланади.

Эҳтимоллар назарияси – тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллиги бўйича ўзаро алоқада бўлган бошқа ҳодисаларнинг эҳтимоллигини аниқлаш билан боғлиқ математика фани. Эҳтимоллар назарияси асосида тасодифий ҳодисаларнинг рўй бериш эҳтимоллиги қатга ёки кичик эканлиги аниқланади. Эҳтимоллар назарияси актуар ҳисоб-китобларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Қайта суғурталаш – суғурталашга таваккалчиликни қабул қилиш билан боғлиқ иктисодий муносабатлар тизими (таваккалчиликларни бирламчи жойлаштириш); суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган таваккалчиликнинг бир қисмини ўзаро қелишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (таваккалчиликни иккиламчи жойлаштириш). Қайта суғурталаш операцияларини суғурта компаниялари билан бир қаторда, асосан ихтисослашган қайта суғурталаш ташкилотлари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (таваккалчиликни бериш) ва пассив (таваккалчиликни қабул қилиб олиш) кўринишида бўлади. Бундан ташқари, қайта суғурталаш пропорционал ва непропорционал шаклида бўлади. Пропорционал қайта суғурталашда, қайта суғурталовчининг берилган таваккалчилик бўйича улуши қедентнинг ўз жавобгарлигига қоладиган қисми аниқ бўлгандан сўнг аниқланади. Непропорционал-шаклда қайта суғурталашда таваккалчиликни бериш тегишли лимит доирасида амалга оширилади. Бу ҳолда қайта суғурталовчи қедентдан суғурта мукофотининг бир қисмини олади (пропорционал қайта суғурталашдагидек суғурта суммасига мувофиқ қоладиган суғурта мукофотини эмас).

Қайта суғурталовчи брокер – ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс.

Қайта суғурталовчи – суғурта ташкилотларидан қайта суғурталаш учун таваккалчиликни қабул қилиб оладиган юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида таваккалчиликни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен

кайта суғурталаш жамияти, Швейцария кайта суғурталаш жамияти, Кельн кайта суғурталаш жамиятлари қиради.

Факультатив кайта суғурталаш - пропорционал кайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив кайта суғурталашда ҳар бир берилаётган таваккалчилик бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир таваккалчилик бўйича кайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустакил кўриб чиқади. Ўз навбатида, кайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Факультатив облигатор шартномаси - цедент кайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта таваккалчилигини бериши, кайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги кайта суғурталаш шартномаси.

Франшиза - суғурта шартномаси шартларида кўзда тутилмаган суғурталовчининг зарарни қоплашдан озод этиладиган қисми. Франшиза суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланадиган шартли ва шартсиз франшизаларга бўлинади. Шартли франшизада суғурталовчи белгиланган франшиза суммасидан ошмайдиган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этилади. Бу ҳолда, агар кўрилган зарар миқдори франшиза суммаси миқдоридан ошиб кетса, суғурта компанияси зарарни тўлиқ қоплайди. Шартсиз франшизада кўрилган зарар франшиза суммасидан чегирлиб қопланади.

Фрахт - денгиз ёки ҳаво йўллари орқали юкни ташинида тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ тариф ёки юкни ташини тўғрисидаги шартнома бўйича ўзаро келишилган нарх асосида тўланади. Денгиз суғуртасида юкларни ташинида фрахт полиси ёзилади ва фрахт қилувчига берилади.

Фронтлаштирувчи компания - бошқа суғурта компаниясининг илтимосига кўра, ўз номидан суғурта полиси берувчи суғурта компанияси. Фронтлаштирувчи суғурта компанияси қабул қилиб олинган таваккалчиликни юз фоиз миқдоридан илтимос қилган суғурта компанияси ҳисобига ўтказиши ва бунинг учун ундан комиссия ҳақ олади.

Фронтинг - қабул қилиб олинган таваккалчиликни тегишли комиссия ҳақи эвазига тўлалигича бошқа суғурта ёки кайта суғурталовчи ташкилотларига бериши.

Цедент - таваккалчиликни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни таваккалчиликни кайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади.

Цессия - 1) сугурта таваккалчилигини кайта сугурталашга бериш жараёни. Цедент ва кайта сугурталовчи ўртасидан ҳукукий муносабатларда ишлатилади. 2) Хориж амалиётида цедентнинг олинган сугурта мукофоти маъносини билдиради.

Шомаж - сугурта ҳодисаси рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши билан боғлиқ фойда олмаслик таваккалчилиги сугуртаси.

Экседент таваккалчилик - мазкур тоифадаги таваккалчилик бўйича зарари кайта сугурталаш тўғрисидаги келишув.

Экседент зарари - непропорционал кайта сугурталаш шакли. Бунда цедентга ўз зиммасида ушлаб қолingan зарардан ошган қисми кайта сугурталовчи компания томонидан қопланади.

Ўзаро сугурталаш жамияти - фойда олишни кўзламайдиган нотижорат шаклидаги сугурта компанияси. Сугурта қилишнинг ташкилий шакли. Ўзларининг мулкӣ манфаатларини сугуртавий химоялаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрӣ битим асосида бирлашуви. Ўзаро сугурталаш жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ҳар бир сугурталанувчи ушбу жамиятнинг аъзоси бўлади. АҚШ ва Японияда асосан, ҳаёт сугуртаси билан шугулланувчи компаниялар ўзаро сугурталаш жамияти шаклидадир. Ҳозирги пайтда Японияда ўзаро сугурталаш жамиятлари ҳаётни сугурталаш бозорининг ярмидан кўпини ташкил этади.

Шахсий сугурта - сугурта объекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилиятини сақлаш билан боғлиқ манфаатлар мажмуасини назарда тутувчи сугурта тармони. Шахсий сугурта таркибига ҳаёт сугуртаси, бахтсиз ҳодисалардан сугурта ва тиббий сугурта киради. У таваккалчиликли ва жамғарма функцияларига эга. Ҳаёт сугуртаси тўртта сугурта классидан иборат бўлиб, инсон ҳаётидаги рўй бериши мумкин бўлган ҳодисалар (*туғилиш, ўлим, вояга етиш, никоҳдан ўтиш, маълум бир ёшгача яшаш*) эҳтимоллиги билан боғлиқ барча сугурта турларини ўз ичига олади. Кенг маънода шахсий сугурта-бу узок муддатли ҳаёт сугуртаси, аралаш сугурта ва аннуитетлардир.

Яшил карта - автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисидаги халқаро шартномалар тизими. Мазкур сугурта тури бўйича шартнома тузилганлик фактини тасдиқловчи полис. 1949 йилда Европанин 13 та давлати ўртасида яшил карта тўғрисида шартнома тузилган. Ҳозирги пайтда яшил картага аъзо мамлакатлар 30 дан зиёдни ташкил этади. Яшил картага аъзо бўлган мамлакатларда тегишли миллий бюродар ташкил этилган ва у мазкур давлат

худудила яшил карта билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб туради. Ўз навбатида миллий бюрлар яшил карта халқаро бюросига бирлашган. Қароргоҳи Лондонда жойлашган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

52-БОБ. СУҒУРТА

914-модда. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта

Суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта килдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкӣ ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта килувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкани ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий суғуртада суғурта килдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

915-модда. Мулкӣ суғурта шартномаси

Мулкӣ суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта килдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкӣ манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мудкий сугурта шартномаси бўйича куйидагилар сугурталаниши мумкин:

муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чикиши ёки шикастланиши хавфи;

фукаролик жавобгарлиги хавфи - бошка шахсларнинг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, конунда назарда тутилган холларда эса, шунингдек, шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

тадбиркорлик хавфи - тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан кутилган даромадларни олодмаслик хавфи.

916-модда. Сугурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар

Гайриконуний манфаатларни сугурталашга йўл қўйилмайди.

Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни сугурталашга йўл қўйилмайди.

Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни сугурталашга йўл қўйилмайди.

Сугурта шартномаларининг ушбу модда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига зид бўлган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

917-модда. Мол-мулкни сугурта қилиш

Мол-мулк унинг асралишидан конун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (сугурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошка ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сакловчи, воситачи ва бошка шу қабилар фойдасига сугурта шартномаси бўйича сугурталаниши мумкин.

Сугурталанган мол-мулкнинг асралишидан сугурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни сугурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

Наф олувчи фойдасига мол-мулкни сугурта қилиш шартномаси наф олувчининг иеми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда сугурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган

полис бериллади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур.

918-модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш

Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфи суғурталанган шахс суғурта шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар бу шахс шартномада кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталанган ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси, ҳатто шартнома зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлган суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд шартномада у кимнинг фойдасига тузилгани кўрсатилмаган тақдирда ҳам, зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар (наф олувчилар) фойдасига тузилган деб ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик уни суғурта қилиш мажбурий бўлгани сабабли суғурталанган тақдирда, шунингдек, қонунда ёки бундай жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда суғурта шартномаси ўз фойдасига тузилган деб ҳисобланувчи шахс зарарни суғурта пули доирасида тўлаш тўғрисида бевосита суғурталовчига талаб қўйишга ҳақли.

919-модда. Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин. Ушбу талабга мувофиқ бўлмаган суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи, бу шартнома шартларига кўра суғурта қилдирувчи қайси тараф олдида тегишли

жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф - наф олувчи фойдасига, ҳатто суғурта шартномаси бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам, суғурталанган ҳисобланади.

920-модда. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш

Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига суғурталаниши мумкин.

Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг фойдасига тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи фойдасига тузилган ҳисобланади.

921-модда. Шахсий суғурта шартномаси

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳолисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан, суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиғи билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома

сугурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича хақиқий эмас деб топилиши мумкин.

922-модда. Мажбурий сугурта

Қонунда куйидагиларни сугурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки, уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.

Сугурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади.

Қонунда мажбурий сугуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини сугурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юрйтишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулққа эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни сугурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

Мол-мулкни сугурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай сугурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу Кодекснинг 924-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.

923-модда. Мажбурий сугуртани амалга ошириш

Мажбурий сугурта бундай сугурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (сугурта қилдирувчи) сугурталовчи билан сугурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Мажбурий сугурта сугурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий сугурталаш бундан мустасно бўлиб, бу сугурта

конунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий сугурталаниши лозим бўлган объектлар, улар сугурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва сугурта пулининг энг кам миқдорлари конун ҳужжатлари билан белгиланади.

924-модда. Мажбурий сугурта тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари

Конун бўйича фойдасига мажбурий сугурта амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар сугурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, сугурта қилдирувчи сифатида зиммасига сугурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Агар сугурта қилдирувчи сифатида сугурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса ёки сугурта шартномасини наф олувчининг аҳолини конунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у сугурта ходисаси юз берганида башарти тегишлича сугурталанган тақдирда сугурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.

925-модда. Сугурталовчи

Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги сугуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонуларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сугурталовчилар сифатида сугурта шартномаларини тузиши мумкин.

Сугурта ташкилотларига қўйиладиган талаблар, уларга лицензия бериш ва уларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби конун билан белгиланади.

926-модда. Сугурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг сугурта қилдирувчи ва наф олувчи томонидан бажарилиши

Наф олувчи фойдасига сугурта шартномаси тузиш, шу жумладан, у сугурталанган шахс бўлганда ҳам, сугурта қилдирувчинини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёхуд сугурта қилдирувчининг зиммасидаги мажбуриятлар фойдасига шартнома тузилган шахс томонидан

бажарилмаган бўлса, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Наф олувчи мулккий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёхуд шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни талаб қилганда суғурталовчи ундан, шу жумладан, суғурталанган шахс наф олувчи бўлган тақдирда ҳам, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни, шу билан бирга, суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлган, лекин у бажармаган мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Илгари бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибаatlари хавфи наф олувчининг зиммасида бўлади.

927-модда. Суғурта шартномасининг шакли

Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни *топишириш йўли билан тузилиши мумкин.* Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд - суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда - биринчи бадални тўлаш орқали таъдиқланади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўллашга ҳақли.

928-модда. Бош полис бўйича суғурталаш

Бир турдаги мол-мулк (товарлар, юклар ва ҳоказонинг) турли Туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан битимига биноан битта суғурта шартномаси - *бош полис асосида амалга оширилиши мумкин.*

Суғурта қилдирувчи бош полисининг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда

шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса - улар олинганидан кейин дарҳол хабар қилиши шарт. Агар ҳатто бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полисининг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт.

Суғурта полисининг мазмуни бош полисга номувофик бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.

929-модда. Суғурта шартномасининг муҳим шартлари

Мулкий суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;

юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга ошириладиган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурталанган шахс тўғрисида;

суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга ошириладиган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг битимига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи,

суғурталанган шахе ёки наф олувчи хисобланган фукаронинг ахволини конун хужжатларида белгиланган коидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига конун хужжатларининг тегишли коидалари қўлланилади.

930-модда. Суғурта шартномаси шартларини суғурта коидаларида белгилаб қўйиш

Суғурта шартномасини тузиш шартлари суғурталовчи ёхуд суғурталовчилар бирлашмаси томонидан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган тегишли турдаги суғуртанинг стандарт коидалари (суғурта коидалари)да белгилаб қўйилиши мумкин.

Суғурта коидаларида мавжуд бўлган ва суғурта шартномаси (полиси) матнига киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисида) шундай коидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва коидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта хужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир. Илова қилинган тақдирда, шартномани тузиш пайтида суғурта қилдирувчига суғурта коидалари топирилгани шартномада ёзув билан тасдиқлаб қўйилиши лозим.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта коидаларининг айрим бандларини ўзгартириш ёки чиқариб ташлаш ва коидаларда бўлмаган бандларни шартномага киритиш тўғрисида келишишлари мумкин.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз манфаатларини химоя қилиб, суғурта шартномасида (полисида) кўрсатиб ўтилган тегишли турдаги суғурта коидаларини, ҳатто агар бу коидалар ушбу модлага кўра унинг учун мажбурий бўлмаса ҳам, важ қилиб келтиришга ҳақли.

931-модда. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли қутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта килдирувчига берилган суғурта кондаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта килдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта килдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида суғурта килдирувчи суғурталовчига била туриб ёлгон маълумот берганлиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта килдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

932-модда. Суғурталовчининг суғурта хавфини баҳолаш ҳуқуқи

Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурият бўлган тақдирда унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида экспертиза тайинлашга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган шахс соғлигининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширтиришга ҳақли.

Ушбу модда асосида суғурталовчи томонидан суғурта хавфини баҳолаш бошқа ҳолатни исботлашга ҳақли бўлган суғурта килдирувчи учун мажбурий эмас.

933-модда. Суғурта сирини

Суғурталовчи суғурта килдирувчи, суғурталанган шахс ва наф оловчи, уларнинг соғлигининг ҳолати тўғрисидаги, шунингдек, бу шахсларнинг мулкий аҳволи тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошқор қилишга ҳақли эмас. Суғурта сирини бузганлик учун суғурталовчи бузилган ҳуқуқларнинг тури ва бузиш хусусиятига қараб ушбу

Кодекснинг 985, 1021 ва 1022-моддалари қондаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

934-модда. Сугурта пули

Мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурталовчи сугурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий сугурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (сугурта пули) сугурта қилдирувчининг сугурталовчи билан битимига кўра ушбу модда қондаларига мувофиқ белгиланади.

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини сугурта қилишда, агар сугурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (сугурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига қиради:

мол-мулк учун - унинг сугурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати;

тадбиркорлик хавфи - сугурта ҳодисаси юз берганида сугурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятдан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий сугурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни сугурталаш шартномаларида сугурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, Қонунида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ЎЗР 21.042008 й. ЎРҚ-156-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

935-модда. Мол-мулкнинг сугурта қиймати

Сугурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг битимига кўра аниқланадиган, сугурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурта қиймати (сугурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган сугурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар сугурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган сугурталовчи бу қиймат борасида била туриб қалғитилган ҳол бундан мустасно.

936-модда. Тўлик бўлмаган мулкий сугурта

Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини сугурталаш шартномасида сугурта пули сугурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сугурталовчи сугурта ҳодисаси юз берганида сугурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни сугурта пулининг сугурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт.

937-модда. Қўшимча мулкий сугурта

Агар мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи фақат сугурта қийматининг бир қисми миқдорида сугурталанган бўлса, сугурта қилдирувчи (наф олувчи) қўшимча сугурта қилишга, шу жумладан, бошиқа сугурталовчида сугурта қилишга ҳақли, ammo барча сугурта шартномалари бўйича умумий сугурта пули сугурта қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларига риоя этмаслик, ушбу Кодексининг 938-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

938-модда. Сугурта қийматидан ортиқ миқдорда сугурта қилиш оқибатлари

Агар сугурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг сугурта пули сугурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома сугурта пулининг сугурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Бу ҳолда сугурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди.

Агар сугурта шартномасига мувофиқ сугурта мукофоти бўзиб-бўзиб тўланса ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган пайтгача унинг ҳаммаси тўланмаган бўлса, қолган сугурта бадаллари сугурта пули миқдорини камайтиришга мутаносиб тарзда камайтирилган миқдорда тўланиши лозим.

Агар сугурта шартномасидаги сугурта пулини ошириб юбориш сугурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса, сугурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ўзига етказилган зарар унинг сугурта

кидирувчидан олган суғурта пули суммасидан ортик микдорда копланишини талаб қилишга ҳақли.

939-модда. Қўшалок суғурта

Ушбу Кодекснинг 938-моддасида назарда тутилган коидалар суғурта пули айни битта мол-мулкни ёки тадбиркорлик ҳавфини икки ёки бир неча суғурталовчида суғурта қилиш (қўшалок суғурта) натижасида суғурта қийматидан ошиб кетган тақдирда ҳам тегишлича суръатда қўлланилади.

Мол-мулк ёки тадбиркорлик ҳавфи қўшалок суғурта қилинганда ҳар бир суғурталовчи суғурта товонини ўзи тузган шартнома доирасида тўлашга мажбур бўлади, бироқ барча суғурталовчилардан олинган суғурта товонларининг умумий суммаси ҳақиқий зарардан ортик бўлиши мумкин эмас.

Бунда суғурта кидирувчи (наф олувчи) суғурта товонини исалган суғурталовчидан у билан тузилган шартномада назарда тутилган суғурта пули доирасида олишга ҳақли. Олинган суғурта товони ҳақиқий зарарни копламаган тақдирда, суғурта кидирувчи (наф олувчи) етишмаётган суммани бошқа суғурталовчидан олишга ҳақли.

Ётказилган зарар бошқа суғурталовчилар томонидан коплангани сабабли суғурта товонини тўлашдан тўлик ёки қисман озод қилинган суғурталовчи суғурта кидирувчига суғурта тўловларининг тегишли қисмини қилишга ҳаражатларни чегирган ҳолда қайтариши шарт.

Ушбу модда коидалари ҳар бир суғурталовчи, суғурта кидирувчи, суғурталанган шахс ва наф олувчи олдидаги ўз суғурта мажбуриятларини, бошқа суғурталовчилар мажбуриятларини бажарганлигидан қатъий назар, мустикал бажарадиган қўшалок шахсий суғуртада қўлланилмайди.

940-модда. Турли хилдаги суғурта ҳавфларидан мулкий суғурта

Мол-мулк ва тадбиркорлик ҳавфи турли хилдаги суғурта ҳавфларидан ҳоҳ битта, ҳоҳ алоҳида суғурта шартномалари бўйича, шу жумладан, турли суғурталовчилар билан тузилган шартномалар бўйича суғурта қилиниши мумкин.

Бундай ҳолларда барча шартномалар бўйича умумий суғурта пули микдори суғурта қийматидан ошиб кетишига йўл қўйилади ва тегишли суръатда ушбу Кодекснинг 939-моддаси коидалари қўлланилади.

Суғурта объекти битта шартнома бўйича бир неча суғурталовчи томонидан ўртада суғурталаниши мумкин (биргаликда суғурта қилиш). Агар бундай шартномада суғурталовчилардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган бўлса, улар мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлаш учун суғурта қилдирувчи (наф олувчи) олдида солидар жавобгар бўладилар.

Йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўртада суғурта қилиш учун биргаликда суғурталовчилар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида оддий ширкатлар (суғурта шерикчилиги) тузишлари мумкин.

Биргаликда суғурталовчилар ўртасида тегишли келишув бўлган тақдирда, улардан бири суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг олдида факат ўз улуши учун жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, у билан ўзаро муносабатларда барча биргаликдаги суғурталовчилар номидан вакил бўлиши мумкин.

942-модда. Суғурта мукофоти ва суғурта бадаллари

Суғурта мукофоти деганда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.

Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотни аниқлайдиган суғурта тарифларини қўллашга ҳақли.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг миқдори давлат суғурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган суғурта тарифларига мувофиқ белгиланади.

Агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки

шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули микдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

943-модда. Суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас:
шартнома тузилаётган пайтда суғурта объекти мавжуд бўлмаса;
жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкчий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса;

шартнома бўйича ғайриҳуқуқий манфаат суғурталанган бўлса;
суғурта шартномасида суғурта ходисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса.

Суғурта шартномаси ушбу Кодексда ва бошқа қонуларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

944-модда. Суғурталанган шахсни алмаштириш

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги суғурталанган ҳолларда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи бу шахсни суғурта ходисаси юз бергунча исталган вақтда, суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, бошқа шахсга алмаштиришга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномасида кўрсатилган суғурталанган шахс суғурта қилдирувчи томонидан шу суғурталанган шахс ва суғурталовчининг розилиги билангина бошқа шахсга алмаштирилиши мумкин.

945-модда. Наф олувчини алмаштириш

Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўрсатилган наф олувчини бошқа шахсга, бу ҳақда суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, алмаштиришга ҳақли. Шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган

шахснинг розилиги билан тайинланган наф олувчини алмаштиришга факат шу шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Наф олувчи сугурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки сугурта товонини ёхуд сугурта пулини тўлаш тўғрисида сугурталовчига талаб қўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

946-модда. Сугурта килдирувчини алмаштириш

Мол-мулкни сугурталаш шартномасини тузган сугурта килдирувчи вафот этган тақдирда, сугурта килдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида сугурта килдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки конун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сугурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Шахсий сугурта шартномасини сугурталанган шахс фойдасига тузган сугурта килдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар сугурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Сугурталанган шахс сугурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари конун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва конуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Агар сугурта шартномасининг амал қилиш даврида сугурта килдирувчи суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, бундай сугурта килдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг васийи ёки ҳомийси олади. Бунда сугурта килдирувчининг учинчи шахслар олдидagi жавобгарлиги сугуртаси унинг муомала лаёқати тугаган ёки чекланган пайдан бошлаб тугайди.

Юридик шахс бўлган сугурта килдирувчи сугурта шартномаси даврида қайта ташкил этилганида унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари сугурталовчининг розилиги билан тегишли ҳуқуқий ворисга ушбу Кодексда белгиланган тартибда ўтади.

947-модда. Суғурта шартномаси амал қилишининг бошланиши

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.

Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ходисаларига нисбатан татбиқ этилади.

948-модда. Суғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши

Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ходисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ходисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ходисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фукаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

Суғурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб суғурта ходисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди.

949-модда. Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта хавфининг ортиши оқибатлари

Мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) шартнома тузилаётганда суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган, ўзига маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиши шарт. Суғурта шартномасида (суғурта полисида) ва суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида айтиб қўйилган ўзгаришлар муҳим деб ҳисобланади.

Суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган суғурталовчи суғурта шартномасининг шарғларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасининг шарғлари ўзгартирилишига ёки суғурта мукофотига қўшимча тўлашга эътироз билдирса, суғурталовчи ушбу Кодекснинг 28-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ шартномани бекор қилишни талаб этишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи ёхуд наф олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш туфайли етказилган зарар қопланишини талаб этишга ҳақли.

Суғурталовчи, агар суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар йўқолган бўлса, суғурта шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Шахсий суғуртада, суғурта шартномасининг амал қилиши даврида ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган суғурта хавфининг ўзгариши оқибатлари, агар улар шартномада тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлсагина, юзага келиши мумкин.

950-модда. Суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши

Суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар суғурта шартномаси тузилганида манфаати назарда тутилган шахсдан бошқа шахсга ўтганида ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар мол-мулкка бўлган ҳуқуқ

кайси шахсга ўтган бўлса, ўша шахсга утади, ушбу Кодекснинг 197 ва 199-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича мол-мулкнинг мажбурий олиб қўйилиши ҳоллари бундан мустасно.

Сугурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ўзига ўтган шахс бу ҳақда сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

951-модда. Сугурта ҳолисаси юз бергани тўғрисида сугурталовчини хабардор қилиш

Мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурта қилдирувчи сугурта ҳолисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол сугурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномала хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартланган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича сугурта товошига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айти шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги сугурталовчига, агар сугурталовчи сугурта ҳолисаси юз берганини ўз вақтида биланлиги, ёхуд бу ҳақда сугурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг сугурта товошини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, сугурта товошини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар сугурталанган шахснинг вафоти ёки унинг соғлиғига зарар етказилиши сугурта ҳолисаси бўлса, тегишли суръатда шахсий сугурта шартномасига нисбатан қўлланилади. Бунда сугурталовчини хабардор қилишнинг шартномада белгиланадиган муддати йигирма кундан кам бўлиши мумкин эмас.

952-модда. Сугурта ҳолисасидан кўриладиган зарарни камайтириш

Мулкий сугурта шартномасида назарда тутилган сугурта ҳолисаси юз берганида, сугурта қилдирувчи эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши шарт. Сугурта қилдирувчи бундай чораларни кўрар экан, агар ўзига маълум қилинган бўлса, сугурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим.

Зарарни камайтириш мақсадида қилинган, суғурталовчи қоплаши лозим бўлган харажатлар, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар фойдасиз бўлиб чиқса ҳам, суғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бундай харажатлар суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда, бошқа зарарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан ошиб кетиши мумкинлигидан қатъий назар, қопланади.

Суғурта қилувчи эҳтимол тutilган зарарни камайтириш учун қасдан чоралар кўрмагани оқибатида кўрилган зарарни қоплашдан суғурталовчи озод қилинади.

953-модда. Суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг айби билан суғурта ҳодисаси юз беришининг оқибатлари

Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади, қасдан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий муҳофаа ёки охириги зарурат ҳолатида, шунингдек, ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тutilган ҳолларда содир этилиши бундан мустасно.

Қонуида суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчинини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тutilлиши мумкин.

Суғурталовчи суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаровий жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан, агар зарар суғурталанувчи учун жавобгар шахснинг айби билан етказилган бўлса, озод қилинмайди.

Суғурталовчи шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда тўланиши лозим бўлган суғурта пулини тўлашдан, агар унинг вафоти ўз жонига қасд қилиш оқибатида рўй берган бўлса ва бу вақтгача суғурта шартномаси қамда икки йил амал қилган бўлса, озод қилинмайди.

954-модда. Суғурталовчини суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилиш асослари

Суғурталовчи, агар қонуида ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ҳодисаси қуйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилинади:

- ядро портлаши, радиация ёки радиоактив захарланиш таъсирида;
- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий талбирлар.

Агар мулкӣ суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод қилинади.

955-модда. Суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш

Суғурталовчи мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, чунончи:

суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан, ушбу Кодекснинг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;

суғурта шартномаси ушбу Кодексда ёки бошқа қонуида назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;

суғурталовчи ушбу Кодекснинг 951-954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суғурта товонини ёки суғурта пули тўлашдан озод қилинганда;

суғурталовчи ушбу Кодексда ёки бошқа қонуида назарда тутилган асослар бўйича суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво кўзгатганида.

Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин

ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этишига қарши унга нисбатан судда даъво қўзғатиш йўли билан эътироз билдирилиши мумкин.

956-модда. Шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлаш

Шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули, ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот бўйича, бошқа суғурта шартномалари бўйича ёки зарарни қоплаш тартибида суғурта қилдирувчига, суғурталанган шахсга ёки наф олувчига тегишли суммалардан қатъий назар, шартнома қимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга тўланади.

Ушбу Кодекс 921-моддасининг учинчи қисми асосида шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахснинг меросхўрларига тўланадиган суғурта пули суғурталанган шахснинг мероси таркибига қирмайди.

957-модда. Суғурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган ҳуқуқларининг суғурталовчига ўтиши (суброгация)

Агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади. Бироқ шартноманинг билла туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини истисно қиладиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш суғурта қилдирувчининг

(наф олувчининг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини тўлик ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортикча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

958-модда. Суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг суғурталовчига ўтказилиши

Мол-мулк суғурта қилинганда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурталовчининг розилиги билан суғурталанган мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқларини унга ўтказиши ва суғурта товонини суғурта пулининг тўлик ҳажмида олиши мумкин.

959-модда. Қайта суғурта қилиш

Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш ҳавфи унинг томонидан тўлик ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобнинг тадбиркорлик ҳавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади.

Бирок асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Икки ёки бир нечта қайта суғурта қилиш шартномаларини кетма-кет тузишга йўл қўйилади. Бундай шартномаларнинг ҳар бири кейинги қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан асосий суғурта шартномаси деб ҳисобланади.

Фукарлар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда ушбу Кодекс 915-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкий манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама сугурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан сугурта қилишлари мумкин.

Икки томонлама сугурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкий манфаатларини сугурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

Икки томонлама сугурта қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мулки ва мулкий манфаатларини сугурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ҳолларда сугурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида амалга оширилади.

Ушбу бобнинг қоидалари, агар қонунда, тегишли жамиятнинг таъсис ҳужжатларида ёки жамият белгиланган сугурта қилиш қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама сугурта қилиш жамияти билан унинг аъзолари ўртасидаги сугуртага доир муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Икки томонлама сугурта қилиш йўли билан мажбурий сугуртани амалга оширишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Икки томонлама сугурта қилиш жамияти сугурталовчи сифатида, агар унинг таъсис ҳужжатларида сугурта фаолиятини амалга ошириш назарда тутилган, жамиятнинг ўзи тижорат ташкилоти шаклида тузилган, тегишли турдаги сугуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлса ва қонунда белгиланган бошқа талабларга жавоб берса, жамиятнинг аъзолари бўлмаган шахсларнинг манфаатларини сугурта қилишни амалга ошириши мумкин.

Икки томонлама сугурта қилиш жамиятининг аъзоси бўлмаган шахсларнинг манфаатларини сугурта қилиш жамият томонидан сугурта шартномалари асосида ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Икки томонлама сугурта қилиш жамиятлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари ва уларнинг фаолият юритиш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

961-модда. Мажбурий давлат сугуртаси

Фукароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунида ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий давлат сугуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий давлат сугуртаси ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Мажбурий давлат сугуртаси бевосита сугурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат сугурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (сугурталовчилар) томонидан амалга оширилади.

Ушбу бобнинг қоидалари, агар сугурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва сугурта бўйича мавжуд муносабатлар моҳиятидан келиб чиқмаса, мажбурий давлат сугуртасига нисбатан қўлланилади.

СУЎУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 05.04.2002 й. 359-II-сон
Қарорига мувофиқ амалга киритилган

Маъқур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни,
ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни,
ЎзР 21.04.2008 й. ЎРҚ-156-сон Қонуни,
ЎзР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонуни,
ЎзР 22.09.2009 й. ЎРҚ-223-сон Қонуни

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Суғурта ҳамда суғурта фаолияти

Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фонллари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Сугурта фаолияти деганда сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг сугуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

4-модда. Сугурта соҳалари ва турлари (класслари)

Сугурта куйидаги соҳаларга бўлинади:

хаётни сугурта килиш (жисмоний шахсларнинг хаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини сугурта килиш, бунда шартнома бўйича сугуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда сугурта пулларининг сугурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фойзни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) камраб олади);

умумий сугурта (шахсий, мулкий сугурта, жавобгарликни сугурта килиш ҳамда хаётни сугурта килиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа сугурта турлари).

Сугурта таваккалчиликлари ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ сугурта соҳалари сугурта турларига (классларига) бўлинади. Сугурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5-модда. Сугурта фаолияти субъектлари

Сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари сугурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади.

Сугурталовчилар, сугурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, сугурта сюрвейерлари, шунингдек, ассистанс сугурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир. (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги қисм) (Олдинги таҳририга қаранг).

Сугурта брокери, қайта сугурта брокери ва сугурта агенти сугурта воситачилари ҳисобланадилар.

6-модда. Суғурталовчи

Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофик суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас, ушбу Қонуннинг 6-1-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда матни), (Олдинги таҳририга қараг).

6-1-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш;

Ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

маҳсуе ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди (ЎзР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонуни таҳриридаги хат боши);

ЎзР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонунига мувофик бешинчи - ўн бешинчи хатбошилари тегишинча олтинчи - ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек, суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огохлантириш чора-тадбирларини маҳсуе ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;

суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қондаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;

суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

суғурта товони тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчи:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

фирманинг номи, ташкилий-хукукий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта килдирувчиларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда етказиши;

суғурта захираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

махсус ваколатли давлат органи белгиланган тартибда бир йилда камидан бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

махсус ваколатли давлат органи белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

7-модда. Суғурта брокери

Суғурта килдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини таъкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта брокерининг фаолияти бундан мустаснодир.

Суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Суғурта брокери ўзи билан суғурта килдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

8-модда. Қайта сугурта брокери

Ўз номидан ва қайта сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта қилдирувчи тарикасида иштирок этувчи сугурталовчининг топширигига биноан қайта сугурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта сугурта брокери ҳисобланади.

8-1-модда. Сугурта ҳамда қайта сугурта брокерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Сугурта ва қайта сугурта брокерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сугуртанинг (қайта сугурта қилишнинг) ҳар қандай тури бўйича ваколатлар доирасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

сугурта (қайта сугурта қилиш) шартномаси тузилган тақдирда, сугурталовчини (қайта сугурталовчини) танлаш;

сугурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг миқдорлари, сугурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек, сугурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

Сугурта ва қайта сугурта брокерлари қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Сугурта ва қайта сугурта брокерлари:

сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

сугурта шартномасини тузиш ва ижро этиш бўйича тўлик, ишончли ҳамда ҳолисона ахборотни миқозларнинг сўровларига кўра тақдим этиши;

миқознинг тижорат сирини ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Сугурта ва қайта сугурта брокерларининг зиммасида қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-модда. Суғурта агенти

Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонунига мувофиқ 9-модданинг учинчи қисми қуйидаги учинчи - олтинчи қисмлар билан алмаштирилган, (Олдинги тахририга қаранг).

Суғурта агенти ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топширик шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Суғурта агенти фақат ўзи билан топширик шартномаси (агент битими) тузган суғурталовчи реестрига киритилганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Қуйидагиларга:

суғурта агентининг тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномалари тузишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бўйича суғурта агентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган чет эл суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятига йўл қўйилмайди.

Суғурта агенти - жисмоний шахс ўз номига, тўловлар нақд пуллар билан амалга оширилганида эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, қизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига суғурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзишга, шунингдек, ўз фойдасига суғурта шартномалари тузишга ва бунда мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти сифатида иш қўришга ҳақли эмас.

9-1-модда. Сугурта агентининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Сугурта агенти куйидаги ҳуқуқларга эга:

сугурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида сугуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан, мажбурий сугурта турлари бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

сугуртага қабул қилинаётган сугурта таваккалчилигини баҳолашда, сугурта ходисаси юз берганда сугурта тўловини тўлашда ва сугурта қилдирувчининг сугурта муқофотини тўлик ҳажмда ҳамда сугурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлашида зарур кўмак кўрсатиш;

сугурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, сугурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек, сугурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар олиш;

сугурта шартномаси (сугурта полиси) тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

сугурта қилдирувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида сугурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида барча учун очик бўлган манбалардан таваккалчилик ва сугурта қилдирувчи тўғрисида сугурта қилдирувчининг шахсий ҳаётига аралашмаган ҳолда маълумотлар тўплаш.

Сугурта агенти қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Сугурта агенти:

сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

сугурта шартномаси тузишда ва сугурта товони тўлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашиши;

сугурта тарифлари, сугурталовчилар томонидан таклиф этилаётган сугурта шартлари ҳақида, лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, сугурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек, сугурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида ахборотга эга бўлиши;

сугурта шартномасини расмийлаштиришда сугурта қилдирувчи тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши, унга сугурта таваккалчилигини

пайсантириши ва суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайитришига қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишни тақлиф этиши;

суғурта қилдирувчиларнинг сўровига кўра уларга суғуртанинг амалдаги шартлари тўғрисида ахборот бериши;

суғурта шартномаларини белгиланган тартибда тузиши ва янги муддатга ўз вақтида қайта расмийлаштириши;

тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта мукофотлари суммалари ҳисобини белгиланган шаклда юритиши;

суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида таваккалчилик шарт-шароитларининг жиддий равишда ўзгаришига тааллуқли ахборотни суғурталовчи ўз вақтида олишини, шунингдек, суғурта эътирозлари юзага келганда ҳамда уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида ахборотнинг ўз вақтида алмашилишини таъминлаши;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда, суғурталовчининг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан суғурта тўловлари тўланишини ташкил этиши шарт.

Суғурта агентининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-2-модда. Аджастер

Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда - суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;

тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш;
суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича ҳулоса тузиш.

Аджастер ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Аджастер:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Аджастер хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилиб, ундан суғурталовчи зарарларнинг ўрнини қоплаш ва ниволарни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Аджастернинг ҳисоботида кўрсатилган ҳулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-3-модда. Аджастернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аджастер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аджастер хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлаш;

суғурта воқеасини (суғурта ҳодисасини) ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олиш;

суғурта ҳодисаси юз берганидан сўнг суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

ўзи суғурта объектини сиртдан (зарур ҳолларда - техника воситаларини қўллаган ҳолда) кўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш;

фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик аҳамиятга молик зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш.

Аджастер қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аджастер:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта ҳужжатларининг сакланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини саклаши;

суғурта ҳодисасига тааллуқли маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш учун чора-тадбирлар кўриши шарт.

Аджастер зиммасида қону ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-4-модда. Актуарий

Актуарий қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;

суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўшланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга қўмақлашадиган тарзда аниқлаш;

суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннаرخини ҳисоб-китоб қилиш;

суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узок муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Актуарий суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ фақат актуар хизматлари кўрсатади.

Актуарий, агар у актуар ташкилот штагида турган бўлса ёки актуар ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишга жалб этилиши мумкин.

Актуарий сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат ёки бошқа сирни ошкор қилганлик ва актуар ташкилот зарар кўришига олиб келган ўзга хатти-харакатлар натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар хизматлари кўрсатиш учун актуарий махсус ваколатли давлат органи белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини олиши шарт.

Юридик шахс бўлган актуарий ўз штатида актуарий малака сертификатига эга бўлган камда битта актуарийга эга бўлиши керак.

Актуарий:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказиши;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишига;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишига ҳақли эмас.

Актуарий фаолияти натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади.

Актуарий ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқиши мумкин (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги модда).

9-5-модда. Актуарийнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Актуарий қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини (қайта суғурталовчини) эркин танлаш;

актуар хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишни рад этиш;

бошқа актуарийларни ва ўзга мутахассисларни актуар хизматлари кўрсатишида иштирок этишига белгиланган тартибда жалб этиш.

Актуарий қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Актуарий:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

актуар хизматлари кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

актуар хулосасида актуар ҳисоб-китобларнинг камчилик фактларини ва уларни бартараф этишига доир таклифларни ақс эттириши шарт.

Актуарий зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-6-модда. Суғурта сюрвейери

Суғурта сюрвейери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш.

Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби суғурта сюрвейери томонидан белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширадн.

Суғурта сюрвейери:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта сюрвейери ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилади, суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-7-модда. Суғурта сюрвейерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта сюрвейери:

хизматлар кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлашга;

суғурта объектини ўрганиш учун суғурта килдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли.

Суғурта сюрвейери конун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта сюрвейери:

суғурта фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта экспертизаси ўтказиш учун тарафлар тақдим этган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши шарт.

Суғурта сюрвейери зиммасида конун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-8-модда. Ассистанс

Ассистанс суғурта килдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида ассистанс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Ассистанс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Ассистанс хизматларига суғурта килдирувчилар (суғурталанган шахслар) иштирокисиз факат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.

Ассистанс:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

9-9-модда. Ассистанснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ассистанс куйидаги ҳуқуқларга эга:

ассистанс хизматлари кўрсатилиши бўйича суғурталовчилар билан мустақил равишда шартнома тузиш;

ассистанс хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ахборот суғурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ассистанс хизматлари кўрсатилиши рад этиш;

тегишли мутахассисларни ассистанс хизматлари кўрсатишида иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Ассистанс конун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ассистанс:

суғурта фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта килдирувчилардан (суғурталанган шахслардан) суғурта воқеалари (суғурта ҳолисалари) тўғрисидаги хабарлар кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиши ва суғурта шартномаси доирасида, тақдим этилган суғурта полиси асосида суғурта килдирувчиларга (суғурталанган шахсларга) зарур ёрдам кўрсатиши;

суғурта ҳолисаларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чораталбирларини кўриши шарт.

Ассистанс зиммасида конун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги модда).

10-модда. Махсус ваколатли давлат органи

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга

қобилиятини ақс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлилигининг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорлигининг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;

- сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг сугурта фаолиятини лицензиялайди;

- сугурталовчиларнинг сугурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек, бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг);

- сугурталовчининг, сугурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди (ЎЗР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг);

- сугурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек, уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг);

- қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

- сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, белгиланган иқтисодий нормативлар сугурталовчи томонидан бузилганлиги учун сугурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизгача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади (ЎЗР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонуни тахриридаги хат боши);

ЎЗР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонунига мувофиқ тўққизинчи - ўн бешинчи хат бошилари тегишинча ўнинчи - ўн олтинчи хат бошилар деб ҳисоблансин.

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сугурталовчилар ва сугурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим сугурта

турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек, уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади (ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни тахриридаги хат боши);

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши куралиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўлайди (ЎзР 22.09.2009 й. ЎРҚ-223-сон Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши);

ЎзР 22.09.2009 й. ЎРҚ-223-сон Қонунига мувофиқ ўн биринчи-ўн олтинчи хат бошилари ўн иккинчи-ўн еттинчи хат бошилар деб ҳисоблансин.

- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек, суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

- суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги хат боши);

- актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги хат боши);

- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказади (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги хат боши);

- белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатиغا эга бўлган актуарийлар реестрини юритади (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги хат боши);

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида

иштирок этишга, шунингдек, суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмаслар.

11-модда. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, шунингдек, суғурта бозорининг юридик шахс бўлган бошқа профессионал иштирокчилари конунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилagan тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш эса, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги модда), (Олдинги тахририга қаранг).

12-модда. Суғурталовчиларнинг устав фонди

Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори конун ҳужжатлари билан белгиланади (ЎЗР 22.12.2008 й. ЎРҚ-192-сон Қонуни тахриридаги қисм).

Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчининг бошланғич устав фонди лицензия олинadиган пайтга қадар муассислар томонидан шакллантирилган бўлиши ва конун ҳужжатларида белгиланган устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак (ЎЗР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг).

13-модда. Суғурталовчиларнинг фирма номига қўйиладиган талаблар

Суғурталовчиларнинг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг номи билан бир хил ёки улар билан чалқаштириб

юбориладиган даражада ўхшаш белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, суғурталовчиларнинг филиаллари, шунингдек, унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташкил этилган суғурталовчиларнинг номлари бундан мустаснодир.

14-модда. Суғурталовчининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ёки жойлашган манзилни ўзгартириш

Суғурталовчининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган манзили ўзгарган тақдирда суғурталовчи бу ҳақда суғурта килдирувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали, ўз ижросидаги бир йилдан ортиқ муддатли суғурта шартномалари бўйича эса ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

15-модда. Суғурта фаолиятини лицензиялаш

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда махсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилди. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни назарда тутаяётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.

**16-модда. Сугурталовчининг лицензияси
амал қилиши тўхтатиб турилишининг
ўзига ҳос хусусиятлари**

Сугурталовчининг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги сугурта шартномалари тузиши тақикланишига, шу жумладан, амалдаги сугурта шартномалари узайтирилишининг тақикланишига сабаб бўлади. Бунда сугурталовчи илгари тузилган сугурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга мажбурдир.

**17-модда. Сугурталовчининг лицензияси
амал қилиши тугатилишининг
ўзига ҳос хусусиятлари**

Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш кун ичида маҳсус ваколатли давлат органи сугурталовчини тугатиш тўғрисидаги ариза билан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт.

Сугурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатиб турилади ва маҳсус ваколатли давлат органи томонидан тайинлаган сугурталовчининг муваккат маъмуриятига ўтади. Муваккат маъмурият суд қарор чиқаргунга қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади.

Сугурталовчи муваккат маъмуриятининг ҳисоботи маҳсус ваколатли давлат органига ҳамда сугурталовчини тугатиш тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органининг аризаси йўлланган судга тақдим этилади.

Сугурталовчининг муваккат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, сугурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), сугурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган сугурта шартномалари бўйича сугурта ходисалари юз берганда сугурта товонини (сугурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир.

Сугурталовчи муваккат маъмуриятининг ишлаш тартиби маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари сугурталовчининг аризасига биноан лицензия бекор қилинган ҳолларга, шунингдек, унинг муассислари

(иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчининг бошқарув органи қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилишига тааллуқли эмас.

18-модда. Суғурталовчиларни қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчиларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси билан амалга оширилиши мумкин.

Суғурталовчи қайта ташкил этишга рухсатнома олиш учун махсус ваколатли давлат органига тегишли ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчи бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

тузилаётган суғурталовчининг баланси ва фаолиятининг тахминий молиявий натижалари;

қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шартномасининг лойиҳаси (қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётганда).

Суғурталовчиларни қайта ташкил этишни ўтказиш учун берилган ариза зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида махсус ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиши керак.

Махсус ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда суғурталовчиларни қайта ташкил этишга рухсатнома беришни рад қилишга ҳақли, агар:

суғурталовчини қайта ташкил этиш натижасида янгитдан ташкил қилинадиган суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига доир талаблар бузилиши мумкин бўлса;

суғурталовчиларнинг қайта ташкил этилиши суғурта бозорида рақобатнинг чекланишига ёки бартараф этилишига олиб келиши мумкин бўлса;

суғурталовчиларни қайта ташкил этишга рухсатнома берилиши сўраб тақдим қилинган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар бўлса ёхуд бу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига номувофик бўлса;

суғурталовчиларни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларига зид бўлса.

Кўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганда суғурталовчи (суғурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилади. Қайта ташкил этиш натижасида янгитдан тузилган суғурталовчиларга лицензияларни бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Кўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган даври учун ҳамда янгитдан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунга қадар бўлган даврда улар янги суғурта шартномаларини тузишга, амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмаслар, илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммаларига олинган, ҳуқуқий ворислик тартибда ўзларига ўтган мажбуриятларни бажариш ҳоллари бундан мустаснодир.

Кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётганда ўзига бошқа суғурталовчи қўшилаётган суғурталовчи, агар қўшиб олиш натижасида лицензиянинг шартлари ўзгармаса, амалдаги лицензияни сақлаб қолади.

19-модда. Суғурталовчиларни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчи ўзининг муассислари (иштирокчилари) ёки суғурталовчининг таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи қарорига биноан тугатилаётганда махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси талаб қилинади.

Муассислар (иштирокчилар) ёхуд суғурталовчининг таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи томонидан тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин суғурталовчи махсус ваколатли давлат органига тугатишга рухсатнома олиш учун ариза билан ёзма равишда мурожаат этган ҳолда қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги қарор;

мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотлар;

суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санагача бўлган, аудиторлик ҳулосаси билан тасдиқланган баланс ҳисоботи;

суғурталовчини тугатиш муддатлари ва шартлари кўрсатилган ҳолдаги тугатиш режаси.

Суғурталовчини тугатишга рухсатнома олиш учун берилган ариза зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кун ичида махсус ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиши керак.

Махсус ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини тугатиш учун рухсатнома бериш билан бир вақтда суғурталовчининг тақдим этилган тугатиш режасига ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда суғурталовчини тугатишга рухсатнома беришни рад этишга ҳақли, агар:

тугатиш натижасида суғурта килдирувчиларнинг ҳамда суғурталовчи кредиторларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилса;

суғурталовчини тугатишга рухсатнома берилиши учун тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар бўлса ёки бу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига номувофик бўлса.

20-модда. Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талабларини қаноатлантириш навбати

Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, тугатиладиган суғурталовчининг асосий вазифаларини таъминлаш зарурати билан келиб чиқадиган харажатлар тўланганидан сўнг қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда - ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта килдирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда - суғурта килдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда - бошқа суғурта килдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда - бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Кўрсатилган талаблар тўлиқ қаноатлантирилгандан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда - суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

21-модда. Суғурталовчининг суғурта захиралари

Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта

мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

22-модда. Суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафолатлари

Суғурталовчилар айрим таваккалчиликлар бўйича йўл қўйиладиган энг кўп миқдордан ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдоридан ортиқ мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари мумкин эмас, уларнинг бу мажбуриятларни бажариш қобилияти тўловга қобилиятлилик нормативларига ва молиявий барқарорликнинг бошқа талабларига мувофиқ қайта суғурта қилинган ҳоллар буцдан мустаснодир. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш суғурталовчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилишга ҳақлидирлар.

23-модда. Суғурталовчилар бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчилар, суғурта брокерлари ва қайта суғурта брокерлари махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

24-модда. Монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслиги

Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки баргараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига караганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига ўз уюшмалари (иттифоқлари) ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини

монополлаштиришга қаратилган битимларга эришиш йўлида фойдаланиш тақиқланади.

25-модда. Ахборот олиш ҳуқуқи

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, шунингдек, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурталовчиларнинг сўровига кўра суғурта ходисаларининг юз бериши сабаблари ва ҳолатлари тўғрисидаги ҳамда суғурта товони миқдорлари суғурталовчи томонидан аниқланиши мақсадида етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ҳулосаларни тақдим этишлари шарт.

Маҳсуе ваколатли давлат органи суғурталовчилар ёки суғурта брокерларидан қабул қилинган пул маблағлари ва мажбуриятларининг миқдорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек, бошқа ахборотни ўз ваколати доирасида талаб қилиб олишга ҳақли. Бундай ахборотни талаб қилиб олиш ёзма равишда, сўров сабаблари кўрсатилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Маҳсуе ваколатли давлат органи ўзи олган ахборотнинг сир тутилишига риоя этиши шарт, ахборотнинг ошқор қилиниши конунда рухсат этилган ҳоллар бундан мустасно.

26-модда. Суғурта сир

Суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиги, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисоб варақлари мавжудлиги, ушбу ҳисоб варақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ошқор қилиниши мумкин эмас.

Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очик ахборот бўлиб, суғурта сир

предмети бўлиши мумкин эмас (ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

ЎзР 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонунга мувофиқ иккинчи-тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи-бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар суғурта қилдирувчи, шунингдек, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар ўзларига тааллуқли маълумотларга доир ёзма розилик берганда учинчи шахсларга ошқор қилиниши мумкин.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ маълумотлар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчининг розилиги олинмаган ҳолда суғурталовчи томонидан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига белгиланган тартибда тақдим этилади (ЎзР 21.04.2008 й. ЎРҚ-156-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

ЎзР 21.04.2008 й. ЎРҚ-156-сон Қонунига мувофиқ тўртинчи - бешинчи қисмлари тегишинча бешинчи - олтинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчиларнинг розилигини олмаган ҳолда суғурталовчилар томонидан судга, прокурорга, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда эса, суриштирув ва тергов органларига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Тузилган суғурта шартномалари ва амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчи жисмоний шахс вафот этган тақдирда қуйидагиларга берилади:

суғурта қилдирувчи ўз васиятномасида кўрсатган шахсга;

суд ва нотариусга уларнинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар бўйича суднинг қарори ёки нотариуснинг ўз муҳри билан тасдиқланган ёзма сўрови асосида. Нотариуснинг ёзма сўровига суғурта қилдирувчи вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси илова қилинган бўлиши керак;

консулга унинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар юзасидан.

Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади (ЎзР 22.09.2009 й. ЎРҚ-223-сон Қонунига мувофиқ киритилган қисм).

27-модда. Чет эл суғурта ташкилотларининг фаолияти

Чет эл суғурта ташкилотлари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахслар - суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин.

Чет эл суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурта қилишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган транспорт воситалари ва бошқа ўзинорар машиналар ҳамда механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бунда ана шундай суғурта шартномаларини тузиш суғурталовчилар ва суғурта воситачилари Ўзбекистон Республикасининг резидентлари орқали амалга оширилади.

28-модда. Низоларни ҳал этиш

Суғурта фаолияти соҳасидаги низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29-модда. Суғурта фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Суғурта фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Сугурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва
ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
2008 йил 21 майдаги ПҚ-872 – сон Қарори**

Сугурта фаолиятини янада такомиллаштириш, сугурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва сугурта ташкилотларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, сугурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган сугурталовчилар учун низом жамғармасининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

- умумий сугурта соҳасида - 750 минг еврога эквивалент суммада;
- ҳаётни сугурта қилиш соҳасида - 1000 минг еврога эквивалент суммада;
- мажбурий сугурта бўйича - 1500 минг еврога эквивалент суммада;
- факат қайта сугурта қилиш бўйича - 4000 минг еврога эквивалент суммада.

Фаолият кўрсатаётган сугурта ташкилотлари (сугурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда низом жамғармаси миқдорларини юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарорнинг 1-банди талабларига жавоб бермайдиган сугурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрсин.

3. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

- сугурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда сугурталовчилар томонидан кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди;
- сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади);

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам низом жамғармасининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима белгиланган тартибда солинади ва жарима суммаси республика бюджетига ўтказилади.

4. 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;
- суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фойзлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинсин ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, кишлоқ жойларида ҳудудий бўлимларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

- мазкур қарор билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартибни тўғрисида Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда суғурталовчиларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жарима санкциялари тўғрисида Низом.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

- Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин;

- вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 28 январдаги
19-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2003 йил
1 февралда 1213-сон билан давлат рўйхатига олинган

“Суғурта агентлари тўғрисида НИЗОМ”

(Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
21.06.2007 й. 1213-1-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги
Конунининг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли “Суғурта фаолиятини давлат
томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ
инлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта агентлари
фаолияти шартларини белгилайди.

Мазкур Низом суғурта брокерларига нисбатан қўлланилмайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом мақсадида куйидаги тушунчалар қўлланилади:

“Суғурта агенти” - суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан
суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш
бўйича фаолият юритувчи жисмоний ёки юридик шахс;

“Суғурта агентининг фаолияти” - суғурталовчи тақдим этган ваколат
доирасида суғурталовчи номидан ва топшириғига биноан суғурта
шартномаларини тузиш ва ижро этилиши билан боғлиқ бўлган воситачилик
фаолияти;

“Давсуғуртаназорат” - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси.

2. Суғурта агентлари суғурта шартномаларини тузиш ва ижро этилиши
билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятини суғурталовчи билан тузилган
топширик шартномаси (агентлик битими) асосида амалга оширадилар.

II. СУГУРТА АГЕНТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

3. Агарда топширик шартномаси (агентлик битими)да томонлар тарафидан бошқаси эътироф этилмаган бўлса, суғурта агентининг фаолияти куйидагиларни ўз ичига олади:

- суғурта шартномасини тузиш учун мижозларни кидириш;
- суғурта қилинувчиларга суғурталовчи ҳақида маълумот бериш;
- суғурта қилинувчиларга суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган, уларни кизиктирадиган суғурта хизматларининг тури бўйича маслаҳатлар бериш, суғурта қилинувчиларга турли шартларда суғурта шартномаларини тузиш имкониятини тушунтириш ва суғурта таваккалчилигини максимал қоплаш ва зарарларни қоплаш бўйича суғурта қилинувчининг харажатларини камайтириш мақсадида шартноманинг энг оптимал турини танлаган ҳолда суғурта шартномасини тузиш имкониятини тушунтириш ҳамда умуман суғурта бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

- суғурта қилинувчидан қабул қилинадиган таваккалчилик ва суғурта тарифларини асосланиши ҳақида суғурталовчига кўпроқ ахборот бериш мақсадида таваккалчилик, суғурта қилинувчи тўғрисида олдиндан ахборот тўплаш;

- суғурта шартномасини (суғурта полисини) имзолаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ёки расмийлаштириш, суғурталовчи номидан шартномани имзолаш;

- суғурта шартномаси давомида таваккалчилик шартларининг жиддий ўзгаришига тааллуқли бўлган ҳар қандай маълумотни суғурталовчи томонидан ўз вақтида олинишини таъминлаш;

- суғурта даъвосининг келиб чиқишида ва уларнинг тартибга солиниши жараёнида суғурта қилинувчи ва суғурталовчи ўртасида ўзаро ахборотлар алмашишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;

- тегишли келишув асосида суғурталовчининг ҳисобидан ва топшириғи бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш;

- берилган ваколатларга мувофиқ суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини (мукофотларини) инкассация қилиш;

- суғурта бўйича воситачилик фаолияти билан боғлиқ бўлган, аммо ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари бошқа хизматлар.

4. Йўл кўйилмайди:

- тегишли лицензия олмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномасини тузиш;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган чет эл суғурта ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бўйича суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолияти, агарда Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномаларда бошқача қоидалар кўрсатилмаган бўлса.

5. Суғурта агентлари - жисмоний шахслар суғурта шартномалари бўйича ҳужжатларни ўзининг номига ёздиришлари, тўловлар нақд тўланган ҳолатларда эса - яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, кизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига ёздиришлари, шунингдек, суғурта шартномаларини ўз фойдасига расмийлаштириши ва ушбу суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти бўлишлари мумкин эмас.

III. СУГУРТА АГЕНТИНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Суғурта агенти суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури бўйича, жумладан, суғурталашнинг мажбурий турлари бўйича, агар амалдаги қонунчиликда бошқача шартлар белгиланган бўлмаса, воситачилик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7. Суғурта агенти ҳуқуқи ва мажбуриятларининг аниқ рўйхати топширик шартномаси (агентлик битими) билан белгиланади. Топширик шартномаси (агентлик битими) тузилган кундан беш кун ичида суғурта агенти - жисмоний шахсга ўрнатилган шаклдаги хизмат гувоҳномаси берилади (мазкур Низомга Илова).

8. Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- суғурталашга қабул қилинаётган суғурта хатарини баҳолаш чоғида, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини амалга ошириш бўйича ва суғурталанувчи томонидан суғурта мукофоти суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлик ҳажмда тўланишига зарур қўмақ кўрсатиш;

- суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг миқдори, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар, шунингдек, унинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумотлар олиш;

- суғурталовчи томонидан тақдим этилган ваколатлар доирасида исталган суғурталаш тури бўйича, шу жумладан, мажбурий суғурталаш турлари бўйича ҳам воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

- суғурта шартномасини (суғурта полисини) тузиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- суғурталанувчининг шахсий ҳаётига аралашмасдан, суғурталовчига суғурталанувчидан қабул қилинаётган хатарлар тўғрисида тўларок ахборот бериш мақсадида хатар ва суғурталанувчи тўғрисида ҳамма фойдалана оладиган манбалардан маълумотлар йиғиш;

- конун ҳужжатлари ва шартнома билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар (ЎЗР АВ 21.06.2007 й. 1213-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ буйруғи таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қараиш).

9. Суғурта агентининг мажбуриятлари:

- суғурта шартномасини тузиш ва суғурта қошламасини тўлаш чоғида ҳужжатларни, шунингдек, суғурталашга хоё бўлган бошқа ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришга қўмаклашиш;

- суғурта тарифлари, суғурталовчилар таклиф этаётган суғурталаш шартлари, лицензиянинг мавжудлиги, устав фонднинг, суғурта захираларининг миқдори ва қабул қилинган мажбуриятлар, шунингдек, унинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги тўғрисида ахборотга эга бўлиш;

- суғурта шартномасини расмийлаштириш чоғида суғурталанувчи тўғрисида имкони борича, мумкин бўлган ахборотга эга бўлиш, унга суғурта хатарини пасайтириш ва суғурта ҳодисаси бошланганининг эҳтимолини қамайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни ўтказишни таклиф қилиш;

- ишда қонунчилик талабларига қатъиян амал қилиш;

- суғурталанувчиларни, уларнинг сўровига қўра, амалдаги суғурталаш шартлари тўғрисида батафсил ва тўғри хабардор қилиш;

- суғурта ҳужжатларида назарда тутилган реқвизитларни батариб ва аниқ тўлдирган, устидан ёзиш, ўчириш ва тузатишларга йўл қўймаган ҳолда суғурта шартномаларини тўғри тузиш ва уларни ўз вақтида янги муддатга қайта расмийлаштириш. Суғурталовчининг суғурта ҳужжатларини тўлдиришга нисбатан қўйган талабларини қатъиян бажариш;

- белгиланган шакллар бўйича тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта муқофоти суммалари ҳисобини батариб юритиш;

- суғурта ҳужжатларининг сақлаишини таъминлаш;

- мижознинг тижорат ёки бошқа хил сирини ташкил этадиган далилларга нисбатан махфийликни саклаш;

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда хатар шартларининг жиддий ўзгаришларига тааллуқли бўлган ҳар қандай ахборотнинг суғурталовчи томонидан ўз вақтида олиншини таъминлаш, шунингдек, суғуртага оид эътирозлар юзага келиши ва уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида ахборотни ўз вақтида ва сифатли айирбошлаш;

- тегишли келишув мавжуд бўлганида суғурта тўловларини суғурталовчининг топшириги ва ҳисобига кўра ташкил этиш;

- қонун ҳужжатлари ёки шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш (ЎЗР АВ 21.06.2007 й. 1213-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Буйруғи тахриридаги банд), (Олдинги тахририга қаранг).

IV. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲИСОБЛАШИШ ТАРТИБИ

10. Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоблашишнинг аниқ тартиби суғурта агенти ва суғурталовчи ўртасида тузилган топширик шартномаси (Топширик шартномаси (агентлик битими))да кўрсатилади. Топширик шартномаси (Топширик шартномаси (агентлик битими))да қуйидагилар назарда тутилади:

- суғурталовчи ва суғурта агенти ўртасида ўзаро ҳисоблашиш тартиби;
- суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш муддати;
- комиссия тўловларнинг ҳажми, тўлаш шarti ва тартиби;
- агентнинг хизмат мажбуриятлари.

11. Суғурта агентлари меҳнатига ҳақ тўлаш суғурта агенти тузган суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (тўловлари)дан комиссия пули шаклида амалга оширилади.

Комиссия пули миқдори суғурта агенти тузган суғурта шартномалари бўйича суғурталовчи ҳисоб рақамига тушган суғурта мукофотлари (тўловлари)нинг 25 фоизидан ошиши мумкин эмас.

12. Суғурта мукофотлари суғурта агентининг ҳисобига келиб тушганда, суғурта агенти уларни суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиши, суғурта мукофотларини нақд пулда қабул қилиб олганда эса суғурта агенти уларни ўша куннинг ўзида ваколатли банкнинг қирим кассасига топшириши керак.

13. Суғурта агенти суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш муддатига амал қилмаса ёки уларни асоссиз ушлаб турса,

ўша даврда суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта килинувчининг олдидаги суғурта товони (суғурта пули) тўлаш бўйича мажбуриятларга суғурта агенти жавобгар бўлади.

14. Суғурта агенти ва суғурталовчи ўртасида топширик шартномаси (агентлик битими) тузилгандан кейин томонларнинг ҳеч қайсиси бошқа томоннинг ёзма розилигисиз тузилган топширик шартномаси (агентлик битими) бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас.

15. Суғурта агенти ва суғурталовчи енгиб бўлмас куч томонидан содир этилган ҳолат, жумладан, ёнғин, табиий офат, урушлар, ҳар қандай тусдаги ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, иш ташлашлар, террорчилик ва кўпоровчиликлар актлари, олдиндан кўриб билиб бўлмас ва енгиб бўлмас тусдаги авариялар, ҳуқуматнинг фаолияти ва давлат сиёсатининг ўзгариши каби ҳолатлар содир бўлганда ва мазкур ҳолатлар битимнинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатганда топширик шартномаси (Топширик шартномаси (агентлик битими)) бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

Бунда топширик шартномаси (Топширик шартномаси (агентлик битими)) бўйича мажбуриятларни бажариш муддати шундай ҳолатлар давом этган муддатга узайтирилади.

16. Суғурта шартномаси муддатидан олдин тугатилганда суғурта агенти суғурталовчига ўтган даврда олинган мукофот пулларини мутаносиб равишда қайтариши керак.

V. СУГУРТА АГЕНТИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

17. Давсуғуртаназорат қонунчилик томонидан ўрнатилган тартибда суғурталовчиларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради.

Бунда Давсуғуртаназорат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- суғурта агентлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- белгиланган тартибда суғурта бўйича воситачилик фаолиятининг текширувларини ўтказиш;

- суғурталовчилардан ўз фаолияти доирасида зарур ахборотларни сўраб олиш.

18. Суғурталовчи суғурта агенти билан тузган топширик шартномаси (Топширик шартномаси (агентлик битими))ни қуйидаги ҳолларда бекор қилиши шарт:

- суғурталовчига суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда ёки тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда;

- суғурта агенти томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганда;

- топширик шартномаси (агентлик битими) тузилган қушдан бир йил давомида воситачилик фаолияти амалга оширилмаганда;

- қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан асоссиз равишда мунтазам равишда бош тортганда;

- суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта агенти муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

- суғурта агенти ишнини давом эттириш имкониятини истисно қилувчи ҳақидаги жазосини бериш тўғрисидаги суд ҳукмининг қонуний қучга кириши.

19. Суғурта агентлари иши устидан назоратни топширик шартномаси (Топширик шартномаси (агентлик битими))га мувофиқ суғурталовчи амалга оширади. Суғурта агентлари фаолиятини текшириш бир йилда камида бир мартадан ўтказилади. Бунда жойларда (таълаб ўтказилиш ҳолатида) суғурталовчиларга топширилган ва суғурта қилинувчилар томонидан берилган ҳужжатлардаги ёзувларнинг мослиги, суғурта шартлари бўйича агентлар томонидан берилган ёзма тушунтиришларнинг тўғриллиги ва ҳоказолар текширилиши шарт.

VI. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

20. Суғурталовчига етказилган зарур учун суғурта агенти ўзининг айби билан етказилган зарар бўйича амалдаги қонунчилик асосида моддий жавобгарлик олиб боради.

21. Суғурталовчи ва суғурта агенти ўртасидаги битимда ҳамма бахслар ечими топилмаган ҳолатда, Ўзбекистон Республикасининг ўрнатилган қонунчилиги тартиби асосида ҳал этилади.

22. Суғурта агентлари ассоциация, уюшма ёки бошқа профессионал бирлашмалар тузиш ҳуқуқига эга.

23. Ушбу Низомда кўрсатилмаган ҳолатларда суғурта агенти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амал қилади.

Суғурта агентлари ҳақидаги Низомга
ИЛОВА

_____ - соқли ХИЗМАТ ГУВОҲНОМАСИ

_____ (тўлиқ фамилияси, исми, шарифи)

(суғурталовчининг тўлиқ номи)

_____ суғурта агенти бўлиб ҳисобланади.

Фотосурат

“__” _____ 20__ йилгача ҳақиқий.

Суғурталовчининг раҳбари _____ М. Ў.

(имзо)

Суғурта агентига юқорида кўрсатилган суғурталовчи номидан _____ сўмдан ошмаган суғурта пули миқдорида жисмоний ва юридик шахслар билан суғурта шартномасини тузиш, шартнома бўйича суғурта мукофотларини олиш ва ўз имзоси остида ўрнатилган кўринишдаги суғурта ҳужжатлар (суғурта полиси, гувоҳнома ва квитанциялар)ни тарқатиш ҳуқуқи берилган.

“__” _____ 20__ йилгача узайтирилган.

Суғурталовчининг раҳбари _____ М. Ў.

(имзо)

“__” _____ 20__ йилгача узайтирилган.

Суғурталовчининг раҳбари _____ М. Ў.

(имзо)

Мол-мулкни зарардан, оловдан ва табиий офатлардан сугурталаш ШАРТНОМАСИ

_____ ш. 200__ йил “ ____ ” _____

Кейинги матнда «Сугурталовчи» деб номланувчи _____
(Сугурталовчининг номи)

номидан _____ бир томондан ва кейинги матнда
(Сугурталовчи раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс)

«Сугурталанувчи» деб номланувчи _____ номидан
(фукаронинг Ф.И.Ш. ёки корхона номи)

_____ асосида иш кўрувчи _____
(низом, ишончнома ва б.) (лавозими, Ф.И.Ш.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Сугурталовчи сугурта ходисаси юз берганда Сугурталанувчининг мол-мулкига етказилган зарарни қуйида белгиланган тартиб ва миқдорда қоплаш, Сугурталанувчи эса сугурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатда сугурта мукофоти(бадали)ни тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш билан боғлиқ мулккий манфаатлар сугурта объектлари ҳисобланади.

1.3. Ушбу Шартномага мувофиқ Сугурталанувчи Анкета-аризада ёки бошқа барча иловаларда Сугурталовчига тақдим этган ҳужжатлар, ҳисоботлар ва маълумотлар мазкур Шартномани ажралмас қисми эканлигини ҳамда бу маълумотларнинг тўғрилиги ва аниқлигини тасдиқлайди.

ДЕКЛАРАЦИЯ

1	Сугурталанувчи	
2	Бенефициар (наф олувчи)	
3	Сугурта объектининг номи ва жойлашган манзили	
4	Сугурта ходисалари	Мазкур Шартноманинг 2.1. бандида кўзда тутилган калтисликлар натижасида мол-мулкнинг жисмоний йўқолиши ва шикастланиши
5	Сугурта муддати	_____ ой.
6	Шартнома валютаси	Сўм Ўз.Р.
7	Сугурта пули	_____ сўм
8	Сугурта тўлови (мукофот)	Сугурта суммасидан _____ % ёки _____ сум
9	Кайтарилиш даражаси (лимити)	Сугурта пулининг 100 фоизгача.
10	Тўлов шакли (нақд, пул ўтказиш)	
11	Тўлаш муддати	200 й. " ____ " _____ гача
12	Франшиза (шартсиз)	Хар бир сугурта ходисаси бўйича сугурта пулидан (фоиз)

2. Сугурта ходисалари

2.1. Мазкур шартномага мувофиқ Сугурталовчи мол-мулкнинг жисмоний йўқолиши ва шикастланишидан кўрилган тўғридан-тўғри зарарларни қуйидагилар натижасида юзага келган бўлса қўлайди:

Сугурта таваккалчиликларининг номи	Тариф %
Табий офатлар: бўрон, довул, жала, ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, ернинг сурилиши, ер ости сувларининг ҳаракати, сел, чакмоқ уриши, zilзила, дўл, кўп қор ёғиши ёки музлаш.	
ёнгин, порглаш.	
қулфни синдириб (бузиб) қилинган ўғрилик; машина ва механизмларнинг, қурилмаларнинг, шунингдек, учувчи жисмларнинг қулаб тушиши.	
учинчи шахсларнинг қонунга ҳилоф равишда қасддан содир этган хатти-ҳаракатлари.	
Жами:	

3. Атама ва таърифлар

Суғурталовчи – суғурта шартномасига мувофик суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятини олувчи юридик шахс - **суғурта компанияси**.

Суғурта қилдирувчи – суғурта шартномасида ўзининг ёки учинчи томоннинг мулкий манфаатларини суғурталовчи томон. Суғурта шартномасига биноан Суғурталовчи суғурта ходисаси юз берганда зарарни қоплаш мажбуриятини олганлиги учун Суғурталанувчининг зиммасига суғурта мукофоти(бадали)ни тўлаш мажбурияти юкланади.

Наф олувчи – суғурта шартномасига биноан Суғурталанувчи томонидан суғурта қопламасини олиш учун тайинланган юридик ёки жисмоний шахс. У суғурта полисида қайд этилади.

Суғурта шартномаси – ёзма равишдаги келишувни ақс эттирувчи юридик ҳужжат, унга биноан Суғурталовчи суғурта ходисаси юз берганда моддий зарарни қоплаш мажбуриятини Суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофот(бадал)ларини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномасида унинг муддати ҳамда бошқа шартлар ва изохлар кўрсатилади.

Суғурта ходисаси – салбий ёки бошқа келишилган оқибатлар натижасида Суғурталовчининг суғурта қопламаси тўлашнинг такозо этувчи амалда содир бўлган суғурта воқеаси.

Суғурта пули – Суғурталовчи ва Суғурталанувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланадиган маблағ, унинг чегараси доирасида Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича суғурта қопламасини тўлашга мажбур.

Суғурта қопламаси – суғурта шартномасида белгиланган суғурта ходисаси юз бериш натижасида қўрилган зарарларни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан Суғурталанувчига тўланадиган пул.

Суғурта тарифи – суғурта пулига нисбатан нормаланган суғурта тўловларининг миқдори. Суғурта пулининг маълум фойзи ҳисобида ёки мутлоқ пул кўринишида белгиланади.

Суғурта мукофоти – суғурта шартномасида белгиланган муддат ва тартибда Суғурталанувчи (Нафдор) томонидан Суғурталовчига мажбурий тарзда тўланадиган суғурта учун ҳақ.

Суғурта далолатномаси – суғурта ходисаси содир бўлганлиги Суғурталовчи томонидан тан олинганда тузиладиган ва суғурта қопламаси тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат.

Сугурта полиси – Сугурталовчи томонидан Сугурталанувчига бериладиган, сугурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ва унинг шартларини ақс эттирувчи ҳужжат.

Шартсиз франшиза – сугурта шартномасига мувофиқ Сугурталовчи томонидан копланмайдиган Сугурталанувчи зарарларининг маълум бир қисми. Франшиза сугурта пулининг маълум фойзи кўринишида ёки муайян миқдорда белгиланиши мумкин.

4. Истиснолар

4.1. Қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар сугурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

– Сугурталанувчи, Наф олувчи ёки улар вакилларининг белгиланган ёнидан хавfli ёки портловчи нарса ва буюмларни сақлаш қодалари ҳамда алоҳида мулк турлари билан муомала қилишда белгиланган бошқа қодаларнинг қасддан бузиши;

– мол-мулкнинг ўғирланиши, учинчи шахслар томонидан қонунига зид, қасддан содир этилган ҳаракатлар натижасида йўқ қилиниши ёки шикастланиши, агар ушбу ҳолат тегишли ташкилотлар хабар қилинмаган, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан ушбу ҳодиса тасдиқланмаган бўлса;

– қуя, паразит, термит ёки бошқа ҳашоратлар, кўринмаган нуқсонлар, табиий эскириш, чириш, моғорлаш, об-ҳаво намлиги натижасида келтирилган шикастланиш, бузилиш ва зарарлар;

– Сугурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган ва Сугурталовчининг жавобгарлиги қучга киришидан олдин мавжуд бўлган мол-мулкнинг нуқсонлари;

– Сугурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан сугурталанган мол-мулкдан фойдаланиш қодалари бузилиши натижасида содир бўлган зарарлар;

– доимий мавжуд бўлган фойдаланиш омиллари(эскириш, коррозия)нинг таъсири ва об-ҳаво омиллари таъсирида аста-секин зарарланишлар ёки сугурталанган буюмларнинг ишлатилмаслиги;

– мол-мулкни ташиш, шунингдек, сугурта шартномасида кўрсатилмаган жойда сақланиши;

– Сугурталанувчининг Сугурталовчига зарарланган буюмларни ёки уларнинг қолдиқларини зарарланган буюмларнинг буткул йўқ бўлиб кетган ҳолларини истисно қилган ҳолда кўрсатишдан бош тортиши;

– сугурта шартномасида қайд этилмаган бошқа барча ҳодисалар;

– кўрсатилган мол-мулкка расман бириктирилмаган ва ишлаш учун махсус ўқитилмаган шахслар томонидан мол-мулклардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш натижасида кўрилган зарарлар;

– қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташки омилларга боғлиқ бўлмаган ички бузилишлари натижасида шикастланишидан кўрилган зарарлар;

– суғурта ҳодисаси содир бўлган вақтда ёки ундан сўнг мулкнинг ўтриланишидан кўрилган зарарлар;

– ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар;

– суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши.

4.2. Суғурталаш қуйидагиларга тааллуқли эмас:

– қуйма кимматбаҳо металллар ёки гардинсиз кимматбаҳо тошларга;

– портиловчи моддалар;

– нақд пуллар;

– ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, сув тошиши ва бошқа табиий офатлар юз бериш хавфи бор ҳудудларда жойлашган ҳамда авария ҳолатда бўлган иморат, иншоот ва бошқа мулклар, шу хавф ҳақида ўрнатилган тартибда зълон қилинганидан сўнг.

Бевосита (эгри) зарарлар ҳар қандай ҳолатда ҳам гарчи улар ёнғин ёки бошқа суғурта ҳодисаси натижасида содир бўлган бўлса ҳам қопланмайди.

4.3. Қонунга қарши манфаатлар суғуртасини амалга ошириш ман этилади.

4.7. Қуйидаги ҳолларда Суғурталовчи Суғурталанувчи(Наф олувчи)га суғурта қопламаси тўлашни рад этишга ҳақли:

■ суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар тўхтатилган бўлса ёки Фуқаролик кодексининг 948 ва 950 - моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тўхтатилган бўлса;

■ суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ёки бошқа қонуларга асосан ўз кучини йўқотган бўлса;

■ Суғурталанувчи(Наф олувчи) Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериш сабабларини ўрганишга ёки етказилган зарарлар ҳажмини аниқлашга тўсқинлик қилганлиги сабабли шартнома бекор қилинганда ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонулари асосан суғурта шартномаси кучга эга эмаслигини эътироф этиш ҳақида Суғурталовчига даъво берилганда.

■ Агар суғурта ҳодисаси Суғурталанувчи, Наф олувчининг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган бўлса, факатгина бу хатти-ҳаракатлар улар томонидан ўзларини зарур вақтда ҳимоя қилиш мақсадида ёки жуда зарур шароитда қилинган ҳолатларни истисно қилган ҳолларда Суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашдан озод бўлади.

5. Суғурта пули, суғурта мукофоти, уни тўлаш шакли ва тартиби

5.1. Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Анкета-аризага биноан суғурта пули, суғурта мукофоти (тўлови) ва тўлаш тартиблари Шартнома Декларациясининг 7, 8, 10 ва 11 бандларида кўрсатилган.

5.2. Суғурта полисини бериш муддати:

– нақд пулли ҳисоб-китобда - суғурта мукофоти (бадали) тўланиши билан бир вақтда;

– нақд пулсиз ҳисоб-китобда - Суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига суғурта мукофоти (бадали) келиб тушганидан сўнг 3 (уч) банк куни ичида.

6. Суғурта шартномасининг муддати

6.1. Ушбу суғурта Шартномаси томонлар имзо чеккан вақтдан бошлаб қучга қиради ва Шартнома Декларациясининг 5-бандида кўрсатилган муддатгача амал қилади.

6.2. Суғурталанувчи ва Суғурталовчининг жавобгарлиги нақд пулли ҳисоб-китобда - суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланиши биланоқ ва нақд пулсиз ҳисоб-китобда - Суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига суғурта мукофоти ёки биринчи бадал келиб тушгандан сўнг бошланади.

6.3. Суғурта муддати суғурта полисида қайд қилинади.

7. Суғурта шартномасининг тўхтатилиши

7.1. Ҳар иккала томон хоҳлаган вақтда суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда мўлжалланган бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин иккинчи томон сўнгги манзили бўйича ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.

7.2. Суғурта шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

– муддати тугаганда;

– Суғурталовчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганда;

– бир томоннинг талабига биноан шартнома бекор қилинганда;

– Суғурталанувчининг талабига биноан Суғурталовчи томонидан суғурта қондаларига амал қилинмаганда;

– юридик шахс - Суғурталанувчининг ёки Суғурталовчининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилганда;

– жисмоний шахс - Суғурталанувчи вафот этганда, агар учинчи шахс Суғурталанувчининг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олмаса;

– суд қарорига биноан суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда;

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда;

7.3. Агар суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли йўққа чиқса ва суғурта таваккалчилиги суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра мавжуд бўлмай қолса, масалан, суғурталанган мол-мулк суғурта ҳодисасидан ўзга сабаблар туфайли нобуд бўлса, суғурта шартномаси муддати тугамасдан олдин тўхтатилади. Бу ҳолда Суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта шартномаси амалда бўлган вақтга мутаносиб бўлган қисмини олиш ҳуқуқига эга.

7.4. Агар Суғурталанувчининг ёлғон маълумотлари асосида суғурта шартномасидаги суғурта пули оширилган бўлса, Суғурталовчи суғурта шартномаси бекор қилиниши ва етказилган зарарларни қоплаш мақсадида Суғурталанувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти миқдоридан кўпроқ миқдорда тўлов талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Агар суғурта шартномаси тузилганидан сўнг Суғурталовчига Суғурталанувчи томонидан мавжуд шарт-шароит ҳақида атайлаб ёлғон маълумотлар берилгани маълум бўлса, Суғурталовчи шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.1. Суғурталанувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1.1. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурта масалалари бўйича Суғурталовчидан маслаҳатлар олиш.

8.1.2. Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчидан суғурта қопламасини олиш.

8.1.3. Суғурта ходисаси юз берганда муस्ताкил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш.

8.1.4. Барча мулкни ва алоҳида объектларни қўшимча суғурта қилиш.

8.1.5. Суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва / ёки ўзгартиришлар киритиш.

8.1.6. Шартномани Суғурталовчини огоҳлантириш шarti билан муддатидан аввал бекор қилиш.

8.2. Суғурталанувчининг мажбуриятлари:

8.2.1. Суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш.

8.2.2. Суғурта объекти ҳақида Суғурталовчига тўлиқ ва аниқ маълумотлар бериш.

8.2.3. Суғурта объектини кўриқдан ўтказишга имконият яратиш.

8.2.4. Суғурталовчига таваккалчиликдаги сезиларли ўзгаришлар содир бўлган тақдирда дарҳол хабар бериш, масалан, қуйидагилар ҳақида:

■ суғурталанган объектни бошқа шахс ихтиёрига ўтиши, мулкни гаровга ёки ижарага берилгани ҳақида (сотиб олувчи, гаровга олувчи ёки ижарачининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда);

■ мол-мулк жойлашган ўрнининг ўзгариши, иншоотни қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ёки уларни бошқа мақсадларда ишлатилиши ҳақида;

■ ишлаб чиқаришнинг тўхтатилгани ёки фаолияти ўзгариши ҳақида;

■ мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарлангани ҳақида, зарарлар копланиши мумкин ёки мумкин эмаслигидан катъий назар;

■ суғурталанган бинода ёки унга алоқадор бўлмаган яқин жойда ёнғиндан хавfli, портловчи ёки бошқа нарсаларнинг сакланиши ҳақида.

8.2.5. Талабга кўра содир бўлган ҳодиса ҳақида тегишли давлат органларига дарҳол хабар бериш.

8.2.6. Содир бўлган воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишнинг судга оширилганлиги ҳақида тергов органлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг нусхасини Суғурталовчига тақдим этиш.

8.2.7. Суғурталовчига зарарланган мол-мулкни кўздан кечириш учун имконият яратиш ёки мол-мулкнинг зарарланган қисmlарини суратга ёки видеотасвирга олиб бериш.

8.2.8. Суғурталанган мол-мулкнинг шароитини шартноманинг амал қилиш муддати давомида ҳамда Суғурталанувчи томонидан суғурталанган

мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни текширишга Суғурталовчига имконият яратил.

8.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.3.1. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурталанган мол-мулкнинг аҳоли ва қийматини ҳамда Суғурталанувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотлар тўғрилигини текшириш.

8.3.2. Суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида Суғурталанувчининг хабар беришини кутмасдан суғурта ҳодисалари оқибатида етказилган зарарларни кўриб чиқиш ва баҳолашни бошлаш.

8.3.3. Суғурта ҳодисаси юз берганда таваккалчилик даражасини ифодаловчи кўшимча ҳужжатларни талаб қилиш.

8.3.4. Суғурта ҳодисаси содир бўлгани ва унинг келиб чиқиш сабабларини тасдиқловчи керакли ҳужжатлар ва тўлиқ маълумотга эга бўлмагунга қадар ҳамда воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганида тегишли ташкилотлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар суғурта қопламаси тўлашни кейинга суриш.

8.3.5. Суғурта таваккалчилигининг даражаси ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган тақдирда суғурта шартларини ўзгартириш.

8.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

8.4.1. Суғурта полисини _____ кун ичида бериш.

8.4.2. Суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта қопламасини _____ кун ичида тўлаш.

8.4.3. Суғурта қопламаси тўланмайдиган бўлса, тўламаслик ҳақида қарор қабул қилинганидан бошлаб 15 кун мобайнида Суғурталанувчининг хабардор қилиш.

8.4.4. Суғурталанувчи, Нафдорлар билан муносабатлардаги махфийликни таъминлаш.

9. Суғурта қопламасини тўлаш шартлари ва тартиби

9.1. Суғурталанувчининг суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризаси Суғурталовчига _____ кун ичида берилиб, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- суғурта ҳодисасининг тавсифи ва санаси;

– Суғурталанувчининг суғурта ходисаси юз бергандаги хатти-харакаглари;

– зарар миқдори ва Суғурталанувчининг даъво қилаётган суғурта қопламасининг миқдори, тегишли рўйхат ҳамда сумма миқдори;

– учинчи шахслардан олинган товои миқдори.

9.2. Суғурталанувчи томонидан суғурта ходисаси юз бергани хақида ариза берилганидан сўнг _____ кун ичида Суғурталанувчи, Суғурталовчи ва зарур ҳолларда тегишли ташкилотлар вакилларидаи иборат комиссия тузилади.

9.3. Агар суғурта ходисаси _____ кун ичида юз бергани тасдиқланса, Комиссия томонидан зарарларнинг сабаби ва ҳажми кўриб чиқилади, зарарлар ва йўқотишлар миқдори аниқланади суғурта қопламаси тўлаш учун сумма аниқланади ва Далолатномада қайд қилинади.

9.4. Агар томонлар зарарнинг сабаби ва ҳажми юзасидан ўзаро келиша олмаса, у ҳолда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

9.5. Суғурта қопламаси - суғурта суммасидан кам миқдорда тўланган суғурта шартномаси, шартномадаги ва тўланган суғурта қопламаси ўртасидаги фарқ миқдори муддати тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

9.6. Агар айбдор зарар томонидан бутунлай қопланган ёки суд қарорига биноан унинг зиммасига юклатилган бўлса, у ҳолда Суғурталанувчи суғурта қопламасини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

9.7. Агар Суғурталанувчи ёки Нафдор айбдор ёки учинчи шахслардан қоплама олган бўлса, Суғурталовчи фақат айбдор ёки учинчи шахс томонидан тўланган қоплама билан суғурта шартномасига мувофиқ тўланиши керак бўлган пул ўртасидаги фарқни тўлайди.

9.8. Агар мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарланиши жиноят натижасида юз берса ва бу жиноятни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш кўзга тилган бўлса, у ҳолда Суғурталанувчига суғурта қопламаси, айбдор шахсга берилган даъво регресси суд томонидан жиноий иш кўрилатилганда кўриб чиқилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, тергов олиб борилаётган даврда ёки тергов тугагандан сўнг тўлавиши мумкин.

9.9. Қоплама миқдори мулк зарарланганда уни алмаштириш қиймати, у буткул нобуд бўлганда эса рўйхатда кўрсатилган ҳақиқий қиймати билан чегараланади. Аммо, суғурта қопламасининг умумий миқдори суғурта шартномасидаги умумий суғурта пулидан ёки ҳар бир банди бўйича жавобгарлик лимитидан ошиб кетмаслиги керак.

9.10. Суғурталовчининг суғурта копламаси тўламаслик хақидаги қарори тўғрисида суғурта қилдирувчига (наф олувчи) уларнинг суғурта копламаси тўлаш хақидаги мурожаатидан бошлаб 15 кун мобайнида хабар берилиши керак. Хабарномада рад этишнинг сабаблари кўрсатилиши лозим.

9.11. Суғурталовчининг суғурта копламасини ёки суғурта пулини тўламаслик хақидаги қарори устидан судга даъво аризасини берган ҳолда эътироз билдирилиши мумкин.

9.12. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг зарар келтирган шахсга нисбатан даъво ҳукуқи суғурта копламаси (суғурта пули)ни тўлаган суғурталовчига у тўлаган пул доирасида ўтади.

9.13. Суғурталовчига ўтган даъво ҳукуқи суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга асосан амалга оширилади.

9.14. Суғурталовчига ўтган даъво ҳукуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар, далиллар ва бошқа маълумотларни Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига тақдим этиши шарт.

9.15. Агар Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зарар учун жавобгар шахсга бўлган Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун даъво қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки унинг айби туфайли даъво қилишнинг иложи бўлмаса, Суғурталовчи суғурта копламасини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламаслик ёки тўланган суғурта копламасининг ортикча қисми қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.16. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта копламасини _____ кун ичида тўлайди.

10. Бошқа шартлар

10.1. Агар Суғурта қилдирувчи қайта ташкил қилинса, унинг суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисига ўтади ва бу ҳақда суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ёзма равишда хабар қилади.

10.2. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг учинчи шахсларга ўтказиш томонларнинг ёзма розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

10.3¹. Ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича шартсиз франшиза суғурта пулининг _____ фоизини ёки _____ сўмни ташкил этади.

¹ Шартномада фақат франшизанинг бир тури (шартли ёки шартсиз) кўрсатиллади.

Хар бир суғурта ходисаси бўйича шартли франшиза _____
сўмини ташкил этади.

10.4. Томонлар форс-мажор шартлари даврида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки бутунлай бажара олмасликлари учун жавобгар эмаслар.

10.5. Форс-мажор шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: харбий ҳаракатлар, блокадалар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат ҳокимияти органларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, суғурта шартномасида кўрсатилмаган табиий офатлар.

10.6. Форс-мажор шартлари юз берганда ёки тузаганда томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

10.7. Форс-мажор шартлари юз берганда томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари форс-мажор шarti давом этган муддатга тенг муддатга узайтирилади.

10.8. Ушбу Шартномада кўрсатилмаган бошқа масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этадилар.

11. Низоларни ҳал этиш

Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. Томонларнинг юридик манзиллари

Суғурталовчи	Суғурта қилдирувчи
--------------	--------------------

Томонларнинг имзоси:

Суғурталовчи:

Суғурта қилдирувчи:

м.ў.

м.ў.

Эслатма: Мазкур суғурта шартномаси намунавий бўлиб, Суғурталовчи шартномага тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

**Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни сугурталаш
ПОЛИСИ**

1. Сугурталанувчи _____
(Ф.И.Ш)
2. Сугурталанувчининг _____ манзили, _____ телефони

3. Нафдор шахс _____

Сугурта турлари	Сугурта пули	Сугурта мукофоти и (тулови)	Имтиёзлар		Имтиёзлар ҳисобга олинган сугурта мукофоти (3-5-сатр)
			%	Сўм	
1	2	3	4	5	6
А.Иморатларни сугурталаш					
Б.Мол-мулкни сугурталаш					
Жами:					

200 йил “ ” _____
нақд пул билан тўланади.
200 йил “ ” _____ пул ўтказиш
(йўли билан тўланади.

(тўлов топшириқномасининг раками)

3. Умумий сугурта пули: _____
(сўз билан)
4. Умумий сугурта мукофоти (тулови): _____
(сўз билан)
5. Франшиза: _____
6. Сугурталаш муддати: 200 йил “ ” _____ дан 200 йил “ ”
_____ гача.

Сугурталовчи: Сугурталовчи раҳбари ёки у томонидан вакил килинган шахс
(сугурта агенти) _____
(лавозими, Ф.И.Ш) (имзоси)

М.Ў.

Берилган сана: 200 йил “ ” _____
Сугурта шартлари билан танишдим,
Полиснинг асл нусхасини олдим _____

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни сугурталаш Қондасидан кўчирма

Ўзбекистон Республикасининг қонунарига зид бўлмаган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш, уни бошқариш билан боғлиқ мулккий манфаатлар сугурталаш объекти бўлиб ҳисобланади. Бунда мол-мулк деганда фуқароларнинг хусусий мулки ҳисобланган уй-жой, шу жумладан, ижарага берилган уй-жой - уйлар, турар жой хоналари, уларнинг таркибий қисмлари (ораёнамалари, ёнамалари, кўтариб турувчи ва тўсиб турувчи пардеворлар)нинг мажмуи, хўжалиқ қурилмалари ҳамда ички ва ташқи пардоз қатламлари, турар-жой хоналарининг муҳандислик қурилмалари; уй мулки (уй жиҳозлари, қундалиқ ҳаёт ҳамда истеъмол буюмлари, шунингдек, Сугурталанувчига ва унинг оиласи аъзоларига қарашли ёрдамчи хўжалиқ буюмлари) тушунилади;

Сугурта ҳодисалари:

- ички сантехника тизимларининг ёрилиши, қўшни хоналардан сув кириши, ёнғин, порглаш, зилзила, тошқин, бўрон (довул), дўл ёғиши, ўғирлик, талончилик, учинчи шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари, кўчки, сел, яшин уриши, жала, ўширилиш, ер ости сувларининг кўтарилиб чиқиши, тупрокнинг чўқиши, учувчи жисملарнинг қулаши, мазкур ҳудуд учун хос бўлмаган узоқ вақт ёмғир ёғиши ва/ёки қўл қор ёғиши.

Қуйидагилар натижасида юз берган ҳодисалар сугурта ҳодисаларига қирмайди:

сугурталаш объектдан ташқарида жойлашган ташқи электр ўтказгичлари, шу жумладан, устунлар, шунингдек, турли хил тўсиқларга зарар етказилиши; Сугурталанувчи ёки Нафдор шахснинг атайлаб содир этган хатти-ҳаракатлари; Сугурталанувчининг ва/ёки оида аъзоларининг захарли, гиёҳванд ёхуд сширтли ичимликлар таъсирида маст ҳолатдаги хатти-ҳаракатлари (ҳаракатланмасликлари); мол-мулкнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, чириши ёки бошқа табиий хусусиятлари; мол-мулкнинг ўғирланиши, учинчи шахсларнинг атайлаб содир этган, қонунга зид хатти-ҳаракатлари оқибатида йўқ қилиниши ёки шикастланиш, башарти бу ҳодиса ҳақида ваколатли органларга маълум қилинмаган бўлса, шунингдек, бу ҳодиса ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаса; куя, паразитлар, қирчумолилар (термит) ёки бошқа ҳашаротлар, яширин нуксонлар, табиий эскириш, туташ, мотор, атмосфера намлиги ва ҳоказо таъсирида мулкнинг зарарланиши, вайрон бўлиши ёхуд шикастланиши; шиша ёки бошқа мўрт жисملарнинг урилиши натижасида мол-мулкнинг вайрон бўлиши ёки шикастланиши, ранги, текстурасининг ўзгариши; уруш, уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилинганлиги ёки эълон қилинмаганлигидан қатъий назар), инқилоб, қўзғолон, исён, галаён, иш ташлаш, қонунга зид равишда ҳокимиятни эгаллаш, фитна, қўпорувчилик ҳаракатлари, террористик ҳаракатлар натижасида мулкнинг зарарланиши, мавжуд ҳукумат ёки бошқа ҳокимият органининг фармойиши билан мусодара этиш, реквизиция қилиш, бузиб

ташлаш ёхуд зарарлантириш, ядровий реакция, ядровий ёки радиоактив нурланиш.

Суғурталанувчининг мажбуриятлари:

Суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта мукофотини тўлаш; суғурта объекти ҳақида Суғурталовчига тўлик ва аниқ маълумотлар бериш; суғурталанган мол-мулкнинг зарарланишига олиб келган воқеа ҳақида зудлик билан масъул ташкилотларга хабар бериши; Суғурталовчига ҳодиса юзасидан жинорий иш қўзғатилганлиги ёки тўхтатилганлиги ёхуд иш судга оширилганлиги тўғрисидаги қарорларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланган нусхаларини тақдим этиши; Суғурталовчига зарарланган мол-мулкни кўриб чиқишга имконият яратиб бериш ёки мол-мулкнинг ҳамма зарарланган қисмларини фотосуратга ёхуд видеотасвирга тушириш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари:

Суғурта полисини бериб, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни суғурталаш қоидалари билан таништириш; барча керакли ҳужжатларни олганидан ва суғурта ҳодисаси ҳақиқатан юз берганини тан олганидан сўнг суғурта қопламасини тўлаш; суғурта қопламасини тўлашдан бош тортган тақдирда бу ҳақда Суғурталанувчини қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 (ун беш) кун ичида ёзма равишда воқиф этиш; Суғурталанувчи, Нафдор билан муносабатлардаги маҳфийликни таъминлаш.

Суғурта қопламасини тўлаш тартиби ва шартлари:

Суғурталанувчи зарарини қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатади:

- суғурта ҳодисасининг санаси ва тафсилоти;
- суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталанувчининг хатти-ҳаракатлари;
- зарар миқдорини ва Суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта қопламаси миқдорини тегишли рўйхат билан суммаси кўрсатилган ҳолда тақдим этиш;
- учинчи шахслардан олинган зарар товонининг миқдори.

Зарарланган мол-мулк учун тўлавадиган қопламанинг миқдори, уни алмаштириш қиймати билан ёки мол-мулк тўлик нобуд бўлганда унинг ҳақиқий қиймати билан чегараланади.

Томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Суғурта ҳодисаси юз берганда Сиз шартнома тузган суғурталовчига ёки суғурта агентига мурожаат этишингизни сўраймиз.

ҚАЙД УЧУН

СУГУРТА АГЕНТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир - Маджидова М. Х.
Мусаххих - Исламова Н. И.
Компьютерда саҳифаловчи - Якубов А. Э.

Босишга рухсат этилди 2010 йил 12 февраль
Ҳажми 60x90^{1/16}
Офсет босма усулида. Алади 500 дона.
Шартнома № РО/1739/ 2009 йил 9 ноябрь
2009 йил 7 декабрь буюртма № 7

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти
Тошкент шаҳри, Ал Фарғоний кўчаси, 19

«PRINTXPRESS» босмахонасида чоп этилди
Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 79/172